


Х.Б. Бабаджанов

“ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.
ЖАРАЁНЛАР ВА МУАММОЛАР”




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ҲОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Х.Б. Бабаджанов

**“ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ:
ЖАРАЁНЛАР ВА МУАММОЛАР”**

МОНОГРАФИЯ



ТОШКЕНТ – 2017

УЎК: 338 (575.1)"1941/1945"

КБК: 63.3 (5Ў) 622-2

Бабаджанов Х.Б. Иккинчи жаҳон уруши йиллари

Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацияси: жараёнлар ва муаммолар.Т: «Aloqachi», 2017, 203 б.

КВН 978 – 9943 – 326-88-0

Монографияда иккинчи жаҳон уруши шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг ҳарбий мақсадлар асосида қайта қурилиши, уруш йилларида саноат объектлари ва аҳолининг оккупация этилган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилиши ҳамда трансформация жараёни билан боғлиқ кўплаб иқтисодий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари таҳлил этилган.

Монография материал хулосаларидан Ўзбекистон тарихи ва тарихшунослиги бўйича махсус курс, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, монографияда берилган материаллар асосида республикамизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада фаоллаштиришда фойдали бўлиши мумкин.

УЎК: 338 (575.1)"1941/1945"

КБК: 63.3 (5Ў) 622-2

Масъул муҳаррир:

Алимова Д.А. – тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Маҳкамова Н.Р. – тарих фанлари доктори, доцент (ТАТУ “Гуманитар фанлар” кафедраси мудири);

Мамадалиев Х. – тарих фанлари номзоди (Ўз МУ қошидаги Тарих институти катта илмий ходими).

КВН 978 – 9943 – 326-88-0

© «Aloqachi», наширёти, 2017 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1 – БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	7
1.1. Уруш шароитида республика асосий иқтисодий тармоқларининг ҳарбий мақсадлар асосида қайта қурилиши.....	7
1.2. Иккинчи жаҳон уруши йилларида саноат объектлари ва аҳолининг оккупация ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилиши, жойлаштирилиши ва фаолияти.....	37
2 – БОБ. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИ ТАЪСИРИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
2.1. Уруш йилларида давлат молия тизими трансформацияси.....	68
2.2. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқ хўжалигида кадрлар муаммоси.....	91
3 – БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ УРУШ ДАВРИДАГИ ҲОЛАТИ.....	122
3.1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида уруш туфайли юзага келган муаммолар.....	122
3.2. Ўзбекистон аҳолисининг қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминот ва тақсимот муаммолари.....	144
ХУЛОСА.....	186
Фойдаланилган адабиётлар	200

КИРИШ

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритилиши давлат ва жамият ривожига янги имкониятларни очиб берди. Миллий давлат мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши билан тарихий ҳақиқатни тиклаш, тарихга янгича ва ҳолис ёндашув, совет даврида юзага келган Ўзбекистон тарихидаги ноҳолисликлар ва “оқ доғлар”ни тугатиш учун қулай шарт-шароит қарор топди. Бунга бош йўналиш сифатида тарихий далил ва воқеаларга, бутун тарихий жараёнга ҳолислик ва ҳақиқат мезонлари асосида принципиал баҳо бериш биринчи ўринга қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов-нинг 2016 йил 18 июлдаги ПҚ-2562 – сонли қарорларида ҳам “замонавий ёндашувлар, тарихийлик ва ҳолислик тамойиллари асосида, умумжаҳон ва минтақавий тарихий жараёнлар билан ўзаро ҳамбарчас боғлиқ ҳолда минтақа тарихини ... чуқур ўрганиш”¹ вазифаси қўйилган эди.

Шу ўринда яқин ўтмишимиз бўлган совет мустабид даврини ёритишда адолат ва тарихийлик принципларидан келиб чиққан ҳолда, бу мураккаб даври янгича ёндашувлар асосида ҳозирги замонда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Мен ҳар доим мустабид совет тузуми, ўша замонда халқимиз бошидан кечирган кунлар ҳақида кўпроқ ёзинглар, деб, тарихчи ва ёзувчиларимиздан ялмимос қиламан”² сўзлари биз тарихчиларни яна бир совет мустабид даврининг асосий ва ажралмас бўлган иккинчи жаҳон уруши тарихини ўрганишни янада жадаллаштиришига йўналтиради.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов-нинг 1994 йил 16 мартдаги “1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида”³ги

¹ Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами, 2016.

² Каримов И.А. Она юртнинг бахту яқболи ва буюк келяжиги йўлда хизмат қилиш – энг олий саводатдир. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 112.

³ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Фармонлари (1993-1995 йй.). – Тошкент: Адолат. 1995. 3-китоб. – Б. 58 – 59.

ва 1999 йил 2 мартдаги “9 майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиш тўғрисида”⁴ги фармонларида халқимиз бошига кулфатлар келтирган Иккинчи жаҳон урушинини ўрганиш ҳамда бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрўэтиборинини юксалтиришга ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш мақсади кўрсатиб берилди.

Мазкур мавзунинг долзарблиги тарихшуносликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдирish эҳтиёжи билан ҳам асосланади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар ва муаммолари тарихини комплекс тадқиқот доирасида кўриб чиқиш зарурияти билан ҳам изоҳланади. Совет даврида иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий тадбирлар тарихи ҳақида қўплаб асарлар ёритилсада, бу тадқиқотлар тарих фанининг ҳозирги тараққиёт даражаси ва концептуал қарашларга мос келмайди. Шунинг учун ҳозирги кунда ушбу мавзунини чуқур тадқиқ этиш илмий ва ижтимоий заруриятга айланади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар ва муаммоларни илмий очиб бериш учун мустақиллик йилларида барча шароитлар яратилди. Бу шароитлар би-ринчи навбатда, янги методологик қарашларни мавзунини ўрганиш соҳасига қўлланилиши билан изоҳланади. Ҳозирги кунгача иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар ва муаммолар мавзусини илмий-таҳлилий ва янги методологик қарашлар бўйича яхлит илмий иш яратилмади. Жумладан, Мустақиллик даврида иккинчи жаҳон уруши мавзуси билан бевосита боғлиқ янги қарашлар асосида ёритилган иккинчи жаҳон уруши монографияси ҳимоя қилиниб⁵, улардан биттасида иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига доир масалалар муҳокама қилинди.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Фармонлари (1995-1999 йй.). – Тошкент: Адолат, 2000. 4-китоб. – Б. 291-292.

⁵ Ли Д.М. Укрепление сплоченности народа Узбекистана в период войны с Германским фашизмом: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Андижан, 1995. – 22 с.; Азиев Ҳ.И.

Ҳозирги кун нуқтаи назаридан Ватан обрўэтиборини юксалтиришга ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда юксак маънавий ишларга сафарбар этишда иккинчи жаҳон уруши йилларида ота-боболарнинг фронтдаги қаҳрамонликлари ва фронт ортидаги меҳнатларини ёритиб беришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Мавзунини татқиқ этиш ва монографияда берилган илмий-амалий тавсияларни ҳаётга татбиқ этиш республикада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада фаоллаштиришда фойдали бўлиши мумкин. Юқоридаги масалалар мавзунини докторлик монографияси даражасида ўрганиш учун асос тайёрлайди.

Ушбу тадқиқот ЎзР ФА Тарих институтида амалга оширилаётган Ф1-ФА-0-79985 – “Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиш ва ўрганиш истиқболлари” мавзусини фундаментал лойиҳада мавзусидаги тадқиқот билан боғлиқ.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон тарихи ва тарихшунослигига маълум даражада хисса қўшиши, капитал характердаги йирик монография сифатида қўлланиши мумкин. Тадқиқотдаги материал ва хулосалардан Ўзбекистон тарихи ҳамда тарихшунослиги бўйича махсус курс, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, монография материалларидан республика ва маҳаллий даражадаги музейларда Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон тарихи экспозицияларини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

1 – БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Уруш шароитида республика асосий иқтисодий тармоқларининг ҳарбий мақсадлар асосида қайта қурилиши

1941 йил декабргача бўлган даврда фашистик Германия қўш-инлари томонидан собиқ СССР нинг ғарбий чегарасидаги маълум ҳудудлар босиб олинди. Босиб олинган ҳудудлар СССР иқтисодий ҳаёти улкан аҳамиятга эга ва асосий саноат маҳсулотларини берув-чи марказлар эди. Қуйидаги жадвал(1)⁶ кўрсаткичларида оккупация ҳудудларининг собиқ Иттифоқ миқёсида саноат маҳсулотлари, қора металлургия ва ишчилар сони етакчи мавқеларни эгаллаганини кўришимиз мумкин:

1-жадвал

Фашистлар Германияси босиб олган СССР ҳудудларининг аҳоли ва ишлаб чиқариш салоҳияти

	Умумий СССР (1940 й.)	Босиб олинган ҳудудлар	Босиб олинган ҳудудларнинг СССРга нисбатан қўлиш, (%)
Аҳоли (млн. киши)	190,7	84,9	45
Ишчи ва хизматчилар сони (млн. киши)	31,2	11,9	38
Саноат маҳсулотлари (1926/1927 й. ўзгармас нархларида млрд. руб.)	138,5	45,9	33
Чўян (млн. т)	14,9	10,6	71
Пулат (млн. т)	18,3	10,5	58
Қўмир (млн. т)	165,9	105,2	63
Нефть (газ конденсати билан бирга млн. т)	31,1	2,6	8
Электр энергияси (млрд. киловатт-соат)	48,3	20,4	42

⁶ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. – Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР., 1990. – С. 21.

Умумий жиҳатдан, 1941 йил ноябрида 1941 йил июнь ойига нисбатан саноат ишлаб чиқариш 2,1 баробар камайди⁷. Урушда ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш учун зарур қурол-яроғларни армияга етказиб эса айнан қўшимча саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини яратиш талаб этиларди. Оккупация ҳудудларида ишлаб чиқариш қувватларини тўлдириш учун ҳали босиб олинмаган ҳудудларда имкониятлардан кенг фойдаланиш зарур эди. Шунинг учун СССР нинг фашистик Германия томонидан босиб олинмаган ҳудудлари, шу жумладан Ўзбекистон саноат корхоналаридан фронт эҳтиёжларини қондириш мақсадида максимал фойдаланилди.

Ҳарбий саноатни жонлангиришда СССР нинг шарқий ҳудудларига, жумладан, Ўзбекистонга катта эътибор берилди. Ўзбекистондаги қисқа вақт ичида саноат корхоналарини трансформация қилиш ва мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтказиш лозим эди. Чегараланган вақт ичида бундай катта кўламдаги ишни амалга ошириш катта куч ва ташаббусни талаб этди.

1941 йил охирига келиб шарқий ҳудудлар (Урал, Ғарбий Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон) чинакамга СССР нинг асосий саноат, хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таъминотчисига айланиб қолди. 1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йилда давлат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини трансформацияси натижасида собиқ иттифоқнинг шарқий ҳудудлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳарбий-саноат комплекси яратилди. Иқтисодийнинг трансформацион жараёнлари натижасида армияни ку-

⁷ Вещиков П. Экономика СССР испытание выдержала // Военно-исторический журнал. – М., 2006. – № 1. – С. 14.

рол-яроғ ва бошқа керакли маҳсулотлар билан муттасил таъминла-
ниши ҳамда саноат учун зарур асосий хом ашё ва фойдали қазил-
малар билан таъминот масалалари ҳал этилди.

Иккинчи жаҳон урушигача собиқ иттифоқ саноати “ҳарбий”
ва “фуқаролик” маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ихти-
сослаштирилагн эди. “Ҳарбий” маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхо-
налар (ихтисослаштирилган ҳарбий-саноат халқ комиссарликла-
рига тегишли) уруш йилларида асосий қурол-яроғ ва ўқ-дори турла-
рининг 2/3 қисмини етказиб берган⁸.

1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йил бошларида ҳарбий
қурол-яроғ турлари талофатлари ва ўқ-дори сарфи миқдорининг
ўсиши шароитида, ҳамда маълум миқдор “ҳарбий” корхоналарнинг
йўқ қилиниши ёки кўчирилиши натижасида ҳарбий саноат маҳсу-
лотига талаб кескин кўпайди. Шу сабабли, “фуқаролик” корхона-
ларининг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиши фронт таъ-
миноти босимини бирмунча юмшатди.

Кадрларнинг кескин суратда танқислиги, саноат хом ашёси,
ёқилги, дастгоҳлар, асбоблар ниҳоятда етишмаслигига қарамай,
1941 йил декабрга келиб, Тошкентдаги 63 та корхона ва респуб-
ликадаги бошқа 230 та корхона мудофиа маҳсулотлари бера бош-
лади⁹. “Тошқишлоқмаш” заводи урушнинг биринчи ҳафталаридан
бошлаб, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. 1941 йилнинг
охирига келиб завод ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини

⁸ Симонов И. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы
экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва:
РОССПЭН, 1996. – С. 154.

⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. ... – Б.
440.

240% га бажарди¹⁰. Фронт эҳтиёжлари биринчи ўринга қўйилган ҳолда, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга бошқа корхоналардан кадрлар ва техника жалб қилинди.

Баъзи ҳолларда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча корпус ёки цех қуришга тўғри келарди. Масалан, “Колхозник” номли заводда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча иккита цех қуришга тўғри келди. Режалар муддати тигиз белгиланганлиги учун ишчилар кунига 17 соатдан ишлашга мажбур бўлдилар. Завод раҳбариятининг ташаббуси ва ишчилар оғир меҳнати туфайли 1941 йил ноябрдан завод қурол-яроғ ишлаб чиқара бошлади¹¹.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистоннинг кўплаб саноат корхоналари ҳам ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Қуйидаги жадвал(2)¹²да Ўзбекистондаги асосий ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган корхоналар келтирилади:

2-- Жадвал

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондаги асосий ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган корхоналар:

Завод ва корхона номи	Ишлаб чиқарган ҳарбий маҳсулот тури
Топкинт авиация заводи	ЛИИ-2 русумидаги ҳарбий-транспорт самолётлари
“Топкинтопчақчи” заводи	ҳарбий техника учун эҳтиёт қисмлар
Топкинт пировоз-ремонт заводи	ҳарбий-сангитур ва зирҳли поездлар
Самарқанддаги “Колхозник” номли завод	гранаталар, сириқдлар учун гильзалар, солдат қозонлари ва армия учун автомашиналар ремонтни таъмин этишчи
Оқутбобосов номидаги чары заводи	армия эҳтиёжлари учун тери маҳсулотлари
“Худум” фабрикаси	йирик калибрли туфлар учун порох қартушлари
“Қўш” промартели	мина ва қўл гранаталари
Котляжурги ёт-мой заводи механика участкаси	миналар учун корпус ва стабилизаторлар

¹⁰ Голованов А. Саидов И. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарқанд: СамГУ, 2006. – С.6.

¹¹ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. 1. ... – С. 110.

¹² Жадвал қуйидаги адабиёт бўйича тузилди: Голованов А. Саидов И. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарқанд: СамГУ, 2006. – С. 6-7.

Тошкент паровоз ремонт заводи ҳам турли ҳарбий техникаларни ишлаб чиқаришга ўтди. Завод асосан ҳарбий-санитар поездлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. 1942 йил октябрида заводда тайёрланган “Ўзбекистон” номли бронепоезд Курск жанги, Киев, Житомер ва Польшанинг озод этилишида ишгирок этиб, га-лабани Берлиндан 60 км. узоқликда жойлашган Бранденбург шахрида кутиб олди¹³. Архив маълумотларидан, 1943 йилда Ўзбекистонда фаолият юритган 702, 708, 770, 735, 725 – сонли заводлар Миномёт Халқ Комиссарлиги, 84 ва 154 – сонли заводлар эса Авиасаноат Халқ Комиссарлиги ихтиёрида бўлганлиги маълум бўлади¹⁴.

1941 йилда Москва вилояти Химки шаҳридан 84-сонли авиация заводи Тошкентга кўчирилиб, унда уруш йилларида ПС-84 русумидаги самолёт (1942 йил сентябридан номи ЛИ-2 га ўзгартирилган) ишлаб чиқарилган. ПС-84 самолётининг лойиҳаси АҚШнинг Дуглас компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 1938 йилдан собиқ иттифокда лицензия асосида ишлаб чиқарила бошлади.

Ушбу русумдаги самолётлар фуқаро авиацияси учун мўлжалланган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент авиация заводида ишлаб чиқарилган ЛИ-2 самолётлари ПС-84 нинг ҳарбий

¹³ Нуруллин Р. Ўзбекистон – арсенал фронти в годы войны // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 193.

¹⁴ ЎзР МДА, Р 837-фонд. 32-рўйхат. 3774- йилгажид, 218-варақ.

модификацияси бўлиб, улардан ҳарбий юклар, десант ташишда ва бомбардимончи самолёт сифатида фойдаланилган¹⁵.

Қурол-яроғ ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бориб, қурола-ниш бўйича мувозанат СССР фойдасига ўзгара борди. Бу қуйидаги жадвал (5)¹⁶ кўрсаткичларни яққол исботлайди.

3 – Жадвал

1942-1945 йилларда СССР ва Германия армияси ҳарбий кучлари нисбати

	СССР армияси			Германия ва унинг қўшинлари армияси		
	1942.XI	1944.I	1945.I	1942.XI	1944.I	1945.I
Қўшинлар сони (минг киши)	6124	6165	6532	6270	4906	3100
Танклар ва САУ	6956	5357	12900	6800	5400	3950
Тўп ва миномётлар	77734	92650	108000	70980	54570	28500
Самолётлар	3254	8500	15540	3500	3073	1960

Собиқ иттифокнинг марказий иқтисодий тизими ва хусусий мулкчиликнинг йўқлиги шароитида иқтисодий ўсишнинг (миқдор ва сифат маъносида) рақобатчилик муҳитидан фойдалана олмасди. Халқ ҳўжалигида турли тармоқлари шу жумладан, саноатда қайси-дир маънода рақобатчилик муҳитини сақлаб қолиш мақсадида турдош корхоналар ўртасида мусобақалар ташкил этилиши уруш йилларида ҳам истисно бўлмади. Масалан, 1943 йида социалистик мусобақада ғолиб бўлган республика ҳудудидаги корхоналар учун жами 14 та кўчма қизил байроқлар таъсис этилди.

¹⁵ Шваров В. История конструкций самолетов в СССР 1938-1950 гг. 2-е изд. – Москва: Машиностроение, 1988. – С. 136.

¹⁶ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. ... – С. 59.

Бундай мусобақа курук расмиятчиликка айланмаслиги ва иштирокчи корхоналар иқтисодий қизиқишни уйғотиш учун голиб корхоналар учун мукофот пули жорий этилди. Мукофот миқдори иттифоқ даражасидаги корхоналар учун 15000 сўм ва республика даражасидаги корхоналар учун эса 10000 сўм этиб белгиланди¹⁷.

Бундай ютуқ ва устуникни қўлга киритишда Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам муносиб ҳисса қўшди. Эвакуация қилинган ва маҳаллий корхоналар базасида ҳарбий машинасозлик ривожланиб, 1943 йилда 4 баробар ўсди. Шунингдек, кичик ва ўрта гидростанциялар қурилиши эвакуация қилинган корхоналар узлуксиз ишини таъминлаб берди. Ўзбекистонда 1942 – 1943 йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш 4 баробар кўпайди¹⁸.

Курул-аслаҳа ишлаб чиқариш кўпайиши билан sanoatining феррозэритмалар, никель, мис, алюминий, темир ва бошқа металларга бўлган талаби ортиб борарди. Аммо 1941 – 1942 йилларда СССР нинг асосий темир рудаси манбаси бўлмиш Кривой Рог ва Керч, Никитовкадаги симоб конлари, Тихвиндаги боксит манбалари, Кола ярим оролидаги никель конлари оккупация зонасида ёки фронт олди ҳудудларида қолди.

Ҳарбий ҳаракатлар даврида йўқотилган конлар ўрнини тўлдириш учун Шарқий районларда янги ҳам ашё манбалари ва қазилма бойликлари конлари очилди. Уларнинг аксарияти Ўрта Осиё ва Қозоғистонга тўғри келди. 1941 йил 16 августда қабул қилинган

¹⁷ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3750- йилмажмӯд, 53-варақ.

¹⁸ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. 1. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 59.

харбий-хўжалик режасида 1942 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон ху-
дудида қуввати 2900 минг тонна бўлган 12 кўмир конини ишга
тушириш белгиланди¹⁹.

Уруш бошланишига қадар Ўзбекистонда бир қанча рангли ме-
таллар конлари топилган эди. Уруш бошланиши билан юзага кел-
ган ҳолатда Ўзбекистонда вольфрам, молибден, мис, олтин ва бош-
қа металл конлари ишга туширила бошланди. 1942 йилдан бошлаб
Лангар ва Олмалиқ конларини тезликда ишга тушириш ишлари
бошлаб юборилди²⁰.

Трансформация жараёни СССР иқтисодий тизимида шарқий
худудлар аҳамиятини оширди. Бу худудларда саноат ишлаб чиқа-
риши умумий ҳажми ва улуши ўзгариб борди. Урушдан олдин яра-
тилган инфратузилма ва саноат қурилиши саноат ўсиш суръатла-
рига ҳам таъсир кўрсатди.

Жумладан, кўчирилган корхоналардан талқари Ўзбекистонда
280 та янги саноат корхонаси барпо этилди²¹. 1941 – 1945 йилларда
Ўзбекистонда нефть қазиб чиқариш 4 баравар, кўмир қазиб чиқа-
риш 30 баравар, элэктр энергия ишлаб чиқариш 2,42 баравар ва пў-
лат эритиш 2 баравар кўдайди. Шунингдек, республика металлга
ишлов бериш саноати қуввати 4,8 баравар ва машинасозлик ишлаб
чиқариш қуввати 13,4 баравар ўсди²².

¹⁹ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 155.

²⁰ Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войны. ... – С. 69.

²¹ Голованов А., Саидов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарканд: СамДУ, 2006. – С. 16.

²² Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 86.

Янги қурилган корхоналар ичида бир неча кимё заводлари бор эди. Бу корхоналар республиканинг танқис кимё маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирди. Айниқса, собиқ иттифоқ ҳудудидаги кимёвий ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг портловчи моддалар ишлаб чиқаришга ўтиши кимёвий ўғитлар таъминоти масаласини кескинлаштирди. Ушбу танқисликни яқин вақтда тўлдириш мақсадида 1942 йилдан Ўзбекистонда иккита, Кўкон ва Когон суперфосфат заводлари қурилиши бошланди²³.

Уруш йилларида собиқ иттифоқда ишлаб чиқарилган 65 – 68% саноат маҳсулотлар фронт эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилди²⁴. Ўзбекистон ҳам ялпи ишлаб чиқаришда саноатнинг аҳамияти ортиб борди. Ялпи ишлаб чиқаришда саноатнинг улуши 1938 йилда 69,4%дан 1945 йилда эса 80%га кўпайди²⁵. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги мувозанатнинг кескин ўзгариши иқтисодий ресурсларнинг ҳарбий саноатга кўплаб ажратилиши билан боғлиқ эди.

Ўзбекистонда қора металлургиянинг пайдо бўлиши, нефть ва кўмир қазиб олишнинг кўпайиши, машинасозлик, кимё саноати, энергетика соҳаларининг салмоқли ривожини уруш йилларида иқтисодиётда саноатнинг улуши кўпайишида муҳим аҳамият касб этди. Республикада уруш йилларида металлни қайта ишлаш саноати 4 баробар, машинасозлик саноати эса 11,4 марта ўсди²⁶. Иқтисодий трансформациянинг салбий томони, қишлоқ хўжалигига маблағ аж-

²³ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3260-йиғмажид, 208-варақ.

²⁴ Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 152.

²⁵ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. ... – С. 177.

²⁶ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. ... – С. 178.

ратилиши камайди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланишида мувозанат бузилди.

Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилларида Ўзбекистон саноати анча ўсиб, республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, текстил ва дастгоҳ қуриш саноат тармоқларига тегишли 22 та йирик корхонага эга эди²⁷. Аммо бу корхоналарнинг барчаси иттифок қарамоғида бўлиб, Ўзбекистоннинг урушдан кейинги иқтисодиётини тобора қарамлик ҳолатига тушишига олиб келди.

Ўзбекистонда барча корхоналар ҳам ишлаб чиқаришни муваффақиятли ҳарбий изга ўткази олмадилар. Масалан, СССР Ер ишлари Халқ Комиссарлигининг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 30 корхонасидан 21 таси умуман керакли асбоб-ускунага эга эмасди²⁸.

Режалар нотўғри тузилганлиги ва техникадан нотўғри фойдаланиш туфайли Марказга қарашли Халқ Комиссарликлари қарамоғидаги корхоналар ҳарбий ишлаб чиқариш режаларини июлда – 66,9 %, августда – 31,8 % сентябрда – 50 % га бажардилар²⁹.

Малакали кадрлар, ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги ҳам ишлаб чиқариш режаларининг вақтида бажарилмаслигига маълум маънода таъсир ўтказди. Фронтга кетганларнинг ўрнини эгаллаган малакасиз ишчиларга янги техника эгаллаш учун вақт зарур эди. Ишчиларнинг малакаси ошиши, корхоналар техника ва

²⁷ Очерки по истории Народного хозяйства СССР. – Москва: Госполитиздат, 1959. – С. 355.

²⁸ Верт А. Россия в войне 1941-1945. Авторизованный перевод с английского. – Москва: Военгиздат, 1967. – С. 149.

²⁹ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. 1. ... – С. 110.

технологияларининг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашиши билан вазият яхшилана бошлади.

1941 йил октябрида республика корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 51% ҳарбий буюртмалар асосида ишлаб чиқарилди³⁰. 1941 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 137 та корхонадан 63 таси тўлиқ ёки қисман ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтдилар³¹.

Баъзи ҳолатларда, халқ хўжалиги талаблари бажарилиши жуда зарур бўлганда “ҳарбий комиссарликлар” қошидаги корхоналар халқ хўжалиги учун саноат маҳсулотлар ишлаб чиқарганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Масалан, 1943 йилда республикада ғалла йиғимини техника билан таъминлашдаги жиддий муаммолар инобатга олиниб, миномёт халқ комиссарлиги тизимидаги 702-сонли, 708-сонли ва 735-сонли “Қизил Оксой” заводлари вақтинчалик комбайнлар учун баъзи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарди³².


Лекин бундай мисоллар уруш йилларида саноатда трансформация жараёни орқага кетди, деган хулоса чиқаришга асос бўлмайди. Биринчидан, юқоридаги тескари ишлаб чиқариш жараёни маълум ҳолатлар ва қисқа муддатда содир бўлди. Иккинчидан, “ҳарбий корхоналар” ноҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзларининг асосий ишлаб чиқариш қувватларини жалб этмай, бир вақтнинг ўзида, асосан, параллел ҳарбий маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқардилар.

1942 – 1943 йилларда собиқ иттифоқ иқтисодиёти ҳарбий анжомлар ва қурол-яроғ ишлаб чиқаришда улкан натижаларга эриш-

³⁰ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. ТОШКЕНТ. - АББОТ

³¹ Голованов А. Сидов И. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Самарканд. СамГУ, 2006. Часть II. - С. 6.

³² УзР МДА. Р 837-фонд. 32-руйхат. 3756-Илгмажид. 102-вақит



ди. Лекин бундай ҳарбий ишлаб чиқариш суръатларини узоқ муддат сақлаб туриш имкони йўқ эди.

Собиқ иттифоқда турли ҳарбий-техника ишлаб чиқариш чўққисига турли даврларда эришилди. Жумладан, артиллерия тизимларини максимал ишлаб чиқариш ҳажми (38344 дона)га 1942 йил 3-чорагида; авиация заводлари эса 1944 йил 3-чорагида (8455 дона самолёт) эришди³³. Биринчи жаҳон уруши тажрибасидан шу нарса аён бўладики, ҳар қандай ҳарбий-техника ва қурол-яроғ ишлаб чиқариш миқдори (баъзи ҳолларда сифати) пасайиши кузатилади. Урушда ғалаба қилаётган ва стратегик ташаббус қўлида бўлган давлат учун ишлаб чиқариш пасайиши жуда катта муаммо ҳисобланмайди.

Ишлаб чиқариш чўққисидан сўнг бошланган пасайишнинг асосий сабаблари сифатида дасггоҳ, ишлаб чиқариш воситаларининг эскириши ҳамда ишчи-муҳандис кадрларнинг жисмоний ва руҳий зарарчилиги кўрсатиш мумкин. Бу ҳолат маҳсулот сифати ва ишчилар саломатлигига салбий таъсир этди. Саноат ишчиларининг соғлиги ва яшаш шароити ёмонлашуви натижасида касбий касаллик ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳолатлари кўпайди. Масалан, 1940 – 1942 йиллар оралигида Кимёсаноати ва Ўқ-дори ХКлари корхоналарида ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳолатлари 3 баробар кўпайди³⁴.

³³ Сямонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 175.

³⁴ Павлов Р. Опект социального обеспечения условий труда рабочих и колхозников в годы Великой Отечественной войны 1941-1945 гг.: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Москва, 2000. – С. 22.

Бундай “чарчаш”нинг яна бир исботи сифатида 1942 йилга нисбатан 1943 йилларда ҳарбий қуро-яроғ ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулот нуқсон фоизининг кўпайиши бўлди. Аслида, 1943 йилда ишлаб чиқаришда технологик, таъминот масалаларининг тартибга солиниши ҳамда ишчи-муҳандис кадрлар малакаси ошиши (1942 йилга нисбатан) маҳсулот бракини камайнишига олиб келиши керак эди. Лекин 1942 – 1943 йилларда Авиясозлик ХК корхонлар умумий маҳсулот қийматидан брак маҳсулотлар ҳажми 2,0% дан 2,9%га кўпайди³⁵. Бундай ҳолат қуро-яроғ ишлаб чиқарувчи деярли барча халқ комиссарликларида кузатилди.

Ўзбекистонга кўлаб корхоналарнинг асбоб-ускуналари ва аҳолининг кўчирилиши, янги заводлар қурилиши ва фойдали қазилма конларининг очилиши энергетика базасининг тезликда ривожланишини талаб этди. Асбоб-ускуналарга электр энергияси етказилиб берилмаса, улар жонсиз ва кераксиз темирдан ўзга нарса бўлмас эди.

Иккинчи жаҳон урушигача Ўзбекистонда электр тизими нисбатан кучсиз ривожланган бўлиб, электр станцияларининг умумий қуввати 170 минг квт.га тенг эди. Ўзбекистон электр энергияси тизимини Чирчиқ-Бўзсув ГЭСлар каскади, Тошкент ТЭЦ, Қувасой ГРЭС ва бир қанча майда шаҳар ТЭЦлари ҳамда корхоналардаги дизель генераторлар ташкил этган³⁶.

³⁵ Симонов И. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управления. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 175.

³⁶ Фазылов Х. Энергетика Узбекистана в годы войны // Физизм устидан қозонилган галабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари)... – Б. 162.

Ўзбекистонга корхоналарнинг кўчирилиши ва мавжуд корхоналар ишлаб чиқаришнинг қувватларининг ўсиши натижасида юзага келган элэктр энергия танқислигини икки йўналишда ҳал этиш мумкин эди: мавжуд элэктр энергияни иқтисод қилиш ва қайта тақсимлаш, иккинчидан, янги элэктр станцияларини қуриш бўлган.

Иқтисодиётни тезликда трансформация қилишда биринчи йўналиш кўпроқ аҳамиятлироқ эди. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда янги қурилиши бошланган элэктростанциялар асосан 1942 – 1943 йилларда ишга туширилиши режалаштирилди. Ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар янги элэктр станциялар қурилишини кутиб туришга умуман иложиси йўқ эди. Бундай вазиятда элэктр энергияни қайта тақсимлаш, тежамкорлик ва тезликда вақтинчалик элэктр энергияси манбаларини топиш аҳамиятлироқ эди.

1941 йил октябрдан дастлабки кўчирилган корхоналарнинг ишга тушурилиши билан элэктр энергияси танқислиги бошлади. Маълумки, уруш даврида Ўзбекистон деярли 90% элэктр энергияни ГЭС лардан оларди. ГЭС лар куз - қиш ойларида сувнинг оқими камайиши билан камроқ элэктр энергия ишлаб чиқарадилар. Масалан, 1941 йилда Чирчиқ ГЭС ва унга турдош ГЭСлар қуввати 123 меговатт бўлса, қиш ойларида уларнинг қуввати 83 меговаттгача тушиб кетди³⁷. Бир томонлама элэктр энергияси ишлаб чиқариш қисқараётган ҳолатда, унга бўлган талаб ошиб кетди. Элэктр энергияси етишмаслиги ва корхоналарнинг ишсиз туриб қолиши эвакуация билан боғлиқ барча ишларни йўққа чиқарарди.

³⁷ ЎзР МДА. Р-837-фонд, 32-руйхат, 2786-Йиғма жилд, 240-варақ.

Электр энергияси тақчиллигини камайтириш учун янги электр станциялар қуриш ва мавжудларининг қувватини оширишга киришилди. Ҳисоб-китобларга кўра, 1942 йил охиригача янги станциялар қурилиши тугалланар ва мавжуд станцияларнинг қувватни ошириш учун эса 4-6 ой талаб қилинарди. Юқорида таъкидланганидек, ортиқча электр энергия 1941 йилининг ўзидаёқ керак эди. 1941 йил ноябрь ойида биргина Тошкент ва Чирчиқ ҳудудида электр энергияси тақчиллиги ўн миллион квт.соат ни ташкил этди³⁸. Бундай ҳолат, эвакуация режасини барбод бўлишига олиб келиши мумкин эди.

Бошқа томондан, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва эвакуация қилинган корхоналарни ишини бир маромда таъминлаш учун электр энергияни иқтисодий қилиш бошланди. 1942 йил 23 апрелда Ўзбекистон Савдо Халқ Комиссарлиги ўз муассасаларига берган буйруғида электр энергия тежашнинг қўйидаги йўллари белгиланган эди: чироқни кундузи ёқмаслик, дераза ойналарини бўёқ ва чангдан тозалаш (улар ҳам маълум фойз ёруғликни тутиб қолиш мумкин), ишлатилмаётган чироқни ўчириб юриш³⁹. Бошқа корхоналарда кўп қувватли лампочкалар кам қувватлисига алмаштирилди.

Ўзбекистонда мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, янги электр станциялари қурилди ва мавжудларининг қуввати оширилиши билан электр энергияси муаммоси ижобий ҳал этилди. Ўзбекистонда электр энергияси танқислигини тугатилишининг асосий саба-

³⁸ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2786-йигма жилд, 3-варақ.

³⁹ ЎзР МДА, Р-91-фонд, 8-рўйхат, 301-йигма жилд, 19-варақ.

би бир неча гидроэлектрстанцияларнинг қурилиши бўлди. 1940 йил республика бўйича 480,8 млн киловатт/соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлса, 1941 йилда – 907,6, 1942 йилда – 1004,0, 1943 йилда – 1148,3, 1944 йилда – 1227,8 млн киловатт/соат электр энергия ишлаб чиқарди⁴⁰. Электр энергия танқислиги 1944 йилгача давом этган бўлсада, тежамкорлик ва қайта тақсимлаш тўғрисида ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар ишида жиддий тўхташлар бўлмади.

Уруш даврида Ўзбекистонда гидроэлектрстанцияларни лойиҳалашда эвакуация қилинган илмий-тадқиқот институтлари ва олимлари билан фойдали ҳамкорлик ташкил қилинди. Жумладан, 1941 йил 2 июлдаги Эвакуация Кенгашининг 3с-59/сс-сонли қарори асосида Ленинграддан Тошкентга бутуниттифоқ Гидротехника илмий-тадқиқот институтининг эвакуация қилинган эди⁴¹. Ушбу институт собиқ иттифоқда гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда ягона ҳисобланиб, уруш йилларида илмийтадқиқот институти билан самарали ҳамкорлик олиб борилди.

Уруш йилларида Ўзбекистон саноат тармоқларидан енгил саноатни трансформация қилиш жараёни анча мураккаб кечиб, бу жараён амалга оширишда бир неча муаммоларга дуч келинди. Бунинг асосий сабаби иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда енгил саноат иккинчи даражали тармоқ сифатида қараларди. Енгил саноатнинг техник базаси ва унга бериладиган эътибор қониқарсиз ҳолатда эди.

⁴⁰ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. Москва, Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. С. 60.

⁴¹ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3521-йилмажмуд, 6-варақ.

Енгил саноат корхоналари географик жойлашувида ва ишлаб чиқариш кучларининг централлашувида ҳамон мустамлакачилик белгиларни кўзга ташланарди. Енгил саноатта асосий хом ашё (пахта, жун, ипак) етказиб берувчи Ўрта Осиё республикалари тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши кам эди. 1939 йил 1 январь ҳолатига кўра, СССР умумий енгил саноат ишлаб чиқаришида Шарқий ҳудудлар улуши: пахта матолар ишлаб чиқаришда – 3,8 %, ипак – 8,3 %, трикотаж – 5,7 %, ички кийим – 5,4 %, пайпоқ тўқ-ишда – 4,3 % ни ташкил этди. Хом ашё манбаларидан анча узоқ жойлашган РСФСР нинг марказий ва шимоли-ғарбий ҳудудларида енгил саноат қувватларининг 92,2% и жойлашган эди⁴².

Шунинг учун урушнинг дастлабки ойларида енгил саноат корхоналарининг асосий қисми оккупация ҳудудида қолди. Доимий ҳарбий ҳаракатлар ва транспортнинг етишмаслиги шароитида ҳам 150 га яқин текстил корхоналари эвакуация қилинди. Улардан 40 га яқини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга жўнатилди⁴³.

Эвакуациянинг муракаб шароитларда ўтиши туфайли энг замонавий ва керакли техника, жиҳоз, асбоб-ускуналарни олиб чиқиб кетилди. Натижада эвакуация қилинган заводлар дастгоҳ ва ускуналари тўлиқ бўлмасди. Бундай ҳолатда асбоб-ускунаси тўлиқ бўлмаган корхона эвакуация қилинган жойида турдош корхона таркибига қўшиб юборилар ёки мустақил ишга тушганда тўлиқ қувватда ишлай олмасди.

⁴² Промышленность СССР. – Москва: Статистика, 1957. – С. 327, 346-348.

⁴³ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 121.

1942 йил октябрда Хонободда (Андижон вилояти) ишга тушган ва Белоруссиянинг Речинск шахридан эвакуация қилинган тери ишлаш заводи асбоб-ускунаси тўлиқ бўлмаганлиги туфайли қуйидаги ҳолатни кузатишимиз мумкин эди: завод эвакуациядан олдин йилига 2100 т. маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, янги жойда эса ишлаб чиқариш йиллик қуввати 1000 т. гача тушиб қолганди⁴⁴.

Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб кўчирилган корхоналарни жойлаштиришда маҳаллий шароитлар ва инфраструктура инobatта олинardi. Жумладан, машинасозлик ва оғир металлургия корхоналари асосан Тошкент ва бошқа йирик саноат корхоналари мавжуд шаҳарларга жойлаштирилди. Енгил саноат корхоналарининг кўпчилиги Фарғона водийсига жўнатилди. Москвадан кўчирилган “Вискоза” пиллакашлик фабрикаси Ўзбекистон пиллакашлик марказларидан бири бўлиш Наманган шаҳрига кўчирилди. Марғилон пиллакашлик фабрикаси асосида бир неча кўчирилган фабрикалар асбоб-ускунаси бирлаштирилиб, йирик пиллакашлик марказига айлантилди.

Шароит қийинлигига қарамасдан, енгил саноат корхоналарини ички ресурслардан фойдаланган ҳолда тезликда тиклан ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш талаб этиларди. 1942 йил январидан Марғилонга эвакуация қилинган шойи комбинати ва Тошкентга эвакуация қилинган каноп-қоп фабрикаси учун ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш режаси белгиланган эди⁴⁵.

⁴⁴ Беларусы в Советском тылу. Выпуск 1. (Июль 1941 г. – 1942 г.). – Минск: НАРБ. 2010. – С. 95.

⁴⁵ ЎзР МДА, Р 837-фонд. 1-руйхат, 3260- йигмақилд, 358-варак.

Одатда, Ўзбекистонга кўчирилган текстил, озиқ-овқат ва по-йабзал фабрикалари маҳаллий корхоналарга кўшиб юборилди. Чунки уларни қабул қилиш учун Ўзбекистонда турдош корхоналар мавжуд эди. Эвакуация корхоналари дастгоҳлари маҳаллий корхоналар қувватини оширишга хизмат қилди. Маҳаллий томат заводи (1931 йилда қурилган) ва эвакуация қилинган Мелитополь консерва заводи асосида 1942 йилда Фарғона консерва заводи ташкил этилиб, 1942 йилда 1602,9 минг дона консерва банки ишлаб чиқарди⁴⁶.

Баъзи эвакуация корхоналарнинг асбоб-ускуналари икки-учга бўлиниб, турли шаҳарларга тарқалган эди. Бир қисм дастгоҳлар мустақил завод сифатида фаолият олиб боролмасди. Белоруссиядан кўчирилган тикув фабрикасининг фақат электромоторлари ва хом ашёси 3 вагонда Тошкентга етиб келди ва албатта, фақат электромоторлар билан фабрика тиклаб бўлмасди.

Эвакуация қилинган енгил саноат корхоналарини жойларда ишга тушириш қийинчиликлар билан кечди. Чунки маблағлар асосан оғир саноат корхоналарини тиклашга ажратилиниб, енгил саноат корхоналари монтаж графикларига киритилмасдан қоларди.

Мавжуд вазиятда енгил саноат тезлик билан фронтни кийим-кечак билан таъминлаши зарур эди. Бошқа саноат тармоқлари каби енгил саноат ҳам уруш манфаатларидан келиб чиқиб ҳарбий изга қайта қурилди. Иккинчи жаҳон урушига қадар енгил саноат корхоналарининг фронт учун маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи унча катта эмас эди. Фақат тикувчилик корхоналаригина армия учун

⁴⁶ Экономическая жизнь СССР (хроника событий и фактов). Книга первая. – Москва: Советская энциклопедия, 1984. – С. 352.

қисман кийим-кечак тайёрларди. Эндиликда ички имкониятлардан келиб чиқиб ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга тўғри келди.

Бу вазифани амалга ошириш учун аввало, халқ истеъмоли товарлари ва умуман тинчлик даврида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қисқартирилди. Тикувчилик корхоналари кийим-кечак, шинель, телогрейка тикишга, тери-мўйна ва лойабзал корхоналари эса қалпоқ, этик, солдат ботинкалари, калта пўстинлар, қўлқоп ва шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтдилар.

Уруш йилларида Ўзбекистон енгил sanoat трансформацияси жуда мураккаблик билан кечди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон иқтисодий тарихи ёритилган тадқиқотларда кўпинча бунга етарли баҳо берилмаган. Фақатгина уларда енгил sanoat қуввати ортганлигини кўрсатувчи маълумотлар берилади. Аммо sanoat тармоқлари ичида енгил sanoatни ҳарбий изга ўтказишда энг жиддий муаммолар ва қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Асосий қийинчиликлар моддий-техника ва хом ашё баъзаси анча камайган шароитда янги маҳсулот ва янги технологияни ўзлаштиришни, янги хом ашёни қидириб топиш ва ундан фойдаланиш билан изоҳланарди.

Ўзбекистонга келтириладиган енгил sanoat учун зарур маҳсулотлар (тутмалар, илгаклар, замоклар ва ҳаказолар) билан таъминлаш уруш вақтида тўхтаб қолди. Шунингдек, уруш бошланиши билан тармоқда ажратилинадиган капитал маблағлар камайди. Масалан, 1942 йилда давлат томонидан тармоққа ажратилинадиган маблағ режаси Ўзбекистон текстил sanoati халқ комиссарлиги бўйича

21,5% га, Ўзбекистон енгил саноати халқ комиссарлиги бўйича эса 5,8 % бажарилди⁴⁷.

Уруш бошланиши билан енгил саноатнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмаларни бажаришга қаратилди. Чарм моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар авиация, автомобильтрактор, танк ва бошқа ҳарбий йўналишдаги соҳаларни маҳсулотлар билан таъминлади. Масалан, 1941 йилда Тошкент эгар-жабдуқ фабрикаси фронт учун жами 504 минг рубллик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1942 йилда 4885 минг рубльлик ёки 9 баравар кўп шундай маҳсулот чиқарди⁴⁸.

Тўқувчилик ва тикувчилик корхоналари бутунлай ҳарбий буюртмаларни бажаришга киришди. Бу тармоқ ишини ҳарбий изга кўчириш юзаки томондан мураккаб туюлмасида, илгари ишлаб чиқарилган товарларнинг ўрнини бир неча баробар сермехнат бўлган махсус маҳсулотлар билан алмаштириш керак эди.

1941 – 1943 йиллар оралиғида фронт эҳтиёжига қаратилган махсус матолар ишлаб чиқариш 12,5 баробар ва боғловчи материаллар эса 21 баробар кўпайди⁴⁹. 1941 йил октябрида Ўзбекистон енгил саноати корхоналарининг деярли барчаси мудофаа буюртмаларини бажаришга ўтди. Маълумки, уруш бошланиши билан умумий сифарбарлик эълон қилинди. Ҳаракатдаги армиянинг шахсий таркиби тезликда кўпайиб борди. 1941 йилги аскарнинг ёзги стандарт

⁴⁷ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318-йўзма хат, 11-варақ.

⁴⁸ Сиронов О. Ўзбекистон саноати уруш йилларида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 9.

⁴⁹ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 120.

униформаси (ички кийимдан ташқари) асосан уч қисмдан: гимнастёрка, шим ва пчлоткадан иборат бўлган.

Унинг ҳар бир донасини тайёрлаш ўргача учун 2,92 метр пахтали мато (гимнастёркага – 1,6 метр, шимга – 1,2 метр ва пилоткага – 0,12 метр) керак бўлган⁵⁰. 1941 йилда СССР барча енгил саноат корхоналари 3824,1 млн. метр пахтали мато тайёрлади⁵¹. Агар бу икки маълумотни тақдосласак: 1941 йил енгил саноат жами қуввати 1310 минг дона ёзги солдат формаси тайёрлашга етарди.

Юқорида кўрсатилган қийинчиликларни инобатга олинмаган ҳолда, 1942 йилда партия ва давлат органлари томонидан енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш режалари анча кўпайтирилди. Бу топшириқ Ўзбекистонга кўчириб келтирилган барча корхоналарнинг тўла қувватини ҳисобга олинмаган ҳолда ишлаб чиқилган эди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши тегишли моддийтехника базасини вужудга келтириш ва тармоқни хом ашё, ёқилғи, электр энергия билан таъминлашни талаб қилди.

Ўзбекистон енгил саноати урушгача бўлган даврда ёрдамчи ишлаб чиқариш қувватига умуман эга эмас эди. Пойабзал қолиплари, химикатлар, бўёқлар ва ҳоказоларнинг асосий қисми ташқаридан келтирилди. Уруш бошлангач уларнинг келтирилиши тўхтаб қолди. Шунинг учун зарур материаллар ишлаб чиқаришни Ўзбекистонда ташкил этишга ҳаракат қилинди.

⁵⁰ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 2563-йилга жилд, 205-варағ.

⁵¹ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. – Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. – С. 75.

Масалан, Тошкентдаги “Қизил тонг” тикув фабрикаси инженер-техника ходимлари тикув машинасининг моқиси ва унинг тўрларини ўзлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар⁵². Тошкент тўқимачилик комбинати 2-фабрикаси ходимларининг эски урчиқларни тиклаш тўғрисида муҳим таклиф инобатга олинishi натижасида 0,5 млн. рубль тежалди⁵³. Бундан рационализаторлик таклифлари қўллаб берилди ва уларнинг мақбуллари инобатга олинди. Улар қўшлаб эҳтиёж қисмларини маҳаллий шароитларда тайёрланиши ва ишлаб чиқариш жараёни такомиллашувига олиб келди.

Уруш йилларида саноатда фойдаланиладиган танқис хом ашё ўрнига ўриндош материалларни қўллаш ишлаб чиқариш технологиясига бир хил таъсир этмаган. Бундай алмашинув ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин эди. Хом ашёни алмаштириш баъзан асбоб-ускуналар ишдан чиқишига олиб келарди. Биргина хом ашё танқислиги туфайли республикада атир совун ишлаб чиқаришда каустик сода ўрнига калцийли содани ишлатиш ишлаб чиқариш самарадорлигини 20%га камайтирди⁵⁴.

Мураккаб технологиялар ва барча химикатларни Ўзбекистонда ишлаб чиқариш имконияти бўлмади. Енгил саноатда ҳал этилмаган қатор муаммолар ишлаб чиқаришга тезликда салбий таъсир этди. Республика бўйича устки ва ички трикотаж ишлаб чиқариш 1941 йилда 3573,7 минг донадан 1942 йилда 1922,6 минг донага қисқарди⁵⁵.

⁵² Қизил Ўзбекистон. 1941, 20 август.

⁵³ Қизил Ўзбекистон. 1941, 13 август.

⁵⁴ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2784- йиғмажылд, 205-варақ.

⁵⁵ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318- йиғмажылд, 14.-варақ.

Шу давр оралигида пайпоғ ишлаб чиқариш 13573,2 минг дондан 468,1 минг донгача, оёқ кийим ишлаб чиқариш 3576,8 минг жуфтдан 2638 минг жуфтига камайд⁵⁶. Умумий ҳолатда, 1942 йилда республика енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш режасини 52,9%га бажарди. Маҳсулот таннари эса режада белгилангандан 7,8% юқори бўлди⁵⁷. Аҳоли кенг истеъмолига мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш ҳам орқада қолди. 1942 йилда Ўзбекбирлашув тизимида кенг истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни 46%га бажарилди⁵⁸.

Ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналар тинч маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин камайтирди. Шу йўл билан озод этилган ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмалар бажарилишини таъминлашга йўналтирилди. Шунинг учун маълум даражада фронт таъминоти билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши кузатилди. Масалан, 1941 йилда Ўзбекистонда жами 4040,6 минг метр ипак ва яримипак мато ишлаб чиқарилган бўлса, 1942 йилда 4362,8 метргача кўпайди⁵⁹.

Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш балансини ҳарбий маҳсулотлар фойдасига ўзгариши натижасида 1941-1942 йиллар оралигида аҳолига сотиш учун мўлжалланган трикотаж маҳсулотлари 16%гача ва пойабзал эса 8% гача қисқарди⁶⁰.

Уруш йилларида кийим-кечак ва пойабзални чайқовчилик бозорларида жуда қиммат нархлардагина топиш мумкин эди. Аҳо-

⁵⁶ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318- йилгажылд, 14об.-варақ.

⁵⁷ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3740- йилгажылд, 33-варақ.

⁵⁸ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3740- йилгажылд, 112-варақ.

⁵⁹ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318- йилгажылд, 14.-варақ.

⁶⁰ История Второй мировой войны (1939-1945 гг.). Т. 6. – Москва: Воениздат, 1965. – С. 75-76.

ли учун товарлар хунармандчилик цехларида ёки фабрикаларда қолдиқ материаллардан тайёрланган. Масалан, сандалларни устки қисми гимнастёрка қолдиқларидан тайёрланиб, 1943 йилда нархи 85 – 100 рублни ташкил этган⁶¹. Болалар учун ҳам қолдиқлардан кўпроқ маҳсулот тайёрланди. Чунки болалар кийимларига камроқ материал сарф этилган ва иккинчидан улар қимматроқ турган. 1943 йилда давлат дўконларида телогрейка 62 рубль бўлган ҳолда, болалар пальтолари 88 рубль эди⁶².

Қолдиқлардан тайёрланган маҳсулотлар ўта сифатсиз ва қиммат бўлса-да, уларни топиш анча муаммоли масала эди. Текширувлар натижасида Тошкент шаҳрида сифатсиз ва қолдиқлардан тайёрланган аёллар белбоғи 43 рублдан сотилаётгани аниқланди. Шунингдек, шаҳар омборларида сифатсиз ва соғлиқ учун зарарли болалар юмшоқ ўйинчоқлари ҳам топилди⁶³. Бундай масъулиятсизлик одавий ҳолатга айланган эди. Уруш йилларида истеъмол товарлари ассортименти ва сифатини ҳеч қайси ташкилот назорат қилмаган.

Уруш йилларида республика асосий тармоқларини қувватларининг ҳарбий ишлаб чиқаришга қаратилиши, истеъмол товарларининг камайиши маълум маънода маҳаллий саноат корхоналарининг ривожланиши учун йўл очиб берди.

Ўзбекистонда туман-шаҳар тасарруфидаги корхоналари саноат ялпи хажми 1941 йилда 47,2 млн. руб.дан 63,4 млн. руб.га (1942

⁶¹ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3756-йигма жилд, 301-варағ.

⁶² ЎзР МДА, 2563-йигма жилд, 205-варағ.

⁶³ ЎзР МДА, Р-91-фонд, 8-рўйхат, 310-йигма жилд, 85-варағ.

Йилда режа 57 млн. руб. деб белгиланган эди) ошди⁶⁴. Юқоридаги сабабларга кўра, ногиронлар кооперацияси корхоналарида ҳам 1942 йил режаларидан ошқроқ ҳажмда ўсишга эришилди. Яъни, 1941 йилда 30,9 млн. руб.дан 1942 йилда 44,9 млн. руб.гача ўсиш кўрсатилди (1942 йил режаси 42,9 млн. руб. этиб белгиланган эди)⁶⁵.

Ўзбекистон енгил саноати олдида ҳақиқатини лозим бўлган яна бир муаммо – кадрлар масаласи эди. Енгил саноатга ишчи кучини жалб этиш бошқа тармоқларга қараганда анча қийин бўлди. Бунинг устига енгил саноат корхоналари малакали ишчи муҳандислари ва ускуналари мудоффа корхоналарига ўтказилди. Минглаб тажрибали ишчилар фронтга кетиши билан вужудга келган кадрлар танқислиги ёшлар ва хотин-қизлар билан тўлдирилиб борилди. Маълумотларга кўра, уруш йилларида республикадаги фабриказа-вод ишчиларининг қарийб 70 фоизини ёшлар ташкил этарди⁶⁶. Жумладан, Тошкент текстиль комбинатида ҳам ишчиларнинг 70 % ни ёшлар ташкил этди⁶⁷.

“Қизил Тонг” тикувчилик фабрикасида ёшлар ва хотин-қизлар урушнинг дастлабки ҳафталариданоқ фронтга кетган эркаклар ўрнини эгалладилар. 1941 йил охирида бу ерда 125 нафар хотин-қиз электромонтёр, слесарь, механик касбларини мувафақиятли ўзлаштириб олди⁶⁸. Бошқа корхоналарда ҳам худди шундай манзарани

⁶⁴ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318- йилмажмуи, 12об.-варақ.

⁶⁵ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318- йилмажмуи, 13об.-варақ.

⁶⁶ Соднқов О., Қодиров Р., Хабнбуллина Е. Ўзбекистон комсомолининг Улуг Ватан уруши йилларида саноатни юксалтиришга қўшган ҳиссаси. – Тошкент: “Билим” жамияти. 1975. – Б. 4.

⁶⁷ Голованов А., Свидов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарканд: СамДУ, 2006. – Б. 13.

⁶⁸ Спирожов О. Ўзбекистон саноати уруш йилларида. ... – Б. 10.

кўриш мумкин эди. Лекин уруш йилларида енгил саноат корхоналари кадрлар муаммосини тўлиқ ҳал эта олмадилар.

Тикувчилик ва тўқимачилик фабрикаларининг техник имкониятлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этилиши жиддий равишда ўзгармади. Енгил саноатга ҳамон иккинчи даражали тармоқ сифатида қаралиб, уни ривожлантиришга жиддий эътибор берилмади. 1943 – 1945 йилларда ҳам ашё етишмаслиги ва электр энергия таъқислиги туфайли кўпгина фабрикалар бўш туриб қолардилар. Уруш йилларида енгил саноат корхоналари дастгоҳлари иш вақтининг 10 дан 35 % гача вақтда туриб қоларди. 1942 йилда ёқилғи ва электр энергия етишмовчилиги туфайли газлама тўқиш корхоналарида иш кунининг 12,5 % ва шойи тўқиш корхоналарида 16 % дан ошқроқ вақтида дастгоҳлар ишламай турди⁶⁹.

Корхоналар ёки корхоналараро ташкилотчилиكنинг нотўғри ташкил этилиши ҳам дастгоҳлар туриб қолишиги сабабчи бўлди. Масалан, темирйўл транспорти Ўзбекистон ички юкларини ташинишда иштиракининг чекланиши республикадаги аксарият корхоналар ишига салбий таъсир ўтказди. 1942 йилнинг июль ойида республикадаги аксарият ёғ заводлари ойлик режа бажара олмадилар. Бунга асосий сабаб этиб Тошкент темирйўлининг ёғ заводларига чигитни етказиб бериш топшириғини тўлиқ бажармаслиги кўрсатилди⁷⁰. Бундай ҳолатлар меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатар эди.

1943 йилдан кўчирилган корхоналарнинг тўлиқ ишга туширилиши ва таъминот бўйича баъзи муаммоларнинг ҳал этилиши билан

⁶⁹ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. ... – С. 129.

⁷⁰ Қизил Ўзбекистон. 1942, 8 июль.

енгил саноат қувватлари тиклана бошлади. Аммо уруш охириги йи-
лида асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича 1941 йил
даражасининг ярмига ҳам кўтарилмади. 1941 – 1945 йилларда
енгил саноат маҳсулотларидан фақатгина шойи мато ишлаб чиқа-
риш ортди. Ўзбекистонда 1940 йилда 4534 минг метр шойи мато
ишлаб чиқарган бўлса, бу кўрсаткич 1943 йилда 4825 минг метр ва
1945 йилда 4725 минг метрни ташкил этди⁷¹. Шойи матолар ишлаб
чиқаришнинг кўпайиши ҳарбий буюртмалар билан боғлиқ эди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон енгил саноатига
фақатгина салбий баҳо бериш нотўғри бўлади. Сохада унга боғлиқ
бўлмаган камчиликлар таъсирида ишлаб чиқариш ва меҳнат унум-
дорлигининг пасайиши кузатилди. Ўзбекистон енгил саноат ишчи-
лари қийин шароитларда фидокорона меҳнат қилдилар. Шунинг-
дек, кўплаб ихтиролар ва таклифлар билан ишлаб чиқариш самара-
дорлигини оширдилар.

Уруш йилларида Ўзбекистон енгил саноат маҳсулотлари иш-
лаб чиқаришда салмоқли ўринларга эга бўлди. 1945 йилда Ўзбекис-
тон қаттиқ чарм буюмлар ишлаб чиқариш бўйича Ўрта Осиё рес-
публикалари ўртасида биринчи ўринни, ички трикотаж ва пойабзал
ишлаб чиқариш бўйича эса иккинчи ўринни эгаллади.

1941 – 1945 йиллар мобайнида республика енгил саноат халқ
комиссарлиги корхоналарининг фронт учун 7518,8 мингта гимнас-
тёрка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги

⁷¹ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг.
Статистический сборник. ... – С. 77.

тайёрлаб бердилар⁷². Шунингдек, енгил саноат корхоналари фронтга 24469918 рубль нақд пул юборди⁷³. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон енгил саноати фашист босқинчилари устидан ғалабани таъминлаш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Бу ерда енгил саноатнинг кўпгина маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Республикада асосий фабрикаларнинг ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилиши туфайли республика ривожланган тикувчилик маркази бўлиб қолди.

Юқорида келтирилган иқтисодий ва ҳарбий изга солишга йўналтирилган чора-тадбирлар ва оғир иқтисодий шароитларга қарама-қарши саноат ходимларининг меҳнати туфайли Ўзбекистон иқтисодий фронтни қурол-яроғ, жанговар техника, моддий ресурслар билан таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солди. Иккинчи жаҳон уруши давомида Ўзбекистон 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2318 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 мингта яқин ҳарбий-кимёвий апаратура, 22 млн. дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн. дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн. дона радио лампа, қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий санитария ва ҳаммом-кир ювиш поезди, 2200 та кўчма ошхона ва бошқа кўпгина ҳарбий анжомлар етказиб берди⁷⁴.

Умуман олганда, трансформация жараёни давлатнинг иқтисодий тизимида шарқий ҳудудлар аҳамиятини оширди. Бу ҳудудларда

⁷² Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустақиллаштирилган даврида. ... – Б. 445.

⁷³ Зиёев Ҳ. Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида.– Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 40.

⁷⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустақиллаштирилган даврида. ... – Б. 445.

саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажми ва улуши ўзгариб борди. Урушдан олдин яратилган инфратузилма ва саноат қурилиши саноат ўсиш суръатларига ҳам таъсир кўрсатди. Жумладан, кўчирилган корхоналардан ташқари Ўзбекистонда 280 та янги саноат корхонаси барпо этилди⁷⁵.

1941 – 1945 йилларда Ўзбекистонда нефть қазиб чиқариш 4 баравар, кўмир қазиб чиқариш 30 баравар, электр энергия ишлаб чиқариш 2,42 баравар ва пўлат эритиш 2 баравар кўпайди. Шунингдек, республика металлга ишлов бериш саноати қуввати 4,8 баравар ва машинасозлик ишлаб чиқариш қуввати 13,4 баравар ўсди⁷⁶.

Шуларни инobatга олган ҳолда, юқоридалардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

Биринчидан, 1941 йил охирига келиб шарқий ҳудудлар (Урал, Фарбий Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон) чинакамига СССР нинг асосий саноат, хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таъминотчисига айланиб қолди. 1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йилда давлат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини трансформацияси натижасида собиқ иттифоқнинг шарқий ҳудудлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳарбий-саноат комплекси яратилди.

Иккинчидан, уруш бошланиши билан республика саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмаларни бажаришга қаратилди. Бу вазифани амалга ошириш учун халқ истеъ-

⁷⁵ Голованов А., Саидов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарканд: СамДУ, 2006. – С. 16.

⁷⁶ Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 86.

моли товарлари ва умуман тинчлик даврида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қисқартирилди.

Учинчидан, саноат трансформация жараёни натижасида армияни қурол-яроғ ва бошқа керакли маҳсулотлар билан муттасил таъминланиши ҳамда саноат учун зарур асосий хом ашё ва фойдали қазилмалар билан таъминот масалалари нисбатан юзбий ҳал этилди.

1.2. Иккинчи жаҳон уруши йилларида саноат объектлари ва аҳолиянинг оккупация ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилиши, жойлаштирилиши ва фаолияти

Иккинчи жаҳон урушидан аввал Совет Иттифоқи ғарбий ҳудудларида мамлакатнинг қарийб 40% аҳолиси истиқомат қилар, 31850 та саноат корхоналари, 1135 та шахта, 61 та йирик электростанция, шунингдек, юзлаб енгил саноат ва бошқа корхоналар жойлашган эди⁷⁷. Босиб олинган ҳудудлар СССР иқтисодий ҳаётида улкан аҳамиятга эга ва асосий саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини берувчи марказлар ҳисобланар эди.

Уруш бошлангач, оккупация ҳудудларидаги моддий ва ишлаб чиқариш воситаларининг сақлаб қолиниши муҳим вазифа эди. Сақлаб қолинган дастгоҳ ва техника Шарқий ҳудудларда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишда катта аҳамият касб этарди. Иккинчи томондан, фашистлар Германияси босиб олган Европа давлатларида бўлгани каби собиқ иттифокнинг оккупация ҳудудларидаги саноат-иқтисодий имкониятларидан фойдаланмаслиги лозим эди.

⁷⁷ Куманев Г. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. Москва, 2006. №6.

Урушнинг дастлабки кунларидан босиб олиниш хавфи мавжуд ҳудудлардаги саноат корхоналари ва бошқа мулкларни Совет Иттифоқининг шарқий ҳудудларига кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1941 йил 29 июндаги СССР ХКС ва ВКП(б) МК қўшма қарори билан биринчи навбатда қуйидагилар фронтолди ҳудудларидан эвакуация қилиниши шарт этиб белгиланди:

Биринчидан, зурур саноат жиҳозлари (асбоб-ускуналар), зарур хом ашё ресурслари ва озиқ-овқат (рангли металллар, ёнилғи, дон) ҳамда давлат аҳамиятига эга бошқа қимматли буюмлар;

Иккинчидан, эвакуация қилинаётган корхонанинг малакали ишчилари ва муҳандислари, аҳоли (биринчи навбатда ҳарбий хизматга лаёқатли йнгитлар), совет ва партия ташкилотлари ходимлари.

Эвакуация қилинмасдан жойида қолдирилган ва душман қўлида тушиши мумкин бўлган барча бойликлар, иншоотлар фронтлар Ҳарбий Кенгашлари буйруғи билан йўқ қилиниши ёки фойдаланиб бўлмайдиган тарзда ишдан чиқарилиши шарт эди⁷⁸.

Шунингдек, ушбу қарорга кўра, кўчаётган аҳолига фашистлар германияси армиясига бирорта ҳам паровоз, килограмм ҳам нон, литр ҳам ёқилғи қолдирмаслик» талаби қўйилди⁷⁹. Албатта, бу талабни тўлиқ бажара олиш мушкул бўлса-да, бу ҳолат фашистик Германия армияси қўлига камроқ техника ва ресурслар қолдириш заруриятини кўрсатарди. Шу мақсадларни амалга ошириш учун тузилган Эвакуация кенгаши барча техника, аҳоли, озиқ-овқат ва

⁷⁸ Ради жозни на земле. Великая Отечественная война 1941-1945 гг. в документах и свидетельств. Сост. Мазур В. и др. – Екатеринбург: Уральский рабочий, 1995. – С. 72.

⁷⁹ Куманев Г.. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. Москва, 2006. № 6.

бошқаларни кўчириш ишларига раҳбарлик қилиши ва бу жараёни бошқариш лозим эди. 1941 йил 7 августдаги Давлат мудофаа кўмитасининг “Эвакуация қилинган корхоналарни жойлаштириш тартиби тўғрисида” га ва 1941 йил 25 октябрдаги СССР ХКС нинг “Волга, Урал, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчирилаётган корхоналарни тиклаш графиги тўғрисида” ги қарорлар эвакуация жараёнини тартибга солиб турувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар бўлди.

СССР иқтисодиётига эвакуация амалий фойда келтириш учун бир-бири узвий боғлиқ уч босқич амалга оширилиши талаб этиларди:

Биринчидан, фронт ва фронт олди ҳудудларидан аҳолини, корхоналар ва уларнинг турли мол-мулкни эвакуация қилиш;

Иккинчидан, эвакуация қилинган аҳоли, корхоналар ва турли мол-мулкни манзилига етказиш;

Учинчидан, манзилга етиб келган корхоналар ишини ташкил этиш ва аҳолини жойлаштириш.

Иккинчи ва учинчи босқичлар бевосита Ўзбекистон зиммасига тушарди. Фашистик Германия кўшинларининг ҳужуми собиқ Иттифоқда тегишли ҳарбий захиралар ва ишлаб чиқариш воситаларини йўқ қилинишига олиб келди. Лекин урушнинг давом эттириш учун қурол-яроғ зарур эди. Собиқ Иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидаги ишлаб чиқариш қувватлари максимал сақлаб қолишга ва уларни хавфсизроқ ҳисобланган шарқий ҳудудлар (Урал, Ғарбий Сибир, Ўрта Осиё ва Қозоғистон) га кўчирилди. Мазкур жараёни амалга оширишда Ўзбекистон транспорт тизими,

ишчи ва муҳандис кадрлари, саноат корхоналари ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

1941 йил иккинчи ярмидан фронт яқинидаги ҳудудлардан шарққа 2593 та саноат корхоналари, 11 мингдан ортиқ трактор, кўплаб совхоз ва колхоз мулклари ҳамда 10 млн.га яқин киши кўчирилди. Барча мулк ва одамларни кўчириш темирйўлчилар зиммасига тушди. Эвакуация жараёнида 1,5 млн.га яқин темир йўл вагонлари ишга солинди⁸⁰.

Эвакуацияни бетўхтов ташкил этишда темирйўл тизимининг моддий-техник базасини қанчалик мустаҳкамлиги, темирйўл тизими ишини тўғри ташкил этилганлиги ва темирйўлчилар ўз олдларига қўйилган вазифани қандай бажара олиши муҳим аҳамиятга эга эди. XX асрнинг 40-йилларида Ўзбекистон ва собиқ Совет Иттифоқининг бошқа қисмларини икки темирйўл тизими: Тошкент-Оренбург ва Туркистон-Сибирь темирйўллари боғлар эди. Шунингдек, Тошкент-Красноводск темирйўли орқали Каспий денгизига чиқиш имкони ҳам бўлган.

Уруш темирйўл транспорти олдига бир қанча янги маъсулиятли вазифаларни қўйди. Темирйўл транспорти биринчидан, фронтни қурол-аслаҳа, янги ҳарбий қисмлар, ҳарбий техника ва озиқ-овқат узлуксиз етказиб берилишини таъминлаши; иккинчидан, фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудлардан фабрика ва заводларни, уларнинг асбоб – ускуна, станоклари, хом ашё захиралари ва тайёр маҳсулотларни кўчириши, иложи борича уларга зиён етказмаслиги зарур эди.

⁸⁰ Вторая Мировая война. Краткая история. – Москва: Наука, 1985. С. 127.

Уруш йилларида Ўзбекистонга жами 104 та завод ва фабрика эвакуация қилинди⁸¹. Ҳар бир фабрика ва заводнинг асбоб-ускунаси анчагина ҳажмда бўлар эди. Мисол учун, биргина Тошкентга эвакуация қилинган Чкалов номли заводнинг асбоб ускуналари ҳар бирида тахминан 100 вагондан иборат 18 эшелон иштирок этди⁸².

Бундай натижаларга эришиш учун темирйўл ишини қайта ташкил этиш зарур эди. Фронтга сафарбарлик туфайли паравозлар, ёқилғи ва малакали машинист-механиклар сони камайди. Урушнинг бошланиши билан темирйўлларда интизомни кучайтиришга биринчилардан эътибор берилди. Фронтга озиқ-овқат, қурол – аслаҳанинг вақтида етиб бормаслиги ёки уларнинг йўлларда қолиб кетиши давлат мудоффа қобилиятини камайитириши ва эвакуация режаларини бузилишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун темирйўлларда интизомни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

1941 йил ноябрида ушбу масалалар юзасидан СССР Олий Судиининг пленуми бўлиб ўтиб, унда транспорт ходимларининг меҳнат интизомини бузганлик учун жавобгарлиги кучайтирилди. Шу жумладан, темирйўлчилар прогул қилиши ёки ўзбошимчалик билан ишдан кетиб қолиши, транспорт воситаларининг бузилиши, темирйўлларда бахтсиз ҳодисалар рўй бериши юзасидан 10 йилга озодликдан маҳрум этиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар берилди. Урушгача юқорида кўрсатилган жиноятлар учун ишлаб турган

⁸¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустанлақчилиги даврида. – Тошкент: Ширк, 2000. – Б. 440.

⁸² Голованов А., Саядов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарканд: СамДУ, 2006. С. 8.

жойида ойлик маошидан 25% чегириб қолиш шарти билан 6 ойлик муддатга мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган⁸³.

1943 йил 15 апрелда Олий Совет Президиумининг "Барча темирйўлларда ҳарбий ҳолат ўрнатиш ҳақида"ги махсус қарори чиқиб, унда темирйўллар ҳарбий ҳолатда ўтказилганлиги эълон қилинди. Темирйўлчилар сафарбар этилган деб ҳисобланиб, темирйўл ходимларига ҳарбийлардек жавобгарлик юклатилди. Ҳарбий ҳолат биринчи навбатда интизомга риоя этишни мажбур қилиб қўйди. Темирйўлчилар жиноят содир этган ҳолатда, улар ишлари ҳарбий трибуналлар кўриб чиқадиган ва уларга темирйўлчиларни жарима роталарига юбориш ҳуқуқи берадиган вазият юзага келди⁸⁴.

Уруш йилларида Марказий Осиёда етакчи ҳисобланган Тошкент темирйўлининг аҳамиятини ошди. Тошкент темирйўли собиқ Совет Иттифоқининг асосий темирйўллари рўйхатига киритилганди⁸⁵. Ўрта Осиёнинг тўрт республикаси таркибига кирувчи, 11 вилоятга хизмат қилувчи Тошкент темирйўли ҳам ҳарбий ҳолатга ўтказилди.

1941 йил июль-ноябрь ойларида умумий ҳисобда 1523 саноат корхонаси эвакуация қилинган бўлиб, шулардан 1360 таси йирик корхона шарқий иқтисодий районларга кўчирилди. Худудий жиҳатдан кўчирилган корхоналар қуйидагича тақсимланди: 226 таси – Волгабўйига, 667 таси – Уралга, 244 таси – Ғарбий Сибирга,

⁸³ Қизил Ўзбекистон. 1942 йил, 22 ноябрь.

⁸⁴ Правда. 1943 йил, 16 апрель.

⁸⁵ ЎзР МДА. 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йигмажилд, 24-варақ.

78 таси – Шарқий Сибирга, 308 таси – Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчирилди⁸⁶.

Саноат корхоналарининг айнан юқорида келтирилган ҳудудларга кўчирилишини ҳарбий ва иқтисодий томондан тушунгириш мумкин эди.

Ҳарбий жиҳатдан ушбу ҳудудларга душман армияси ва авиацияси яқин вақт ичида боролмаслиги инобатга олинди. Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан корхоналарни қабул қилаётган ҳудуддаги саноат потенциали, урушгача мавжуд инфратузилманинг қай даражада ривожланганлиги ва кадрлар таъминотига аҳамият берилди. Масалан, Ўзбекистонга эвакуация қилинган саноат корхоналари ва фабрикаларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги, оғир ва ўрта машинасозлик, электротехника корхоналари, ҳамда ярмидан камини енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ташкил этган. Агарда Ўзбекистонда эвакуация корхоналарини жойлаштириш ва ишга тушира олиш учун керакли инфраструктура ва кадрлар бўлмаганида, улар бу ерга жўнатилмасди.

Корхоналарнинг охириги дамгача иш олиб бориши туфайли эвакуация одатда кечикиб кетар, душмanning артиллерия ва авиацияси ҳужуми остида ўтарди. Масалан, Запорожье вилоятида (Украина) корхоналар эвакуацияга масъул бўлган А.Г.Шеремьетев бу муаммо ҳақидаги эсталикларни қуйидагича таърифлади: “Гитлерчилар дарёнинг ўнг томонидан заводларни кўриб туришарди. Ҳар куни душман тўп ва миномётлардан заводлар ҳудудини бомбардимон қиларди. Ҳар куни кўплаб одамлар ўлар ёки мажруҳ

⁸⁶ Верт А. Россия в войне 1941-1945. Автор. пер. с англ. – Москва: Воениздат, 1967. – Б. 148.

бўларди”⁸⁷. Бу ҳолат биринчидан эвакуацияни қийинлаштирар ёки уни умуман амалга ошириб бўлмаслигига олиб келарди.

Россиялик тадқиқотчи Симонов Н.С.нинг ҳисоб-китобларига кўра, 1941 йил октябрь ҳолатига кўра ҳарбийсаноат халқ комиссарликларига тегишли корхоналарнинг деярли 65% и⁸⁸ эвакуация рўйхатига киритилган эди. Ўзбекистонга кўчирилган 104 та завод ва фабрика орасида Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, “Россельмаш”, “Қизил Оксой”, Сумск компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москвадаги “Электрокабель” ва “Подёмник” заводлари, Темир йўллар Халқ Комиссарлигининг машинасозлик заводи, Киевдаги “Трассигнал” заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқалар бор эди⁸⁹.

Ўзбекистон худуди бўйлаб кўчирилган корхоналарни жойлаштиришда маҳаллий шароитлар ва инфраструктура инobatта олинарди. Жумладан, машинасозлик ва оғир металлургия корхоналари асосан Тошкент ва бошқа йирик саноат корхоналари мавжуд шаҳарларга жойлаштирилди. Енгил саноат корхоналарининг кўпчилиги Фарғона водийсига жўнатилди. Шунингдек, ҳарбий саноатга боғлиқ бўлмаган корхоналарни кўчиришда уларнинг махсулотларига талаб ҳам инobatта олинган. Ўзбекистоннинг қуруқ саноат елимига талаби ва уни ишлаб чиқаришга

⁸⁷ Куманев Г. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. – М., 2006. – № 6.

⁸⁸ Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 140.

⁸⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... Б. 440.

керак бўлган чиқинди хом ашёнинг мавжудлиги ҳисобга олиниб, Тошкентга “Москлейпром” корхонаси эвакуация қилинди⁹⁰.

Кўчирилган корхоналарни вақтида ишга тушириш устидан доимо назорат олиб борилган. 1941 йил 9 ноябрдаги Давлат Мудофаа Қўмитасининг қарорига кўра, кўчирилган корхоналар ишга тушириш вақти ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми 1941 йил ноябрь – декабрь ойлари ва 1942 йил январь ойи учун аниқ белгиланиб берилиди⁹¹.

Эвакуация режасига киритилган корхоналарнинг ҳаммаси ҳам Шарқий ҳудудларга кўчирилмади. Ҳарбий вазият туфайли баъзи корхоналарни қисман ёки умуман кўчириш имконияти бўлмади. Ёки эвакуация режасига киритилган корхоналарнинг баъзилари ўз жойларида қолдирилди. Шуниндек, баъзи ҳолларда йирик корхоналар цехлари алоҳида бир неча шаҳарларга жўнатилиб, у ерда алоҳида корхоналар сифатида фаолият юритди. Асбоб-ускунаси тўлиқ кўчирилмаган бир неча турдош корхоналар янги жойда битта корхона сифатида олиб борди. Шунинг учун эвакуация рўйхатига киритилган, демонтаж қилинган ва тикланган корхоналар сони турлича кўрсаткичларни ҳосил қилди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарнинг ҳаммаси ҳам мустақил фаолият олиб бормади. Кўчирилган асбоб-ускуналар асосида 47 янги корхоналар барпо этилиб, маҳаллий корхоналар қуввати оширилди⁹². Одатда асбоб-ускунаси тўлиқ етиб

⁹⁰ ЎзР МДА. Р-837-фонд, 32-руйхат, 3260-йиғма жид, 171-варақ.

⁹¹ Экономическая жизнь СССР (хроника событий и фактов). Книга первая. – Москва: Советская энциклопедия, 1984. – С. 337.

⁹² Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.1. – Ташкент: Фан, 1981. – Б. 114.

келмаган ва бир цехда жойлашган, бир соҳа корхоналари бир-бирига қўшиб юборилган. Тошкентга эвакуация қилинган Ленинград машинасозлик заводи ва “Росселмаш” нинг бир бинода жойлаштирилиши уларнинг тезкор ишга тушгирилишига ҳалақит берарди.

Муаммолар биринчи навбатда бошқарувга тегишли бўлиб, икки директорнинг бўлиши тапжилий масалаларни қийинлаштирган. Шунинг учун икки завод қўшиб юборилиб, ягона бошқарувга ўтилди⁹³. Заводлар бирлаштирилишида қуйидаги ижобий натижаларни кўрсатиб ўтиш мумкин эди: ягона бошқарув директорнинг маъсулиятини оширган, ягона заводда ишлаб чиқариш қуввати юқорироқ бўлган ва энг асосийси, завод фронт учун тезрок маҳсулот бера бошлаган.

Мингдан ортиқ йирик корхоналарни Шарқий ҳудудларга қўчириш улкан тапжилий-иқтисодий жараён бўлиб, мураккаб ва экстремал шароитларда амалга оширилди. Шу билан бирга эвакуацияни амалга ошириш ҳақиқий қаҳрамонлик эканлигини тан олган ҳолда, бу жараённи амалга оширишда баъзи камчиликлар ҳам учради. Жумладан, 1941 йил 10 декабрдаги СССР Давлат План Қўмитаси маълумотномасида эвакуация билан боғлиқ камчиликлар ҳақида фикр билдирилган эди⁹⁴.

Жумладан, баъзи ҳолларда корхоналарни демонтаж қилиш тартибсиз ҳолда амалга оширилиб, шу сабабли эвакуация жойига

⁹³ ҲЗР МДА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787-йигма жилд, 120-варақ.

⁹⁴ Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 142.

етиб келганди корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини тезликда тиклашда маълум дастгоҳлар етишмаган. Ушбу дастгоҳни топиб, иш жараёнини бошлаш учун кўшимча қимматли вақт ва маблағ талаб этилди.

Яна бир муаммо эвакуация корхоналари янги жойда технологик жиҳатдан таъмирланганда ҳам, кадрлар муаммоси туфайли ишга тушиниш кечикиб турди. Чунки корхоналар билан бирга дастгоҳларда ишловчи муҳандис-техник ходимлар етарли кўчиб келмади. Маҳаллий аҳолидан эса ишчи кадрларни тайёрлаш яна вақт ва утибор талаб этиларди.

Юқоридаги муаммоларни маълум маънода тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистонда кўчирилган корхоналарни қабул қилиш, жойлаштириш ва ишга тушириш масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида махсус комиссия тузилди⁹⁵. Республика вилоятларида эса республика комиссиясига бўйсунувчи вилоят комиссиялари фаолият олиб борди. Комиссиялар фабрика ва завод раҳбарлари билан бевосита алоқа ўрнатиб, корхоналарнинг жойлашув ҳудудлари, ишга тушириш вақти, уларни хом ашё ва ишчи кучи билан таъминлаш масалаларини ҳал этарди.

Эвакуация қилинган корхоналарни тезликда жойлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш зарур эди. 1942 йил январидан Москвадан кўчирилган Чкалов авиация заводи биринчи маҳсулотини берди. Корборунд заводи эса режага нисбатан 5-6 марта тезроқ ишга туширилди⁹⁶. Тошкентга Украинанинг Запорож

⁹⁵ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. 1. ... – С. 115.

⁹⁶ Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 61.

вилоятдан эвакуация қилинган корборунд заводида ишлаб чиқариш қувватлари тикланибгина қолмасдан, кўшимча 2 та цех барпо этилди. Запорожда 30 ойда қурилган завод, Тошкентда 5 ойда ишга туширилди⁹⁷.

Уруш йилларида республикага бир неча ўқув ва илмий-тадқиқот муассалари ҳам кўчирилди. 1941 йил ноябрғача Ўзбекистонда Белоруссия, Украина ва Россиядан кўчирилган 22 та илмий-тадқиқот институти, 16 та олий таълим муассасалари ва 2 кутубхона жойлаштирилди⁹⁸. Бу муассасалар фаолияти Ўзбекистон иқтисодиётини ташкиллаштириш ва ривожлантиришда маълум аҳамият касб этди. Жумладан, 1942 йилдан Ўзбекистонга кўчирилган машинасозлик ва металлургия корхоналарини техник лойиҳалаш ишлари Ростовдан кўчирилган “Станкопроект” лойиҳалаш ташкилотига топширилди⁹⁹.

Уруш йилларида Тошкент шаҳрида турли корхоналар, ўқув, маданий ва илмий муассасалардан ташқари иттифоқ даражасидаги ташкилотлар бошқарув аппарати жойлаштирилди. Жумладан, 1941 йил 23 октябрдаги СССР ХКС қошидаги эвакуация Кенгашининг 14425 – сонли қарори ва СССР Қурилиш ХК ниңг 410 – с онли буйруғи билан ушбу халқ комиссарлик тасарруфидаги қурилиш-монтаж қисмининг 8 – сонли бошқармаси Тошкентга жойлаштирилди¹⁰⁰.

⁹⁷ Зинич М. Трудовой подвиг рабочего класса в 1941-1945 гг. (по материалам отраслей машиностроения). – Москва: Наука, 1984. – С. 42.

⁹⁸ Шамуратов М. Творческое сотрудничество интеллигенции Узбекистана с эвакуированными в республику представителями науки и культуры (1941-1945 гг.): Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1991. – С. 10.

⁹⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3260- йиғмажилд, 9-варақ.

¹⁰⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3260- йиғмажилд, 409-варақ.

Уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган завод, фабрика, илмий ва ўқув муассасаларни жойлаштириш учун бўш бинолар зарур эди. Уруш даврида ҳўжалик ва турар жой биноларини барпо этиш бир-бирига қарама-қарши икки қолат туфайли талаб даражаси хажмида эмас эди. Яъни эвакуация жараёни ва саноат қорхоналари қурилиши жараёнида бўш бино майдонларига талаб оқди. Иккинчи томондан, қурилиш материаллари саноати уруш даври учун иккинчи даражали соҳа, деган нотўғри қарақ натижасида ғишт, ойна, бетон ва бошқа материаллар ишлаб чиқаришга эътибор қамайди.

Лекин айнан уруш шароити Ўзбекистонда саноат ва каммунал турар жой қурилишини тезликда амалга ошириш талаб этиларди. Республика қурилиши саноати эса бу талабларга жавоб бермай қолди. Масалан, 1940 ва 1941 йилда Чирчикстрой трести ғишт заводининг ойлик қуввати 1,5-2 млн. дона ғишт бўлса, 1942 йилда заводда ойлик ғишт ишлаб чиқариш 700 мингга тапқил этди¹⁰¹. Умумий ҳисобда, 1941 йилда Ўзбекистонда ишланган ғишт ишлаб чиқариш 133,7 млн. донадан 1942 йилда 93,9 млн. донагача, том қопловчи толь эса шу даврда 372,2 минг рулондан 241,8 минг рулонгача қамайди¹⁰².

Эвакуация қилинган қорхоналарни махсус мослаштирилган иншоотларга жойлаштириш ҳам муаммога айланди. Қисқа вақт ичида кўчирилган 100 га яқин қорхонага ишлаб чиқариш биноларини қуриб беришга республиканинг имконияти йўқ эди. Дастлаб, заводлар дастгоҳлари биноларга жойлаштирилмаган. Лекин бундай

¹⁰¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3324-йиғмажилд, 60-варақ.

¹⁰² ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318-йиғмажилд, 130б.-варақ.

шароитлар ишчиларга ноқулайликлар туғдирса, иккинчи томондан дастгоҳлар ва техникага зарар етказарди.

Балки дастлабки вақтда бу ишлаб чиқаришни тезлаштирган-дир. Лекин бир неча ҳафталик шошилинч ишлаб чиқаришни тезлаштириш қимматбаҳо дастгоҳлар ишдан чиқишини қоларми-кан, деган савол пайдо бўлади. Албатта, йўқ. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва иқтисод нуқтаи назаридан ёмғир, қор ва чанғда дастгоҳларни ишлатиш қаҳрамонлик эмас аҳмоқлик деб баҳолаш мумкин.

Юзага келган бинолар тақчиллигини қисман бўлса-да, ҳал этишга ҳаракат қилинди. 1941 йил 11 сентябрдаги СССР ХКК нинг қарорига кўра, уруш даври шароитида вақтинчалик цехлар ёки иморатлар қурилишида маҳаллий материаллар фойдаланишга рухсат этилди¹⁰³.

Маълумки, Ўрта Осиёда маҳаллий қурилиш материали асосан хом гипс ҳисобланади. Халқ услубида ва маҳаллий қурилиш материалларидан тезлик билан қурилган завод бинолари архитектура ва техник талаблардан анча йироқ эди. Шундай бўлса-да, бу усул билан қурилган бинолар саноат иншоотларига бўлган талабни тез, арзон ва асосийси, республиканинг ўз кучи билан қондирилишига имкон берди.

Ўзбекистон бўйича эвакуация қилинган корхоналарга республика балансидаги бинолардан 400 минг метр² жой ажратилди ва

¹⁰³ Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам. Т.2. — Москва: Политиздат, 1957. — С. 712.

кўшимча 200 минг метр² қуриб берилди¹⁰⁴. Эвакуация қилинган корхоналарга бирданига 400 минг метр² биноларни тоғиб бериш осон масола бўлмай, ишлаб чиқариш баъзида бунинг учун мўлжалланмаган жойларда ҳам ташкил этилди. Тезликда корхоналарнинг ишга тушурилиши шаҳарлар ҳаёти ва қиёфаси, шаҳарликлар турмуш тарзига ўзига хос ўзгартириш киритди.

Ўзбекистон ХКК қошидаги Архитектура-қурилиш комиссиясининг 1942 йил мартгача бўлган текширувлари натижаларига кўра, Тошкентга эвакуация қилинган корхоналарнинг деярли ҳеч бири (Корборунд заводидан ташқари) 1938 йилда қабул қилинган шаҳар Бош лойиҳаси бўйича жойлаштирилмади. Ишлаб чиқаришга умуман мўлжалланмаган биноларда жойлашган корхоналар ўзларига, ён атрофдаги аҳоли ва экологияга зарар етказардилар. Эвакуация қилинган корхонадан бири (архив ҳужжатида номи берилмаган.Х.Б.) Санъат музейи ва унинг атрофидаги уйларга жойлашган¹⁰⁵. Шаҳар марказида жойлашган заводлар ускуналаридан чиқётган шовқин-сурон ва чанг-тўзон одамлар саломатлигига хавф тугдирган.

Завод биноларининг тезликда барпо этилиши канализация ва оқава сувларни тозаловчи иншоотлар қурилишини иккинчи ўринга қўйди. Энди одамлар ўртасида ноқулайлик эмас, оммавий касалланиш ва захарланиш хавфи пайдо бўлди. Гап шундаки, 1942 йилда ҳам Тошкентда марказлашган водопровод ва канализация тизими йўқ эди. Тозалаш тизимига эга бўлмаган корхоналар оқавалари

¹⁰⁴ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 158.

¹⁰⁵ ЎзР МДА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3514-йигма жилд, 3-варақ.

тўғридан-тўғри шаҳарликлар асосий ичимлик суви манбалари бўлган – Бўзсув, Салор, Зоғарик каналларига тушарди. Архитектура – қурилиш комиссия хулосасида Тошкентдаги санитария ҳолати ўта хавфли эканлиги очиқдан-очиқ тан олинди¹⁰⁶.

Уруш йилларида Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарни монтаж қилиш, уларни ишчи кучи, хом ашё, электр энергияси ва маблағ билан таъминлашда жиддий қийинчилик ва етишмовчиликка дуч келинди. 1942 – 1943 йилларда Ўзбекистон барча моддий ва молиявий ресурслари, ишчи кучи ҳарбий иқтисодийтни тиклашга қаратилди. Шу йилларда Ўзбекистонга кўчирилган корхоналар тўлиқ ишлаб чиқариш қувватларига ўтиб, асосан ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Эвакуация корхоналари ишга тушуришда транспорт, бино, ишчи кучи масалаларини ҳал этиш ўзи кифоя эмас эди. Юзлаб заводларни кўчириб келтириб, янги жойда ишга тушуриш учун анчагина маблағ зарур эди. Дастлаб кўчирилган корхоналарнинг ёқилги фондлари бўлмай, бензин ёки керосиннинг етишмаслиги темирйўллардан асбоб-ускуналарни олиб чиқиб кетишни қийинлаштирган. Ўзбекистон республика фондларидан уларга ёрдам берди¹⁰⁷. Кўчириб келтирилган корхоналарни жойлаштириш ва уларни ишга тушуришга республика бюджетидан 450 миллион рубль пул сарфланди¹⁰⁸.

¹⁰⁶ ЎзР МДА. Р-837-фонд, 32-руйхат, 3514-Йигма жилд, 5-варақ.

¹⁰⁷ ЎзР МДА. Р-837-фонд, 32-руйхат, 2787-Йигма жилд, 108-варақ.

¹⁰⁸ Хақимов Г. Ўзбекистонга уруш вақтида кўчириб келтирилган корхоналарни тиклаш ва ишга тушириш тарихидан // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Ильям-назарий конференция материаллари): – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 205.

Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарнинг кўпчилиги уруш-гача ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқармас эди. Уруш талабидан келиб кўчирилган корхоналар ишини ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қайта қуриш зарур эди. Бу жараён технологик жараёнларни ўзгартириш, ишлаб чиқаришга қўшимча асбоб-ускуналарни жалб қилишни талаб этарди. Ўзбекистондаги фабрика ва заводлар ички имкониятлардан келиб чиқиб ўзларига тегишли асбоб-ускуналарни маълум қисмини кўчирилган корхоналарга бердилар. Шунингдек, кўчирилган ва маҳаллий корхоналар ўртасида кооператив ҳамкорлик юзага келди.

1942 йил баҳорига келиб собиқ иттифоқнинг шарқий ҳудудларнинг корхоналарни эвакуация қилиш жараёни деярли якунланди. Собиқ Иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидан мингдан зиёд корхоналарни шарққа кўчирилиши ҳарбий-стратегик ҳолат ва мудофаа қобилиятини оширишда улкан аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, 1942 йилнинг 1-ярмида эвакуация қилинган корхоналар жами собиқ иттифоқда ишлаб чиқариладиган Самолётсозлик халқ комиссарлиги корхоналари маҳсулотининг 63,9%ни ҳамда танксозлик халқ комиссарлиги корхоналарининг 20,7 % маҳсулотини ишлаб чиқарди¹⁰⁹.

1943 йилдан фронтдаги вазиятнинг яхшиланиши ва душман ҳужуми хавфи камайиши билан бир неча илмий-тадқиқот ва ўқув муассасаларининг Ўзбекистондан резвакуацияси (қайта жойига кўчиши) бошланди. Жумладан, шу йили Молотов номи академия

¹⁰⁹ Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 147.

ва Москва алоқа академияси реэвакуация қилиқди¹¹⁰. Саноат корхоналари эса урушнинг охиригача реэвакуация қилинмади. Чунки 1941 – 1942 йилларда ишлаб чиқариш тизими шаклланиб бўлган корхоналарни реэвакуация қилиш, бу корхоналар иштини яна 6 ой-1 йилгача тўхтатиб қўярди. Тугамаган уруш даврида буни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас эди.

Уруш йилларида саноат объектлари билан бир қаторда аҳоли эвакуациясини ҳам эътиборга олмақ керак. Собиқ Иттифокнинг фашистик Германия оккупация қилган ва уларга яқин ҳудудларидан ўн минглаб кишилар Ўзбекистонга уруш бошланиши билан кела бошлаган эди. Ўзбекистон уруш йиллари Россиянинг босиб олинган районларидан, Украинадан, Белоруссиядан ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди¹¹¹. Ҳудуди унча катта бўлмаган ва уруш йилларида аҳолиси 653 минг кишини ташкил этган Андижон вилоятининг ўзи 100 мингга яқин эвакуация қилинган кишини қабул қилди¹¹². Эвакуация жараёнида корхоналар иштини ташкил этишда ёрдам берувчи техник-муҳандис кадрлар ва бошқа ишга яроқли аҳоли кўчиб келса-да, умумий жиҳатдан олганда республикага эвакуация қилинган аҳолининг салкам 30%ни болалар ташкил этди.

Фронтдаги вазиятдан келиб чиқиб республикага аҳоли эвакуация икки босқичда (биринчи босқич – 1941 йил ёзи ва кузи, иккинчи босқич – 1942 йил ёзи ва кузи) амалга оширилди. Аҳоли

¹¹⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3774- йилгажид, 120-варақ.

¹¹¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамалакчилиги даврида... – Б. 454.

¹¹² Ли Д. Укрепление сплоченности народа Узбекистана в период войны с Германским фашизмом. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Андижан, 1997. – С. 23.

эвакуациясининг биринчи босқичи масштаби жиҳатидан оммавий-роқ бўлди¹¹³. Уруш йилларида Ўзбекистонга аҳоли эвакуацияси турли йўналишлардан ташкил этилди. Географик жойлашув ва транспорт тизими қулайлиги нуктаи назаридан аксарият аҳоли ва дастгоҳлар Ўзбекистонга шимолдан, яъни Волгабўйи ёки Оренбург томондан маалга оширилди. Лекин аҳамияти камроқ жанубий йўналиш ҳам бўлган. Жанубий йўналишда аҳоли ёки дастгоҳлар дастлаб Каспий денгизи орқали Туркманистондаги Красноводск портига, бу ердан Ашхобод темирйўли орқали Ўзбекистонга эвакуация қилинган¹¹⁴.

Темирйўллар фаолиятида қанчалик ҳарбий ингизом ўрнатилмасин, улар фаолиятида ташкилий камчиликлар ҳам учраб турди. Бир неча ой ичида шошилинч минглаб вагон юк ва миллионлаб аҳолини кўчиришга ташкилий камчиликларни кузатилиши табиий ҳолдир. Одатда, Ўзбекистонга кўчириляётган аҳоли поезд эшонлари Ашхобод, Оренбург, Тошкент ва Туркистон-Сибир темир йўлларида нотўғри йўналтирилганлиги ҳолатлари ҳам учраб турганлиги қайд этилган¹¹⁵.

1941 йил 25 ноябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонга 500 минга яқин одам эвакуация қилинди. Эвакуация қилинган аҳолининг асосий қисми моддий ёрдамга муҳтож эди. Уларга ёрдам учун Ўзбекистонга иттифоқ бюджетидан ажратилган 240 минг сўм тўлик

¹¹³ Очилова Ш. Из истории эвакуации и спасения советских людей в годы Великой Отечественной войны. Историко-партийный аспект проблемы (По материалам республик Средней Азии).: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Москва, 1991. – С. 20.

¹¹⁴ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2787- йиғмажилд, 213-варақ.

¹¹⁵ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2787- йиғмажилд, 213-варақ.

сарф қилиниб, бу ишга қўшимча 400 минг сўм республика ҳисобидан ажратилди¹¹⁶.

Ўзбекистонга эвакуация қилинган кабий фаолиятига қараб, турли корхоналарга бириктирилди. Эвакуация қилинган аҳоли саноатдан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳаларида ҳам самарали фаолият олиб борди. Жумладан, 1941 йилда Ўзбекистонда қанд лавлагиси экишни бошланиши билан бу соҳада тажрибали колхозчилардан 5 минг киши Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятларига юборилди¹¹⁷.

Қандай оғир иқтисодий вазият бўлмасин, Ўзбекистон доимо эвакуация қилинган аҳоли ва уларнинг фарзандларига доимо ғамхўрлик қилди. Масалан, 1943 йил 3 мартдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 190-сонли қарори билан моддий ёрдамга мухтож кўчирилган аҳолига 200 минг сўм ажратилди. Шунингдек, қўшимча 50 минг сўм Маориф ХКга, моддий ёрдамга мухтож кўчирилган ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилди¹¹⁸.

Эвакуация қилинган аҳолига кўрсатилган моддий ёрдам ҳажми ҳар доим ҳам эҳтиёжни қопламасди. 1942 йил февралдан Тошкент станциясидаги эвакуопункт кўчирилган аҳолига белгиланган пунктга бепул темирйўл билетини беришни тўхтатди. 1942 йил апрель ҳолатига кўра, Тошкент шаҳри эвакуопункти ва эвакуация бошқармасига ҳар куни 100 – 150 киши мурожаат қилиб, уларни республиканинг вилоятларига юборишни сўраганлар. Мурожаат қилувчиларнинг 10% га яқини ўта мурраккаб моддий аҳволда

¹¹⁶ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2787- йиғмажилд, 31-варақ.

¹¹⁷ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2784- йиғмажилд, 287-варақ.

¹¹⁸ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3751- йиғмажилд, 28-варақ.

бўлиб, ҳатто нон олишга ҳам имкони йўқлиги маълум бўлди. Шу мақсадга яна 9000 сўм талаб қилинди¹¹⁹.

Ўзбекистонга кўчирилган аҳоли ичида ногиронлар ҳамда меҳнат лаёқатига эга бўлмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кўчирилган аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш зарур эди. 1941 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, республикага 28008 меҳнат ногирони эвакуация қилинган эди. Кўчирилган ногиронларнинг оғир моддий аҳоли ин-обатга олиниб, республика бюджетидан 757 минг сўм ногиронларнинг нафақаси бўйича қарздорликни ёлиб бериш учун ажратилди¹²⁰.

Шуниингдек, боқувчисини йўқотган ва касалманд кўчирилган аҳоли учун республикада алоҳида ногиронлар уйлари ташкил этилди. Масалан, 1942 йил 8 январдаги Ўзбекистон ССР ХКС нинг 21-сонли қарори асосида кўчирилганлар учун Бухоро шаҳрида 100 ва Кўконда 150 ўринли махсус ногиронлар уйлари ташкил этилди¹²¹.

Ўзбекистонга кўчирилган аҳолининг ҳолати республиканинг алоҳида вилоят ва туманларида яратилган шароитга ҳам бевосита боғлиқ эди. Бу ҳолатга мисол келтирадиган бўлсак, 1941 йил 13-15 декабрда Ўрта Осиё Давлат савдоси Касаба Уюшмаси томонидан Бухоро вилоятининг Когон ва Қарши туманлари текширилганда бир-бирига қарама-қарши ҳолат аниқланди.

Текшириув ўтказилган давргача Когон туманидан ҳали қариялар ва болалар уйи, бит тўқиш станцияси қуриб битказилмаган бўлса-да, ҳаммолар кун бўйи фаолият олиб борарди. Туманда

¹¹⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3522- йиғмажилд, 87-варақ.

¹²⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2602- йиғмажилд, 147-варақ.

¹²¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3260- йиғмажилд, 74-варақ.

кўчирилган аҳоли учун санитар тозалаш пунктларидан ўтказилиб, кунлик ҳар бир кишига 400 гр гўштли овқат ва нон билан таъминланди. Яъни, вазият қониқарли деб топилди¹²².

Ушбу комиссия томонидан Қарши туманида кўчирилган аҳоли учун яратилган шaroит қониқарсиз деб топилди. Санитар-гигиеник тозалаш тизими етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли, туманга кўчирилган 6000 кишидан тахминан 600 тасигина санитар кўриқдан ўтганлиги аниқланди. Натижада Қарши юкумли касалликлар касалхонасида 200 киши ич терлама ва 32 киши тепкили терлама билан касаллангани маълум бўлди. Қарши туманида ҳолатни яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди¹²³.

Ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган ҳудудларда киргин ва ўлим етим, ҳамда қаровсиз болалар сонини кескин кўпайишига олиб келди. Бир бурда нон ва бошпана илинжида, ёшлигидан уруш даҳшати қурбони бўлган бу болалар тартибли ва тартибсиз равишда кўчишига мажбур бўлдилар. Кўчирилган болалар ўзининг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат фаолиятини тўлиқ ёки қисман олиб боролмас эдилар. Шунинг учун кўчирилган болаларни тарбиялаш, моддий ва ижтимоий таъминлаш асосан Ўзбекистон аҳолиси ёки республика ҳудудидаги ташкилотларга юклатилди.

Тартибсиз равишда келаётган болалар ўта қийин аҳволда қолган бўлиб, уларни тезликда қутқариб қолиш, бунинг учун биринчи навбатда, уларни топиш ва рўйхатга олиш зарур эди. 1941 йил 15 ноябрдаги Ўзбекистон ХКК нинг “Фронтолди ҳудудларидан эвакуация қилинган болаларни жойлаштириш тўғрисида”ги қаро-

¹²² ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3521- йилмажмў, 112-варақ.

¹²³ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3521- йилмажмў, 112-варақ.

рига кўра Тошкентда вояга етмаганларни қабул қилиш пункти очилди¹²⁴. Пункт 18 ёшга тўлмаганларни болалар уйларига ва ёши каттароқларни ишга жойлаштириш масаласи билан шуғулланган. Кейинчалик вилоят ва туманларда пункт қошидаги ташкил этилган комиссиянинг бўлимлари очилди. Энг асосий мақсад назоратсизликка йўл қўймаслик эди.

Болалар ва ўсмирлар устидан назорат ўрнатиш ишларига Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги кўшилди. Ўзбекистонда милиция бўлимлари қошида 30 дан ортиқ болалар хоналари ташкил этилди. 1941 йил ўзидаёқ Ўзбекистон кўчаларидан 3000 дан ортиқ қаровсиз болалар топилди¹²⁵.

Қаровсиз болаларни топиш ва назоратга олиш ишларига Ўзбекистон болалар уйлари ходимлари ёрдам бердилар. Масалан, 22-сонли болалар уйи маъмурияти тиббиёт ходимлари билан бирга бир неча марта фронталди ҳудудларида қаровсиз болаларни топиш учун боришган. Улар томонидан Москва, Ленинград ва Минск шаҳарларидан ўнлаб қаровсиз болалар топилиб, Ўзбекистонга жўнатилади. Топилган болалар аҳволи жуда оғир эди. Уруш йилларида Ўзбекистонга болаларни жойлаштириш ва уларга ғамхўрлик кўрсатишда ўзининг юксак ҳиссасини қўшган А.П. Хлебушкина буни шундай эслайди: "...Улар кичкинагина чол-кампирларга ўхшардилар. Болалар уйигача етиб олиш учун ходимлар болаларни

¹²⁴ Ибрагимов Х. Забота трудящихся Узбекистана об эвакуированных гражданах и детях // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 230.

¹²⁵ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. I. – Т.: Фан, 1981. С. 297.

қошиқчаларда боқар, ўзларининг қонларини қуйишар эди”¹²⁶. Ўзлари ҳам кучсизланган ва қийналғиб кетган болалар уйлари ходимлари болаларни ўз фарзандларидек кўриб, йўлларда уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилардилар.

Республикага болалар билан биргаликда болалар уйлари ҳам кўчириб келтирила бошланди. 1941 – 1942 йиллар мобайнида Ўзбекистонга фронт орти шаҳарларидан 78 та болалар уйлари эвакуация қилинди. Келтирилган болалар уйлариининг 50 таси мустақил равишда сақланиб қолинди. Уларнинг 4 таси Самарқанд вилоятига, 9 таси Тошкент шаҳрига, 13 таси Андижон вилоятига, 10 таси Фарғона шаҳрига, 9 таси Бухоро вилоятига жойлаштирилди. 28 та болалар уйи эса тарқатилиб, улардаги болалар республикадаги мавжуд болалар уйларига, интернатларга ва бошқа болалар муассасаларига, қолганлари эса жамоа ва шахсий тарбияга берилди¹²⁷.

Уруш йиллари таъминотидаги қийинчиликларга қарамасдан 200 мингга яқин кўчирилган болалар биринчилардан бўлиб озиқ-овқат олардилар. Ўзбекистон ССР ХКК нинг 1942 йил 3 февралдаги қарори билан болалар уйларидаги болага ҳар куни қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари тўғри келиши ҳақида қарор қилди: нон – 400 гр., макарон ва крупалар – 70 гр., балиқ – 56 гр., ёғлар – 32 гр., шаккар – 15гр., кандолатчилик маҳсулотлари – 20 гр¹²⁸.

¹²⁶ Хлебущкина А. Роль узбекского народа в воспитании детей-сирот в годы войны // Фашизм устидан қозонилган ғалабда Ўзбекистоннинг тарихий ҳяссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 238.

¹²⁷ Азиев Ҳ. Ўзбекистонликлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, Б. 40-41.

¹²⁸ Мурманцева В. Советские женщины в Великой Отечественной войне. – Москва: “Мысль”, 1974, – Б. 86.

1942 йил 19 мартгача эвакуация қилинган болаларни жойлаштириш тўғрисидаги маълумот қуйидаги кўринишга келганди: 1941 йил ноябрдан Ўзбекистонга тахминан 22 минг бола эвакуация қилинди. Шулардан 9420 нафари болалар уйлари таркибида келган. Болалар орасида мактаб ёшигача бўлганлар – 2,5 % ни, 8 – 14 ёшлилар – 31 % ни, 15 – 16 ёшлилар – 48,5 % ни, 17 – 18 ёшли ўсмирлар – 18 % ни ташкил этарди. кўчирилган болаларни ярмидан кўри (51%) умуман гирт етим бўлиб, қолганларининг ота-оналари урушда бўлган¹²⁹.

Юзлаб ўзбек оилалари кўчириб келтирилган, уруш туфайли ота-оналаридан ажралган болаларни ўз тарбияларига олдилар. Айниқса келтирилган болаларга жамоатчиликни ёрдам кўрсатишдан иборат ватанпарварлик ҳаракати 1942 йил 2 январда Тошкентда шаҳар хотин – қизларининг йиғилиши бўлиб ўтгандан кейин республикада кенг кулоч ёйди, бу йиғилиш Ўзбекистон хотин – қизларини ота-онасиз болаларга оналари ўрнида оналик қилишга чақирган эди.

Кўплаб оилалар иккита ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри опа Ақромованинг номлари кўпчиликка танишдир. Улар турли миллат фарзандларидан 14 болани ўз оилаларига тарбияга олдилар. Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 12 болани асраб олди. Янгийўлда 9 та колхоз жамоаси кўчириб келтирилган 169 болани ўз тарбияларига олишди.

¹²⁹ Ибрагимов Х. Забота трудящихся Узбекистана об эвакуированных гражданах и детях // Фашизм устидан қозонилган ғалабда Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 233.

Бухоролик Муаззам Жўраева ва Апсурхўжаевалар ўз бағирларига 8 нафардан бола олдилар. 1943 йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек oilалари томонидан тарбияга олинган эди¹³⁰.

1941 йил давомида Ўзбекистон oilалари томонидан 3430 кўчирилган болалар тарбияга олиндилар. Улардан 3378 та болалар (98,5 %) болани тарбиялаганлик учун бериладиган 50 рубль нафақани олмаганлар¹³¹. Бу ерда гап нафақа берилишига доир муаммоларда эмас. Болани тарбиясига олганлар уни oilанинг бир қисми деб ҳисоблаб, ихтиёрий равишда давлат нафақасидан воз кечганлар. Буни Ўзбекистон аҳолиси ота – онасидан ва уйдан ажралган болаларга самимий ғамхўрлик иши сифатида қабул қилсак тўғри бўлади.

Республикада болалар уйлари, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари ва яслилари тармоғи кенгайтирилди, улар биринчи навбатда кўчириб келтирилган болаларни ва фронтга кетганларнинг болаларини қабул қилдилар. 1945 йилда, Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда 268 та болалар уйи мавжуд бўлиб, улардаги тарбияланувчилар сони 31.300 болани ташкил этди, ҳолбуки, уруш арафасида республикада фақат 106 та болалар уйи мавжуд бўлиб, уларда 12 минг бола тарбияланарди¹³².

Давлат томонидан болалар муассасаларига ажратилган маблағлар етишмаётганлигини ҳисобга олиб, республиканинг кўпгина

¹³⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 456.

¹³¹ ЎЗР МДА, Р-94-фонд, 5-руйхат, 4217- йиғмажилд, 31-варақ.

¹³² Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 456.

меҳнат жамоалари уларга қўлларидан келганича ёрдам беришни ўз зиммаларига олишди. Корхоналар ва ташкилотларда болалар уйлари-нинг филиаллари ташкил этилиб, улар тўла-тўқис меҳнат жамоалари маблағи ҳисобидан таъмин этиларди.

1942 йилнинг бошларида республиканинг барча газеталарида ЎзССР ХКС ҳузуридаги эвакуация қилинган ва етим болаларни жойлаштириш ҳамда тарбиялаш комиссияси давлат банкининг шаҳар бошқармасида 160676-рақамли жорий ҳисоб очганлиги ҳақидаги эълон босилиб чиқди. Болалар фойдаси учун бўладиган барча хайриялар ана шу кўрсатиб ўтилган ҳисобга топширилиши илтимос қилинган эди.

Мазкур даъват жавобсиз қолмади. 1942 йилнинг март ойига келиб 160676-рақамли ҳисобга 2 млн. 74 минг сўм маблағ тушди. 1943 йилга келиб бу жамғарма фонди 3,5 млн. сўмга етди¹³³.

Шунингдек, болалар уйлари вилоятларга оталиқ тариқасида бириктирилиши ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши диққатга сазовордир. Мисол тариқасида, Самарқанд вилояти болалар уйларига 1943 йилда 700 кг дон, 500 кг. сабзавот, 250 кг. ҳўл мева, 450 кг картошка ва 2083 рубль миқдорда ёрдам кўрсатди¹³⁴.

Ўзбекистонга кўчирилган болаларга моддий ёрдам бериш иши оммалашиб борди. Эвакуация қилинган аҳоли фарзандларига эса озиқ-овқат ва кийим-кечак ажратиш ишлари марказлаштирилган ҳолда, Ўзбекистон бюджети томонидан амалга оширилди. Жумладан, 1943 йил 26 апрелдаги Ўзбекистон ССР ХКК қарори билан

¹³³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 456.

¹³⁴ Хотира. Самарқанд вилояти. 1-китоб, – Т., 1994, 10-бет.

республика бўйича жами 11 минг болаларга киши бошига қуйидаги миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилган: ун – 1200 гр., макарон ва крупалар – 1200 гр., ёғлар – 300 гр., шакар ва қандолат маҳсулотлари – 300 гр., гўшт ва балиқ – 1200 гр, сабзавотлар – бкг¹³⁵. Бу маҳсулотлар болали оилаларга тўғридан-тўғри берилмасдан, улардан махсус ошхоналарда болалар учун овқат тайёрланиб берилган.

Кўриб турганимиздек, болаларни жойлаштириш ва уларнинг таъминоти масаласида баъзи ютуқларга эришилди. Аммо ўсмирлар (11-16 ёш) масаласида жиддий камчиликлар тўлалигича ҳал этилмаганди. Шу ёшлардаги ўсмирларга Ф30 (Фабрика-завод таълими) ва ҳунармандчилик мактабларида таълим берилиши, шундан сўнг ишга жойлаштирилиши лозим эди.

Ўзбекистонга 1941 йил 1 октябрдан то 1942 йил 1 октябргача келган 22 минг бола ва ўсмирлардан, 8052 таси ҳунармандчилик мактабларига, 10202 таси корхона, колхоз ва совхозларга ишга жўнатилди¹³⁶. Болалар ва ўсмирларнинг кўпчилиги банд этилган деб кўринса-да, уларнинг аксариятига етарли эътибор берилмаганлиги учун юқоридаги кўрсаткичлар тез орада қуруқ статистикага айланди. Жумладан, Тошкентдаги 702, 84, 708, 735 – сонли заводлар текстил комбинатига бириктирилган ўсмирларга касбий таълим учун ҳеч қандай шароитлар яратилмаганди. Кўпгина ҳунармандчилик ва Ф30 мактаблари ўқувчилари озиқ-овқат ва турар жой

¹³⁵ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3751-Иягма жилд, 72-вараг.

¹³⁶ Перезенцева Т. Подготовка кадров для промышленности в годы войны// Фишизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 216.

билан таъмин этилмади¹³⁷. Натижада қийин шароитларга чидай олмаган ота-онасиз ўсмирлар завод ва ўқув муассасаларидан қочиб кетардилар.

Одатда қочқин болалар ўзларига ўхшаганларни топиб, кичик жиноий гуруҳчалар тузишар, майда ўғрилик, безорилик ва тиланчилик билан шуғулланардилар. Бозор, вокзал, ертўлалар бу кичик гуруҳларнинг “иш” ва яшаш жойига айланганди.

Соғлом мантиқ бўйича бундай ҳолатга чек қўйиш учун қуйидагиларни қилиш керак: болаларни топиш, мактаб ва иш жойига қайтариш, уларнинг моддий ва айниқса, руҳий ҳолатини яхшилаш, ўсмирлар бириктирилган завод ва мактаб раҳбарлари маъсулиятини ошириш, ўқув муассасалари моддий-техник базасини кучайтириш ва ҳоказолар. Аммо муаммони ҳал қилишда, совет раҳбарияти соғлом мантиққа эмас, ўзлари ўрганиб қолган зўравонлик усуллари билан фойдаланишди. 1943 йил 15 июндаги СССР ХКК нинг 659-сонли қарори билан 11-16 ёшдаги ўсмирлар учун СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги қошида болалар ахлоқ тузатиш колониялари ташкил этилди.

Болалар ва ўсмирларни турар жой, озиқ-овқат ва иш билан таъминлашда бўлиб турган майда камчиликларга қарамай, бу иш муваффақиятли амалга оширилди. СССР нинг душман вақтинча босиб олган ва фронт яқинидаги жойларни ташлаб чиққан ҳудудлар аҳолисидан Ўзбекистон уруш йиллари ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди.

¹³⁷ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3740-йигма жилд, 39-варағ.

Республика шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолиси бу ерга келган фуқароларни меҳр-оқибат билан қарши олди. Аҳоли уларга турар жой бериб, ўзи сиқилиб яшади, кўчиб келганларни тўйдириш учун охириги бўлак нонини бўлиб берди, улар учун пойабзал ва кийим-бош тўплади.

Умумий маънода, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда 100 дан ортиқ саноат корхонасининг кўчирилиши ва тезликда ишга тушурилишини СССР ҳарбий салоҳиятини оширишга салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида амалга оширилган эвакуация ўз моҳиятига кўра улкан ташкилотчилик ва ишлаб чиқариш тадбири эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида машҳур бўлган америкалик журналист Л. Сульцберггер 1942 йил 20 июлдаги “Life” журналидаги мақоласида эвакуация жараёнини таърихнинг буюк воқеаларидан бири эканлиги ҳақида ёзди¹³⁸.

Маршал Г.К. Жуков эвакуацияни “Иккинчи жаҳон урушининг йирик жанглари қаторига қўшиш мумкин”, деб фикр билдирган эди¹³⁹. 1941 – 1942 йиллардаги эвакуация жараёни кўпол камчиликлар, зўравонлик ва йўқотишлар билан амалга оширилган бўлса-да, у ўзининг асосий мақсадига – тинч аҳоли маълум қисмини фашист босқинчиларидан асраб қолиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини шарққа кўчириш ва бу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этишни уддалади.

Юқоридагиларни инобатга олаётган ҳолда, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

¹³⁸ Қуманев Г. Говорят сталинские наркомы. – Смоленск: Русич, 2005. – С. 33.

¹³⁹ Қуманев Г. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. 2006. №6.

Биринчидан, иккинчи жаҳон уруши йилларида амалга оширилган саноат эвакуацияси фашистик Германиянинг оккупация ҳудудларидаги саноат қувватларидан фойдаланиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга имкон бермади. Шу билан фашистик Германия иқтисодий режаларининг барбод қилди.

Иккинчидан, оккупация ҳудудларидан эвакуация қилинган дастгоҳ ва техника собиқ иттифоқ шарқий ҳудудларида ишлаб чиқариш қувватларини оширишда катта аҳамият касб этарди. Эвакуация қилинган корхоналарни янги жойда тиклаш ва ишга тушириш иқтисодиёт трансформациясида аҳамиятли жараёнлардан бири бўлди. Асосий капитал қурилиш ишлари, электр энергияси қувватлари, меҳнат ва моддий ресурслар кўчирилган корхоналарни тиклашга қаратилди.

Учинчидан, эвакуация қилинган саноат корхоналарини қабул қилиш, жойлаштириш, кадрлар билан таъминлан ва умуман иш жараёнини ташкил этишда Ўзбекистон иқтисодиёти муҳим рол ўйнади. Қурилиш нормалари уруш шароитига мослаштирилиб қайта ишлаб чиқилди. Моддий имкониятлар ва қурилиш материалларининг танқислиги шароитида вақтинчалик ва арзон қурилиш кўпайиб, қисқа вақт ичида саноат корхоналари бинолар билан таъминланди.

2 – БОБ. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИ ТАЪСИРИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Уруш йилларида давлат молния тизими трансформацияси

XX аср том маънода фан-техника инқилоби асри бўлди. XX асрда аниқ фанлар ва физиканинг ривожланиши янги ихтироларнинг ҳаётга татбиқ этишга кенг йўл очди. Тараққиёт натижасида телевидение, ядро физикаси, электроника, авиасозлик каби соҳалар шиддат билан ривожланди.

Фантехника инқилоби ҳарбий саноат, ҳарбий қуро-яроғ турлари ва уларни ишлатиш тактикасида ҳам чуқур ўзгаришларни юзга келтирди. XX асрдан бошлаб замонавий давлатлар армияларида янги ҳарбий қуро-яроғ турлари пайдо бўла бошлади. Ушбу қуроллар ҳарбий ҳаракатлар вайронкорлигини ва жисмоний қурбонлар сонини бир неча бор ошириб юборди. Биринчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонлари самолёт, сув ости кемалари, танк (1916 йилда Сомма жангида биринчи марта инглизлар томонидан ишлатилди), кимёвий қуроллардан (1915 йилнинг 25 апрелида Ипр жангида биринчи марта кимёвий қуро-заҳарли газ (хлор) ишлатди) кенг фойдаланилди. Иккинчи жаҳон уруши том маънода техника ва маторлар уруши бўлди. Ҳарбий ҳаракатларда фойдаланилган қуро-яроғ турлари ва уларнинг сони бир неча баробар кўпайди.

Шунинг учун иккинчи жаҳон урушида (бошқа урушларга нисбатан) улкан ҳарбий ҳаражатлар мавжудлиги асосан икки ҳолат билан изоҳланиши кўрсатиш мумкин эди:

Биринчидан, иккинчи жаҳон уруши ўзининг ҳарбий хара-
катлар кўлами ва вайронкорлиги билан бошқа кўлами билан фарқ
қилди. Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945 йиллар) 2195 кун (6 йил).
давом этиб, унда 61 давлат ва дунё аҳолисининг бешдан тўрт қисми
иштирок этди. Урушда дунё мамлакатларидан 6 тасигина ўз нейт-
ралитетини сақлаб қолди. Урушга бевосита жалб қилинганалар 110
млн. кишини ташкил этиб, 50 млн. дан ортиқ киши ҳалок бўлди¹⁴⁰.

Иккинчидан, иккинчи жаҳон урушида янги техника, қуроля-
роғ турларининг оммавий қўлланилиши ёнилғи, металл ва бошқа
хом ашё маҳсулотлар сарфини кўпайишига сабаб бўлди. Урушда
вайронгаанрчиликдан кўрилган зарар ва уруш олиб бориш учун
сарфланган маблағлар миқдори 4 триллион долларни ташкил эт-
ди¹⁴¹.

Урушларда оммавий равишда ҳарбий техникадан фойдаланиш
иктисодий сарф харажатлар миқдориға ҳам таъсир этди. XX аср-
нинг биринчи ярмида дунёда кўглаб янги қурол-яроғ, техниканинг
қўлланилиши уруш ва у билан боғлиқ бевосита ҳамда билвосита
харажатларни кўпайтирди. Агар XIX асрда урушда иштирок этаёт-
ган давлатларнинг 8-13% гача ЯИМ ни ҳарбий мақсадларға
сарфланган бўлса¹⁴², Иккинчи жаҳон урушидаги давлатлар ўз ЯИМ
нинг 35% дан 60% ни ҳарбий мақсадларға йўналтирди¹⁴³. Қадимга
ва ўрта асрларда урушлар тақдирини кўпинлар сони, жангчилар

¹⁴⁰ Вторая Мировая война. Краткая история. – Москва: Наука, 1985. – С. 5.

¹⁴¹ Ильинский И. Великая Победа: наследие и наследники // Знание. Понимание. Умение. 2005. №2. – С. 5.

¹⁴² Люмер Х. Военная экономика и кризис. Пер. с английского. – Москва: «Издательство иностранной литературы», 1955. – С. 13.

¹⁴³ Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 23.

тайёргарлиги ва саркардалар тактик моҳирлиги билан ҳал қилинарди. XX аср урушларида кўп нарса ҳарбий-иқтисодий тизими фаолият эффе́ктивлиги, ресурслар (моддий ва ишчи кучи) ва технологияларга боғлиқ бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида АҚШ нинг асосий ҳудудларида бевосита ҳарбий ҳаракатлар олиб борилмаган бўлса-да, 1943 ва 1944 йилларда АҚШ миллий даромадининг 41%и тўғридан-тўғри ҳарбий мақсадларга сарфланди¹⁴⁴.

Собиқ иттифоқида мавжуд иқтисодий тизим марказий бошқарув тарзида ташкил этилган бўлиб, давлат ички ресурсларини ҳарбий харажатларга сафарбар этишда кўпроқ имкониятга эга бўлган. Капиталистик давлатларда мулк эгаллигининг турли шакллари мавжуд бўлган ҳолда, собиқ иттифоқи корхоналар маълум соҳа халқ комиссарликлари орқали тўлиқ давлатга бўйсунарди. Номига сакланиб қолинган кооператив тизими ва жамоат ташкилотлари мулкларидан ҳам солиқ солиш миқдори кўпайди.

1941 йилда собиқ иттифоқи ҳудудида уруш ҳаракатларининг бошланиши билан давлат бюджети ва молия тизими бошқа соҳалар каби улкан қийинчиликларни бошдан кечирди. Давлат бюджети мамлакатнинг кирим ва чиқимининг асосий кўрсаткичи бўлиши билан бир қаторда маблағларни қайта тақсимловчи улкан молиявий механизмдир. Собиқ иттифоқида давлат бюджети қуйидаги погоналардан иборат бўлган:

¹⁴⁴ Люмер Х. Военная экономика и кризис. Пер. с английского. — Москва: «Издательство иностранной литературы», 1955. — С. 16.

1 - поғона – собиқ иттифоқ бюджети;

2 - поғона – иттифоқдош республикалар бюджети (масалан, Ўзбекистон ССР. бюджети);

3 - поғона – маҳаллий бюджетлар (масалан, Самарқанд вилояти бюджети). Одатда, даромадлар куйидан юқорига, тақсимот эса юқоридан куйига қараб амалга оширилган.

Собиқ иттифоқ бюджети 1941 йилда 177, 0 млрд. руб.ни ташкил этган¹⁴⁵ ҳолда, шу йили Ўзбекистон бюджети 1 317 369 руб.ни ташкил этди¹⁴⁶. Шу рақамлардан кўриниб турибдики, даромадларнинг асосий қисми иттифоқдош республикалар бюджетига эмас, балки собиқ иттифоқ бюджетига йўналтирилди. Давлат хўжалиқ ҳаётини асосини ташкил этувчи йирик корхоналар Ўзбекистонга эмас, тўғридан-тўғри иттифоқ Халқ комиссарликларига бўйсунган.

Бу сиёсат иттифоқдош республикалар иқтисодий сиёсатини чеклаш ва даромад тақсимотининг Марказдан амалга оширилишига қаратилган эди. Шунингдек, иттифоқдош республикаларда маъмурий ва суд қарори билан белгиланган жарималар ҳам тўлиқ иттифоқ бюджетига ўтказиларди¹⁴⁷.

Маҳаллий бюджетлар солиқ ва даромадлардан маълум қисмини ўзларига олиб қолиб, қолганини иттифоқдош республикалар бюджетига берганлар. 1942 йил аҳоли даромад солиғидан – 2,5 %, давлат заёми суммасидан – 1,5 %, МТС даромадларидан – 10%, колхозчилар солиғидан – 2,5 % ва бошқалардан маҳаллий бюджет

¹⁴⁵ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. – Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. – С. 215.

¹⁴⁶ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3270-йигмажид, 69-варақ.

¹⁴⁷ ЎзР МДА, Р-93-фонд, 15-руйхат, 769-йигмажид, 13-варақ.

фойдасига олиб қилинган¹⁴⁸. Маҳаллий бюджетлар харажат балансини ушлаб туриш учун 1941 йилда Ўзбекистон ССР бюджетидан маҳаллий бюджетларга бериладиган ажратималар суммаси 649671 рубль этиб белгиланди¹⁴⁹:

Иккинчи жаҳон уруши даврида Собиқ Иттифоқи ва пунингдек иттифокдош республикалар бюджетидида ҳарбий харажатларнинг ўсиши туфайли, бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик бузила борди. 1940 йилда собиқ иттифоқи бюджетиди даромади 180 млрд руб.ни ташкил этган бўлиб¹⁵⁰, уруш бошланиши билан даромад кўрсаткичлари тушиб борди. Ми-сол учун бюджет даромадлари 1941 йилда 177,0 млрд руб. бўлса, 1942 йилда эса 165,0 млрд руб.га тушиб қолди¹⁵¹.

Шу билан бир қаторда бюджет харажатлари 1940 йил 174,3 млрд. руб.дан, 1942 йилда 182,8 млрд руб.га кўпайди. Бюджет харажатлари тақсимоти уруш даври талабларига кўра ўзгариб борди. Уруш харажатлари, фронтга қурол-яроғ ва озиқ-овқатнинг етказиб берилишининг кўпайиши натижасида ҳарбий харажатлар 1941-1944 йилларда муттасил ўсиб борди. 1940 йилда ҳарбий харажатлар 56,8 млрд руб.ни, 1942 йилда 108,4 млрд руб.ни, 1944 йилда эса 137,8 млрд руб.ни ташкил этди¹⁵². Бюджетдаги ҳарбий харажатлар 1944 йилда 1940 йилга нисбатан 2,4 баробар ўсди. 1940 йилда бюджет

¹⁴⁸ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3270- йилгажылд., 64-варақ.

¹⁴⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3270- йилгажылд., 70-варақ.

¹⁵⁰ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. – Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. – С. 215.

¹⁵¹ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. – Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. – С. 215.

¹⁵² Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. Москва, Госполитиздат, С.131.

харажатларининг 32,58 % мудофаа мақсадларига йўналтирилган бўлса, 1942 йилда бу кўрсаткич деярли 60 % га етди¹⁵³.

Уруш йилларида бюджет даромад ва харажатларнинг умумий кўламини, иккинчи томондан ҳарбий харажатларнинг ошishi бошқа харажатларнинг тушиб кетишига олиб келди. Жумладан, таълим тизимига харажатлар 1940 йилда 22,5 млрд руб.дан 1942 йил 10,4 млрд руб.га тушиб кетди. Кўп болали оилалар ва ёлғиз оналарга давлат нафақалари миқдори 1940 йилда 0,8 млрд руб.га тушиб қолди¹⁵⁴. Бу эса уруш даври одамларнинг моддий шароитларга сезиларли салбий таъсир ўтказди.

Собиқ иттифоқ аҳолисининг ижтимоий шароити ва иқтисодий аҳволи оғир бўлиб, моддий ёрдамга жиддий муҳтож эди. Уруш бошланишидан икки йил аввал, яъни 1939 йилда собиқ Иттифоқи аҳолисининг 73,9%ни ишчи ва хизматчиларининг ишламайдиган оила аъзолари ташкил этди¹⁵⁵. Яъни, шу йили ишлайдиган бир киши уч кишини боқишига тўғри келди. Урушсиз ҳам одамлар оила таъминотини зўрға эплардилар. Уруш бошланиши муаммони янада кескинлашди.

Уруш бошланиши билан собиқ иттифоқидаги умумий молиявий ва иқтисодий ҳолатнинг кескин ёмонлашуви туфайли 1941 йилги Ўзбекистон ССР бюджети 273 044 руб.га қисқартирилди¹⁵⁶. Олдиндан режалаштирилган бюджетнинг деярли 20% га қисқариши

¹⁵³ Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. Москва, Госполитиздат, С. 131.

¹⁵⁴ Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. Москва, Госполитиздат, С. 131.

¹⁵⁵ Павлов Р. Опыт социального обеспечения условий труда рабочих и колхозников в годы Великой Отечественной войны 1941-1945 гг.: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Москва, 2000. – С. 4.

¹⁵⁶ УЗР МДА, р-839-фонд. 32-руйхат, 2578- йиғмажилд, 37-варақ.

биринчи навбатда аҳолининг моддий турмушига салбий таъсир кўрсатиб, республика маданий-илмий соҳалари ривожига сарфланадиган маблағларни кескин камайтирди. Жумладан, мавзу жиҳатдан яқин музейлар бирлаштирилди, илмий-тадқиқот ишларида катта аҳамиятга эга бўлмаган мавзулар ўрганилиши тўхтатилди. Масалан, 1941 йил 3 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 864 – сонли қарори билан Халқ Маорифи Халқ Комиссарлиги қошидаги мактаблар илмий-тадқиқот институти ва ушбу халқ комиссарлик услубий бюроси қўшиб юборилди¹⁵⁷.

Бошқа ҳолатларда, илмий-маданий муасасалар ёки уларнинг бўлимлари умуман тугатилди. 1941 йилда Ўзбекистон йирик шаҳарлари ва туманлари иқтимоий таъминот бўлимлари қошида ишлайдиган маданият комиссиялари тугатилди¹⁵⁸. Шунингдек, шу йили “Ёш ленинчи” ва “Комсомолец Узбекистана” газета-журнал босмаҳонаси тугатилиб, ушбу номларадаги газеталарни чиқариш бошқа босмаҳонага ўтказилди¹⁵⁹. 1943 йилда “Қирққиз” достонини чоп этишга ажратилган 100 минг руб. ҳам Ўзбекистонда иқтимоий-маданий тадбирлардан иқтисод қилиш эвазига молиялаштирилди¹⁶⁰.

Уруш даврининг мураккаб молиявий шароитида ҳар бир тинчликни иқтисод қилишга ҳаракат қилинди. Масалан, 1942 йилдан республика бўйича телеграф жўнатмаларига харажатларни қисқартиришга қарор қилинди. Ҳукумат ва марказий бошқарув органлари

¹⁵⁷ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2578-йигмажилд, 312-варақ.

¹⁵⁸ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2578-йигмажилд, 151-варақ.

¹⁵⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2578-йигмажилд, 269-варақ.

¹⁶⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3756-йигмажилд, 171-варақ.

телеграммалари 100 сўзгача, бошқа орган ва ташкилотлар телеграммаларида сўз миқдори 50 сўзгача бўлиши белгиланди¹⁶¹.

Ойлик маошларидан иқтисод қилиш мақсадида ташкилот, муассаса ва корхоналарда асосий ҳисобланмайдиган штат бирликлари тугатилди. Қисқартиришлар бутун бир ташкилотларга ҳам таалукли бўлди. Бундай қисқартирилишлар рўйхатига турли ташкилот ва муассасалар, савдо шахобчалари ҳам киритилди. Биргина 1942 йил 17 октябдаги Ўзбекистон ССР ХКК ва КП(б) МҚнинг 1390 – сонли қўшма қарори асосида республикада ойлик маош фонди 191906 сўмни ташкил этувчи, 501 штат бирлигига эга 29 та ташкилот ва муассасалар тугатилди¹⁶².

Уруш ва у билан боғлиқ харажатларнинг асосий қисми, оғирлиги оддий халқ зиммасига тушди. 1940 йил аҳолидан олинадиган солиқ ва тушумлар 19 млрд руб.дан 1942 йил 44,7 млрд руб.га кўпайди. Шундан келиб чиққан ҳолда улар бюджет даромадини 1940 йил 10,8 % ташкил этган бўлса, 1942 йил 27 % ни ташкил этди¹⁶³.

Ишлаб чиқариш ва саноатнинг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилиши, кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг камайиши, фашистлар Германияси томонидан собик иттифок ғарбидаги саноат марказларининг эгалланиши туфайли давлат бюджети даромад қисмини асосини ташкил этувчи социалистик корхоналар (совхозлар, Халқ комиссарликлари қарамоғидаги саноат корхоналари ва бошқалар) даромадлари қисқарди.

¹⁶¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3260- йилгажид, 7-варақ.

¹⁶² ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3521- йилгажид, 90об-варақ.

¹⁶³ Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. Москва, Госполитиздат, С. 131.

Уруш даврида йўқотилган даромадлар ўрнини қоплаш учун давлат аҳолига солиқ ва бошқа иқтисодий мажбуриятларни кўпайтирди.

Солиқлар аҳоли маблағларини давлат бюджетига жалб этишнинг асосий воситаси айланди. Уруш йилларида солиқлар тур ва миқдор жиҳатидан кўпайиб борди. Жумладан, 1942 йил 3 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 747-сонли қарори билан 1941 йил 30 майдаги 566 – сонли “Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида”ги қарорга ўзгартиришлар киритилди ва бу солиқнинг миқдори оширилди¹⁶⁴. Қарорда уруш вақтида қишлоқ хўжалиги солиғи ва аҳолидан олинадиган даромад солиғига вақтинча 100% устама белгилалиши кўрсатилди.

Солиқ деҳқонлардан умумий миқдорда олинган бўлса, ишчи ва хизматчилардан прогрессив даромад ставкасига қараб олинди. Иш ҳақи 300 руб.дан ортиқ бўлмаган ишчи ва хизматчилар даромад солиғига қўшимча устама тўлашдан бутунлай озод қилинди. 300 руб.дан 500 руб.гача иш ҳақи учун 50%, 500 руб. ва ундан ортиқ иш ҳақи учун 100% устама солиғи белгиланди.

Қўшимча даромад солиғининг энг юқори ставкалари ёшига кўра ҳақиқий хизматга чақирилиши ёки сафарбарликка мувофиқ армияга чақирилиши лозим бўлган, ammo сафарбар қилинмаган ёки чақириқдан озод қилинган ишчи ва хизматчиларга нисбатан қўлланилди. Уларнинг бир ойлик иш ҳақи 300 руб.гача бўлганида 100%, 300 – 500 руб. бўлганида 150%, 500 руб.дан ортиқ бўлганида 200% устама солиғини ташкил этди¹⁶⁵.

¹⁶⁴ УЗР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2574- Ингмажилд, 2-варақ.

¹⁶⁵ “Қаҳил Ўзбекистон”. 1941 йил, 5 июль.

Қишлоқ хўжалик ва даромад солиғига устамаларни ҳисобга олганда ҳам собиқ иттифоқда мавжуд солиқ тизими бюджет даромадларини тўлдиришни тўла-тўқис ҳал эта олмаган. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилар иборат:

Биринчидан, уруш ҳолати ва ҳарбий ҳаракатлар туфайли армияга аҳолининг кўплаб жалб қилиниши солиқ тўловчилар сонини камайишига олиб келди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар оилаларига турли солиқлар тўлашда имтиёзлар берилди. Масалан, оила таркибида икки ва бундан кўп ҳарбий хизматчилар бўлган деҳқонлар қишлоқ хўжалиги солиғи устамаси тўлашдан бутунлай озод қилинган. Оила таркибида бир ҳарбий хизматчи бўлган оилалар ушбу солиқ устамасини 50 % чегирма билан тўлаганлар.

Иккинчидан, солиқ тизими уруш даврига жавоб бермас эди. Масалан, қишлоқ хўжалик солиғи хўжаликлардаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига эмас, солиққа тортиш мумкин бўлган объектларга қараб олинган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, солиқ тушумларини янада кўпайтириш мақсадида 1941 йил 31 декабрдан бошлаб колхозчи ва якка деҳқон хўжаликлари учун ҳарбий солиқ жорий қилинди. Ҳарбий солиқнинг асосий хусусияти унинг жон бошига қараб олинишида эди. Қийсидир маънода бу солиқ ўрта асрларда мавжуд “жон солиғи” ни эслатар эди. Ушбу солиқнинг жорий этилиши шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам солиқ тўловчилар сонини оширди.

Ҳарбий солиқ ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзолари, I ва II гуруҳ ногиронлари, нафақахўрлардан ташқари 18 ёш ва ундан

ошган барча собиқ иттифоқи фуқароларидан олинди¹⁶⁶. Ҳарбий солиқ қишлоқ хўжалиғи билан боғлиқ бўлмаган аҳоли (ишчи ва хизматчилар, маданият ходимлари ва бошқалар)ан уларнинг даромадига қараб белгиланди. Масалан, йиллик даромади 1800 руб.гача бўлганлар 120 руб., 6000 руб.гача бўлганлар 480 руб., даромади 10800-12000 руб.ни ташкил этганлар 1140 руб. солиқ тўладилар¹⁶⁷.

Қишлоқ жойларда алоҳида солиқ тўловчи даромадига эмас, у яшаётган ҳудуд аҳолисига умумий миқдорда белгиланган. СССР ХКС томонидан ҳарбий солиқ қишлоқ жойларда ҳар бир иттифокдош республика, вилоят, туман учун алоҳида 150-600 руб. атрофида белгиланди.

“Ҳарбий солиқ” ҳар бир вилоятнинг иқтисодий аҳволидан, колхоз ва якка деҳқон хўжаликларнинг умумий даромад даражаси, нарх-наво ва бошқа ўзига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда турлича олинди. Тошкент вилоятида ҳар бир хўжалик аъзоси учун “ҳарбий солиқ” ўртача 370 руб., Андижонда 480 руб., Сурхондарё вилоятида 420 руб., Хоразмда 350 руб., Самарқандда 460 руб., Фарғона вилоятида 360 руб., Наманган вилоятида 460 руб., Бухоро вилоятида 470 руб., Қорақалпоғистон учун 390 руб.ни ташкил этди¹⁶⁸.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган деярли барча давлатларда молниявий қийинчиликлар туфайли “ҳарбий солиқ” ёки шунга ўхшаган фавқулодда солиқлар жорий этилди. Масалан, фашистик Германияда ҳам фавқулотда ҳарбий солиқ жорий этилди. 1939-1941 йилларда ушбу солиққа кўра йили-

¹⁶⁶ ЎзР МДА, Р-94-фонд, 15-руйхат, 669- йилгажид, 38-варақ

¹⁶⁷ ЎзР МДА, Р-94-фонд, 15-руйхат, 669- йилгажид, 41-варақ

¹⁶⁸ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3747- йилгажид, 265-варақ

га 1500 – 3000 рейхмарка даромад олувчиларга солиқ 20%га ва 3000 – 5000 рейхмарка даромад эгаларига эса солиқ 55% кўпайтирилди. Шу йилларда фашистик Германия олиб бораётган ҳарбий ҳаракатлар харажатларининг деярли ярми солиқлар ҳисобига қопланди¹⁶⁹.

“Маданий йиғим” ёки рус тилида қисқача “культсбор” қишлоқ хўжалиги билан шугулланувчи аҳолидан уй-жой ва маданий-маиший иншоотлар барпо этиш учун олинган. 1942 йил 8 январдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 25 – сонли қарорида республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССР учун “маданий йиғим” миқдорда ҳар бир колхозчи хўжалиги даромадига қараб 10 ёки 40 рубль деб белгиланди. “Маданий йиғим” якка хўжаликлар учун эса даромад ва иш ҳайвонининг мавжудлигига қараб “ҳарбий солиқ” ставкасининг 100 ёки 175 фоизда олинди¹⁷⁰.

Уруш йилларида собиқ иттифокда юқорида белгиланган солиқ тушумлари етарли бўлмагач, солиқларнинг янги турлари белгиланди. 1941 йил 21 ноябрда СССР Олий Президиуми қабул қилган фармони билан ўзига хос ва бошқа мамлакатларда деярли учрамайдиган солиқ жорий этилди. Ушбу фармонга кўра, балоғат ёшига етиб оила қурмаган, фарзандсиз ва ёлғиз фуқароларга қўшимча 5% даромад солиғи жорий қилинди¹⁷¹. 1944 йил 8 июлда қабул қилинган Олий Кенгаш Президиумининг қарори билан ушбу солиқ бир ва икки фарзандли оилаларга ҳам жорий қилинди¹⁷².

¹⁶⁹ Эванс Р. Третий рейх. Дни войны. 1939-1945. Пер. с англ. – Москва: Астрель, 2011. – С. 468.

¹⁷⁰ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 3260- йиғмажилд, 101-варақ.

¹⁷¹ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3265- йиғмажилд, 292-варақ.

¹⁷² ЎзР МДА, Р-94-фонд, 5-руйхат, 4598- йиғмажилд, 39-варақ

Уруш даврида демографик вазият ва оилани бузилишидан келиб чиқадиган ижтимоий хавфни камайтиришни тартибга солишда маълум маънода тўловлар тизимидан фойдаланилди. Бу ҳолатни ФХДЁ ҳолатини қайд этиш ёки бекор қилишдаги тўлов ставкалари миқдорида кўриб чиқиш мумкин. Жумладан, 1944 йил 24 августда СССР ХКСнинг 1153-сонли қарори билан фуқаролардан ундирилдиган давлат божи суммаларига ўзгартиришлар киритилди.

Солиқ номи	Бюджетга йилги режалаштирилган йиллик сума	Амалда йиллик сума
Ҳарбий солиқ	476300	435098
Қишлоқ хўжалик солиғи	60976	46465
Қишлоқда "маданий йилги"	23430	20679
Узаро истеъроий солиқ	14550	9901
Аҳолидан даромад солиғи	93096	73677
Аҳолидан "маданий йилги"	73112	53542
Ҳарбий солиқ - шаҳар	353220	266037
Фарғандани ислоҳдан олинмадиган солиқ	45200	35000
Йилликотлар учун солиқ	19006	13776
Ер ренти	18700	13849
Якка хўжаликлардан оғилар учун олинмадиган давлат солиғи	82	40
Аҳолидан йилликдан солиқлар номи	1156696	959064
Колхозлардан даромад солиғи	138700	114603
Жами тўловлар суммаси	1295396	1073667

Янги қарор асосида никоҳни қайд этишга 15 рубль тўланса, никоҳни бекор қилиш тўғрисида даъво аризасини топширишга 100 рубль ва суд қарори билан никоҳни бекор қилиш гувоҳномасига 500 дан 2000 рублгача давлат божи ундирилди¹⁷³. Албатта, ажралиш бўйича давлат божлари суммалари янги оила қуриш ёки оила бутунлигини сақлаб қолишда бирламчи факто бўлмасада, умумий маънода давлатнинг оиллага бўлган муносабатини кўрсатиб беради.

¹⁷³ ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 577- йилмажмил, 12-варақ.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган меҳнатга яроқли аҳолининг солиқ мажбуриятлари республика маҳаллий аҳолиси билан деярли бир хил бўлган. Фақат, қишлоқ жойларга кўчирилган аҳоли маҳаллий маданий йиғилардан озод этилди¹⁷⁴.

Уруш йилларида собиқ иттифокда мавжуд асосий солиқлар ва уларнинг ялпи суммаси ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун 1942 йилнинг 9 ойида Ўзбекистонда йиғилган асосий солиқлар суммаси ва бу сумманинг 1942 йил республика бюджетига киритилган режа бўйича бажарилиши фоизини кўриш чикши керак бўлади¹⁷⁵:

Юқорида номлари келтирилаётган солиқ ва тўловларни тўлаш республика аҳолиси моддий аҳволига жиддий босим ўтказарди. Молия органлари йиғилган солиқ миқдорини етарли деб ҳисобламади. Колхозларда қўшимча текширувлар ўтказилиб, солиқ миқдorigа қўшимча белгилаш ҳолатлари кўтайди.

1942 йилда 1941 йилга қараганда Тошкент вилоятида – 4,6 %, Фарона вилоятида – 3,1%, Андижон вилоятида – 1,7%, Наманган вилоятида – 3,1 %, Сурхондарё вилоятида – 1,5%, Хоразм вилоятида – 0,3% ва ҚҚ АССРда – 1,3% кам солиқ олинганлиги қайд этилди ҳамда бу вилоятлардаги колхоз хўжалиқлари қўшимча солиққа тортилди¹⁷⁶. Айни вақтда солиқлар тушумининг камайиши республикада ялпи ҳосил миқдорининг камайиши ва қишлоқ хўжа–

¹⁷⁴ ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 672- йиғмажилд, 38-варақ.

¹⁷⁵ ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 676- йиғмажилд, 25-варақ.

¹⁷⁶ ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 765-йиғмажилд, 142-варақ.

лигидаги бошқа муаммолар билан боғлиқлигини ҳеч ким эътиборга олмади.

Солиқ олиниши мuddатлари ўзгариши ва солиқлар суммасини авнс шаклида тўлаб бериш ҳолатлари ҳам учраб, бу ҳолат аҳолини моддий жиҳатдан анча қийнаб қўйди. Масалан, Колхозчилар ва якка хўжаликлар тўлайдиган қишлоқ хўжалиги солиғи 1 ой аввал олиниши белгиланди¹⁷⁷. Бу ҳолатга қўшимча мисол сифатида 1943 йил 8 сентябдаги СССР ХКСнинг 965-сонли қарорини кўрсатиш мумкин. Қарорда 1943 йилда ғалладан юқори ҳосил олган хўжаликлар, 1944 йилдаги МТСлар ҳақини аванс сифатида ғалла билан олдиндан тўлаш белгиланди¹⁷⁸.

Уруш йилларида янги солиқлар жорий этилиши ҳамда мавжудларининг миқдорининг оширилиши шароитида хўжаликлар ва фуқаролар барча даромадларидан ажралиш даражасига борар эди. Лекин йиллик даромад солиғи, ҳарбий солиқ, маданий йиғимнинг суммаси миқдори фуқаро даромадининг максимал 70-75%ни ташкил этиш лозим эди. Солиқлар миқдори бу чегарадан ўтса, фуқаро ҳарбий солиқ тўлашдан озод этилган¹⁷⁹.

Солиқлар тўлашдаги баъзи имтиёзлар маълум ташкилотларга ҳам берилди. Бундай имтиёзлар собиқ иттифок ўзига “энг яқин” ҳисоблаган муаассаларга бериларди. 1942 йил 3 ноябрдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1449-сонли қарори асосида республика ҳудудида жойлашган НКВД ахлоқни тузатиш-меҳнат лагерлари

¹⁷⁷ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 2578-йиғмажилд, 38-варақ

¹⁷⁸ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3774 йиғмажилд, 261-варақ.

¹⁷⁹ ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 769-йиғмажилд, 29-варақ.

корхона ва турли муассасалари маҳаллий солиқлар ва ер рентасидан озод қилинди¹⁸⁰.

Юқорида номлари келтирилган солиқлар ва улардан бошқа солиқлар ундирилиши Халқ комиссарлари совети, вилоят, шаҳар ва туманлари ижроқомлари, Молия Халқ комиссарлиги ва унинг маҳаллий бўлимлари томонидан қатъиян назорат қилинди¹⁸¹.

Давлат заёмлари солиқлар каби мажбурий ҳисобланмасида, уруш йилларида ва умуман XX асрнинг 30 – 50 – йилларида уларни олиш деярли мажбурий йўлга қўйилди. Молия идоралари қонунқоидаларни қўпол бузган ҳолда ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларидан ушлаб қолиб, уларни заёмларга мажбурий ёздиришди. 1940 йилда саратовлик хизматчи Геннин ўзининг оғир моддий шароити ҳақида Молотовга хат ёзган. У хатида фақатгина озиқ-овқат ва уй тўловларини тўлаш учун унинг ояси ойига 600 рубль сарфлашини таъкидлаган. Шунга қарамай Генниннинг умумий ойлик маоши 450 рублни ташкил этиб, давлат заёмига “ижтиёрий-мажбурий” ёзилиши натижасида қўлига 385 рубль олган¹⁸².

Аҳоли маблағларини бюджетга жалб қилинишининг яна бир шакли пул-буюм лотореялари бўлган. Шу молия механизми орқали ҳам анчагина маблағ йиғишга эришилди. Масалан, 1941 йил ноябрдан бошлаб Молия Халқ Комиссарлиги томонидан чиқарилаган пул ва буюмлик лотореядан тушган даромад ҳаммаси фашист босқинчиларига қарши урушга боғлиқ ишларга сарф қилинди. Лоторея-

¹⁸⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2289- йиғмажилд, 160-варақ.

¹⁸¹ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 2574- йиғмажилд, 282-варақ.

¹⁸² Коммерсантъ Власть, 19 декабря 2005 года.

нинг умумий маблағи 1 млрд руб. бўлиб, 200 минг руб.лик маблағ ютуқ сифатида ўйнади¹⁸³.

Шунингдек, мудофаа жамғарлари ва турли шанбалик-якшан-баликлар орқали ҳам аҳоли маблағлари фронт таъминоти учун жалб этилди. Мудофаа жамғармасига ишчилар, колхозчилар, зиёлилар бир кунлик иш ҳақлари, “коммунистик шанбаликлар”да ишлаб топилган пуллар, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қиммат-баҳо бойликлари, давлат заёмлари, буомлар, озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Умуман, урушнинг дастлабки кунларида республика аҳолисидан 30 млн. рубллик миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо бойликлар тушди. Ўзбекистон аҳолиси уруш йилларида мудофаа жамғармасига жами 649,9 млн.руб. пул, 22 кг. олтин ва кумуш топширди¹⁸⁴.

Урушга йўнатирилган молиявий харажатлар фақатгина солиқ ва турли тўловлар ҳисобита қопланмади. Молия тизимини барқарорлаштириш ва ҳарбий ҳаракатлар ўрнини қоплашдаги энг оғир чоралардан бири пул эмиссияси эди. Пул эмиссияси натижасида товар билан таъминланмаган нақд пуллар массаси кўнаиб кетиб, инфляция юқори кўрсаткичларга кўтарилди. Расмий маълумотларга кўра, урушнинг дастлабки уч йилида собиқ иттифоқда пул эмиссияси 2,4 баробарга кўпайди¹⁸⁵.

Пул қадрсизланиши ҳарбий иқтисодиётнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётда товар миқдорига нисбатан

¹⁸³ Қизил Ўзбекистон. 1941 йил. 30 ноябрь.

¹⁸⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилик даврида. — Тошкент: Шарқ. 2000, — Б.437-бет

¹⁸⁵ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. — Москва: Наука, 1970. — С. 426.

нақд пул миқдорининг кўплиги инфляциянинг асосий сабабчиси бўлди. Уруш ва тинч даврда юзага келувчи инфляция бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Уруш шароитида, иқтисодий ҳарбий изга ўтказишда юзага келувчи инфляция жараёнини собиқ иттифоқ, шу жумладан, Ўзбекистон шароитида кўриб чиқсак. 1941 йил 22 июнда фашистик Германия армиясининг собиқ иттифоқ ҳудудига ҳужуми бошланди. Уруш туфайли собиқ иттифоқда юзага келган инқирозли ҳарбий ва иқтисодий шароит халқ ҳўжалигини фронт эҳтиёжларини таъминлаш учун қайта қуришни талаб этди.

Иқтисодий ҳарбий талаблар асосида қайта қуриш натижа-сида саноат корхоналарининг кўпчилиги ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтди. Тинч вақтда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарган корхоналар турли ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Шунинг учун халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш камайган бўлса-да, умуман ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда камайиш кескин бўлмади. Барча хомашё ва моддий ресурслар ишлаб чиқариш имкониятлари ҳарбий саноат фойдасига қайта тақсимланди.

Ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналар тинч даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тайёрлашни деярли тўхтатдилар. Шу йўл билан озод этилган ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмалар бажарилишини таъминлашга йўналтирилди. Ишлаб чиқариш балансининг бузилиши оқибатида кенг истеъмол учун саноат товарларига етишмовчилик юзага келди.

Шунингдек, аҳоли савдоси учун ишлаб чиқилган озиқ-овқат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам ҳаракатдаги армия эҳтиёжларини таъминлаш учун жалб қилинди. Бу жараён урушнинг дастлабки йилларида яққол намойн бўлди. Жумладан, 1940 – 1942 йилларда ун ва ёрма маҳсулотларининг аҳоли савдоси мўлжалланган улуши 86%дан 73%гача, гўшт маҳсулотларининг улуши 43%дан 23%гача ва чарм маҳсулотларининг улуши 79%дан 27%гача камайиб кетди¹⁸⁶. Кўплаб маҳсулотлар савдо фондларининг камайиши ушбу маҳсулотларга бўлган танқисликни янада кучайтирди.

Юқоридаги маълумотлар, уруш бошлангач Ўзбекистонда ҳарбий саноат ишлаб чиқариши ўсганлиги, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш камайгани ва натижада товар-пул нисбати бузилганлиги кайд этиш мумкин. Айнан бу ҳолатлар иқтисодий жиҳатдан инфляциянинг асосий сабабчилари бўлди. Сабаби уруш натижасида давлатнинг асосий ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватлари вайрон этиш воситалари яратилишга йўналтирилади.

Уруш даврида давлат томонидан асосий маблағ ҳарбий товарлар ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё ва ишчи кучи сарфланади. Бу ҳолатни таҳлил қилганда, иқтисодий фойда берувчи ишлаб чиқариш воситалари ҳам, истеъмол товарлари ҳам яратилмайди. Бошқача айтганда, ҳарбий ишлаб чиқариш қанчалик ўсма-син, у аҳолининг саноат молларига бўлган эҳтиёжини қондирмайди ва қеляжакда ишлаб чиқариш қувватларини яратишга деярли хизмат қилмайди.

¹⁸⁶ Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. Москва, Госполитиздат, С.126.

Уруш йилларида савдо ҳажмининг тушиб кетишининг энг асосий объектив сабабларидан бири пул инфляцияси эди. Уруш шароитида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш камайиши инфляцияни кучайтирди. Савдо ва таъминот тизимида мавжуд истеъмол товарлари миқдори камайди ва нақд пул миқдори кўпайди. Товар билан таъминланадиган пул ҳажмининг кўпайиши юқори инфляция кўрсаткичлари, талабга нисбатан таклифнинг камлиги, қимматчилик ва аҳоли турмуш даражаси пасайишини келтириб чиқарди.

Пул эмиссияси бир томондан аҳолининг моддий шароитига, иккинчидан савдо-сотиқ тизимига салбий таъсир этди. Натижада пулга ишонч даражаси тушиб кетиб, чакана савдо ҳажми камайди. Пулнинг қадрсизланиши бозорларда товарларнинг камайиши ва савдонинг кўпгина ҳолларда бартер даражасига тушиб қолишига олиб келди.

Уруш даври иқтисодий молиявий жиҳатдан ўзига хос парадоксни яратди. Аҳолининг турмуш даража қанчалик пасайса, аҳолида нақд пул миқдори шунчалик кўпая борди. Давлат тақсимот тизимидан ташқарида нақд пул деярли ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади.

Пул қадрининг тушиши, нархларнинг кескин кўтарилиши ишчи ва ходимлар харид қобилиятини деярли йўққа чиқарди. Уларнинг моддий шароити оғирлашди. Буни аниқ мисолда кўриб чиқсак. 1942 йил январида Ўзбекистон ССР Гўшт ва Сут Халқ Комиссарлигида икки бўлимига бошлиқ этиб тайинланган етакчи иқтисодчи ойлик маоши 1250 рублни ташқил этди¹⁸⁷. 1942 йил январидан

¹⁸⁷ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3265-йигма жлд, 61-варақ.

даги нархларда бу маошга харид шаҳардаги колхоз бозорида амалга оширса, унга 1,25 литр сут ёки 1,2 кг. картопка сотиб олиши мумкин эди¹⁸⁸. Карточкадан сотиб олиш мумкин маҳсулотлар нархлари деярли ўзгармади (спиртли ичимликлар ва туздан ташқари). Шунинг учун уруш йилларида нақд пулдан кўра карточка нормалари аҳамияти юқорироқ бўлган.

Ушбу мураккаб иқтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг асосий қисми карточкада белгиланган нормалардан ташқари эркин савдодан деярли ҳеч нарса харид қилишга имконияти етмас эди. Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, уруш йилларида ишчилар маошининг ўсиши ҳаёт даражасини белгилашда иккиламчи кўрсаткичлар эканлиги кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Пул қадрининг ва аҳамиятининг пасайиши бутун иқтисодиёт тизимидаги айирбошлаш даражасига таъсир этди. Давлат ва колхоз миқёсида ўзаро савдо пул шаклида эмас, асосан бартер шаклида олиб борилган. Ҳосил йиғими ёки экин даврида давлат колхозларга маълум қишлоқ хўжалиги маҳсулотига айирбошлаш шарти билан саноат товарлари, бўғдой, ёнилги-мойлаш маҳсулотлари ҳамда уруғлик етказиб берган. Бу ҳолатга мисол сифатида 1942 йил 2 мартдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 332-сонли қарори билан республика колхозларига жунга айирбошлаш шарти билан 10000 тонна ва гўштга айирбошлаш шарти билан 5000 тонна уруғлик бўғдой ажратилди¹⁸⁹.

¹⁸⁸ Ҳисоб-китоблар ҳўидаги бўйича амалга оширилди: Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. - Москва: «Информационно-издательский центр Госкомстата СССР», 1990. - С. 197.

¹⁸⁹ УЗР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3265 йиғмажалд, 237-варақ.

Республика қишлоқ аҳолисининг саноат маҳсулотлари билан таъминланиши даражаси жуда қониқарсиз ҳолатда эди. 1944 йилда ўтказилган текширувлардан маълум бўлишича, саноат маҳсулотлари асосан район марказларида қолиб кетиб, қишлоқ жойларига етиб бормаган¹⁹⁰. Қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли саноат товарлари қарточкалари билан таъминланмасди. Шунинг учун улар асосан шаҳарлардаги чайқовчилик бозорларидан саноат маҳсулотларини харид қилганлар. Чайқовчилик бозорларида нархлар жуда қиммат бўлиб, саноат товарларини сотиб олишга ҳамманинг ҳам қурби етмасди.

Истисно тариқасида, ғалла ва қанд лавлагиси йиғим-терими даврида колхозчилар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида саноат товарларини савдоси ташкил этиларди. 1943 йил ғалла ҳосили йиғими даврида “Ўзбекбирлашув” тизими орқали колхозчиларга 10 млн. рублик саноат товари сотилди¹⁹¹.

Иккинчи жаҳон уруши тажрибаси шунини кўрсатадики, ҳар қандай замонавий уруш улкан маблағ ва ресурсларни талаб этади. Уруш йилларида ҳарбий саноатнинг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг ҳарбий изга қўчирилиши давлатнинг кейинги иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқариш ва истемол баланси, товар-пул муносабатлари бузилиши натижасида бошқарилмайдиган пул эмиссияси (инфляция)ни келтириб чиқаради. Инфляция эса аҳоли маблағларининг уруш харажатларини қоплашга йўналтиришнинг асосий ва энг иқтисодий-ижтимоий зарарли шакли ҳисобланиб, аҳолининг оммавий қапшоқлашига, молия ти-

¹⁹⁰ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-руйхат, 310 йиғмажилд, 64-варақ.

¹⁹¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3774 йиғмажилд, 362-варақ.

зимининг издан чиқилши ва ишлаб чиқаришнинг қисқаришига сабаб бўлади.

Уруш йилларида собиқ иттифоқи ҳиссасига тўғри келадиган иқтисодий йўқотишлар, улкан ҳарбий харажатлар, бюджет даромадлари ва умумий ишлаб чиқаришнинг камайиши ҳамда инфляция молия тизимини издан чиқарди. Режа бўйича белгиланган бюджет даромад йиғилиши ва харажат қисмлари амалда бажарилмай қолди. 1945 ва тинч ҳаётнинг дастлабки йилида собиқ иттифоқ иқтисодийети ва молия тизими чуқур инқироз ҳолатида эди.

Шу билан бирга, барча қийинчиликларга қарамасдан уруш йилларида молия тизими ўзининг асосий мақсади – фронт моддий ва молиявий таъминоти эплай олди ҳамда маълум даражада ўз ҳарбий рақибларидан молиявий устуликка ҳам эришди. 1944 йил фашистик Германия ЯИМ нинг 75%ини ҳарбий харажатларга қаратишга қарамасдан (шу йилларда бу кўрсаткич собиқ иттифоқида тахминан 60%, Буюк Британияда-55%)¹⁹², энди у жанг олиб бораётган давлатлари билан на иқтисодий, на ҳарбий рақобат қила оларди. Шу йили ЯИМ миқдорида кўра антигитлер коалицияси иттифоқчилари (СССР, АҚШ, Буюк Британия) ва Берлин-Рим-Токио ўқи давлатлари нисбатан 3:1 ни ташкил этди¹⁹³.

Юқоридагилардан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, бутун халқ хўжалиғи ва аҳолининг бутун

¹⁹² Эванс Р. Третий рейх. Дни войны. 1939-1945. Пер. с англ. – Москва: Астрель, 2011. – С. 364.

¹⁹³ Эванс Р. Третий рейх. Дни войны. 1939-1945. Пер. с англ. – Москва: Астрель, 2011. – С. 406.

иқтисодий имкониятлари урушни молиялаштиришга йўналтирилди. Уруш ҳарбий харажатларнинг ўсишига ва давлат бюджетининг асосий қисmini мудоффа мақсадларига йўналтиришга олиб келади. Уруш туфайли қисқарган бюджет даромадлари аҳолига солиқ ва бошқа иқтисодий мажбуриятларини кўпайтириш орқали қоланди.

Иккинчидан, иқтимоий соҳаларга ажратилинадиган бюджет харажатлари камайтирилди. Шу йўллар билан ҳарбий харажатларнинг молиялаштирилиши кўпайтирилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида пул эмиссияси, солиқ ва тўловларнинг оширилиши аҳоли турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатди.

2.2. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқ хўжалигида кадрлар муаммоси ва уни хал этиш йўллари

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон саноат тармоқларининг йўналишини тубдан ўзгартирди. Саноат корхоналари қисқа вақт ичида ҳарбий изга солиниб, ҳарбий қурол-аслаҳа ва техника ишлаб чиқара бошладилар. Ўзбекистон саноат ишчилари ишлаб чиқаришни ҳарбий изга ўтказиш, эвакуация қилинган корхоналарни жойлаштириш ва ишга тушириш, фронтни ва аҳолини саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш лозим эди. Бу мураккаб вазифаларни бажариш, энг аввало, улкан маблағ, инсон ва табиий ресурсларни талаб этарди. Иккинчи жаҳон урушининг аввалги урушлардан яна бир фарқи, бу урушда нафақат фронтга ҳам, фронт ортига ҳам миллионлаб одамлар жалб этилди.

Уруш бошланиши билан Ўзбекистон иқтисодиётининг меҳнат ресурсларига бўлган талаби қуйидаги асосий сабабларга кўра ошиб кетди:

Биринчидан, 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси жами 6,5 миллион кишини ташкил этиб, уларнинг ярмини болалар ва кексалар ташкил этган. Меҳнатга яроқли одамларнинг 50-60 фоизи, аниқроғи 1 433 230 киши урушга сафарбар бўлган¹⁹⁴. Урушга сафарбар бўлганларнинг асосини 18 – 55 ёшлардаги эркаклар бўлиб, улар урушгача меҳнаткашларнинг асосини ташкил этган. Умумий ҳисобда, совиқ иттифоқида армияга сафарбар этилганлар умумий сони 5 млн. дан 11,3 млн. кишигача кўпайди¹⁹⁵.

Иккинчидан, иқтисодий ва ҳарбий изга ўтказилган жараёнида халқ хўжалиги соҳалари бўйича ишчиларнинг жалб қилиниши турлича кечди. Урушгача ишчи кучини унчалик кўп талаб қилмаган соҳалар (масалан, артилерия ва самолётсозлик) га ҳамда уларга турдош оғир саноатга кўлаб ишчи кучи ресурслари жалб қилинди. Уруш йилларида Ўзбекистонга ҳаммаси бўлиб 104 та завод ва фабрика эвакуация қилинди¹⁹⁶. Бу завод ва фабрикаларни тез муддатда янги жойида тиклаш ва ишга тушириш учун ҳам қўшимча улкан меҳнат ресурслари зарур эди. Бунинг учун республика саноат корхоналарида ишлаш учун 500 минг колхозчининг жалб этилиши вазиятни янада оғирлаштирарди. Бундан ташқари, суғориш иншоотлари, янги саноат корхоналари, ГЭС, кон ва заводлар қурилишига ҳам колхозчилар жалб қилинар эди. Масалан, Фарход ГЭС қурили-

¹⁹⁴ Қаримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 80.

¹⁹⁵ Мурманцева В. Советские женщины в Великой Отечественной войне. – Москва: Мысль, 1974. – С. 17.

¹⁹⁶ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустақиллақчилиги даврида. ... – Б. 440.

шида Тошкент вилоятидан 11000 колхозчи, Наманган вилоятидан 9500 колхозчи, Андижон вилоятидан 5000 колхозчи қатнашди¹⁹⁷.

Учинчидан, юқори малакали кадрларнинг кескин даражада танқислиги, техниканинг фронтга жўнатилиши, ёқилги, дастгоҳлар, асбоблар ниҳоятда етишмаслиги меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келди. Натижада маълум ишни бажаришга сарфланган зарур меҳнат миқдори кўпайди.

Уруш йилларида, юқоридаги кадрлар сони ва сифатининг камайиши, уларга эҳтиёжнинг ортиши шароитида бу муаммо қисқа хал қилиниши лозим эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти учун тезликда меҳнат ресурсларини топиш ва улардан унумли фойланиш учун қуйидаги икки асосий тадбирлар қўлланилди:

Биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнига аввал жалб қилмаган, аммо назарий жиҳатдан меҳнат қилиши мумкин бўлган аҳоли гуруҳлари жалб қилинди. Бу гуруҳнинг асосини аёллар, кейинги ўринларда ўсмирлар ва қариялар ташкил этди.

Иккинчидан, ишчи, колхозчи ва хизматчилар кунлик иш соатлари ёки йиллик меҳнат кунларини узайтирилиши бўлди.

Юқоридаги тадбирларни қўлланилиши бир неча қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. 1941 йил 26 июндаги Олий Кенгаш Президиумининг қарори билан саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва савдо корхоналари раҳбарларига ишчи - хизматчилар учун иш вақтидан тапқари 1-3 соатлик мажбурий ортиқча ишлар жорий қилишга рухсат этилди. 16 ёшга етмаган ишчи ходимлар учун 2 соат-

¹⁹⁷ Пулатов И. Улут Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари. ... - Б. 8.

гача мажбурий ортиқча меҳнат белгиланди. Меҳнат таътили бекор қилинди¹⁹⁸. Қарор билан белгиланган 11 соатлик иш куни, асли-да 12-14 соатгача чўзиларди. Бундай тадбир ишчи ва хизматчилар со-нини оширмасдан, ишлаб чиқариш қувватини тахминан 30% га кў-тартиш имконини берди.

Ушбу қарор асосида ҳарбий корхоналарнинг барча ходимлари сафарбар қилинди ва корхоналарга бириктириб қўйилди. Меҳнат интизомини бузганлар учун жазо чоралари кескин қўйилди. Корхо-налардан ўзбошимча кетиб қолганлар 5 йилдан 8 йилгача муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинарди¹⁹⁹. Уруш давридаги солиқ тизими ҳам ишчи ва хизматчиларни ҳар қандай шароитда меҳнат қилишга иқтисодий мажбурлов механизмига айланди. 1941 йил но-ябридан касаллик туфайли вақтинчалик иш лаёқатини йўқотган иш-чи ва хизматчилар учун имтиёзлар тугатилиниб, белгиланган солиқ-лар тўлиқ миқдорда олинадиган бўлди²⁰⁰.

Уруш йилларида бутун иттифоқ миқёсда миллионлаб аҳолини сафарбар этиш, уларни кўчириш ва корхоналарга йўналтириш, ҳи-собга олиш жуда мураккаб ташкилий жараён эди. Бу жараённи етарли ташкил қилишда, 1941 йил 3 июлда СССР ХКК қошида ту-зилган ишчи кучини ҳисобга олиш ва тақсимлаш қўмитаси катта аҳамиятга эга бўлди. Уруш йилларида қўмита томонидан собиқ ит-тифоқ бўйича 12 млн.га яқин киши меҳнатга сафарбар этилди²⁰¹.

¹⁹⁸ Экономическая жизнь СССР (хроника событий и фактов). Книга первая. – Москва: Советская энциклопедия, 1984. – С. 331.

¹⁹⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет муштамлақачилиги даврида. ... – Б. 440.

²⁰⁰ ЎЗР МДА. Р.93-фонд. 15-руйхат, 760-йилмажид, 17-варақ.

²⁰¹ Мурманцева В. Советские женщины в Великой Отечественной войне. – Москва: Мысль, 1974. – С. 25.

Баъзи ҳолатларда меҳнат сафарбарлиги республиканинг ички ресурсларини инобатга олмаган ҳолда амалга оширилди. Уруш йилларида Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарияти ишга жалб қилинган шароитда, яна қандай қилиб аҳолини меҳнатга сафарбар этиш мумкин, деган савол пайдо бўлади. Шунинг учун қарорларда минглаб кишилар турли ишларга сафарбар этилиши белгилансада, амалда талабларни бажариш имконияти ҳар доим ҳам бўлмади.

Шу маънода, ҳаволада келтирилган тўрт ҳужжат²⁰²ни кўриб чиққанимизда вазият аниқроқ намоён бўлади. Ушбу тўрт ҳужжатнинг ўзида республика бўйича 4500 дан ошиқ киши турли ишларга сафарбар қилиниши керак эди. Уруш йилларида бундай мазмундаги ўнлаб қарорлар чиққанлиги инобатга олсак, қарорлар ижросини таъминлашга республиканинг ички меҳнат ресурслари етишмасди. Шунинг учун кўплаб қарорлар тўлалигича ёки умуман бажарилмасди. Масалан, 1942 йил 26 ноябрдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг ва КП(б) МҚнинг 1506-сонли қўшма қарорида Тошкент шаҳрида 2036 хизматчининг ишлаб чиқаришга ўтказиш кераклиги бел-

²⁰² ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4163- йиғмажилд, 338-варақ (1942 йил 16 майдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 559-сонли “Сановат корхоналари ва қурилишларида доимий ишлаш учун 2810 кишини сафарбар этиш тўғрисида”ги қарори); ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3753- йиғмажилд, 30-варақ (1943 йил 18 мартдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 279-сонли “Ёг-мой заводларини қуриш ишларига 440 ишчини сафарбар этиш тўғрисида”ги қарори); ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3753- йиғмажилд, 324-варақ (1943 йил 27 мартдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 330-сонли “Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари заводларига 2220 ишчи сафарбар этиш тўғрисида”ги қарори); ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3756- йиғмажилд, 211-варақ (1943 йил 3 майдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 310-сонли “Тошкент шаҳрида “Главнефтеснаб” базосига 100 ишчини ва ҚҚ АССР да Геодезия ва картография бошқармаси гурӯҳларига 120 ишчини сафарбар этиш тўғрисида”ги қарори).

гиланган бўлсада, амалда 236 киши ишлаб чиқаришда фаолиятни бошлади²⁰³.

Бошқа томондан, ишчиларнинг қишлоқ хўжалик ёки турли ҳашар ишларига жалб қилиниши улар фаолият юритаётган корхоналар фаолиятига салбий таъсир этди. 1942 йил июнида Ўзбекистон ССР ХКС даражасида ишчилари қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиниши натижада Тошкент, Каттақўрғон ва Норин шаҳарларида бир неча саноат корхоналарининг ёпилиб қолиш ҳолати масаласи муҳокама қилинди²⁰⁴.

Баъзи ҳолларда аҳоли меҳнатга сафарбар қилишда ўйланмаган ва мантиқсиз ишлар қилинди. 1943 йил 5 январдаги СССР ХКС-нинг 15-сонли қарори билан сил(туберклёз) билан касалланганлар юқори ҳарорат ва буғланиш билан боғлиқ бўлмаган жойларда иш-лашларига рухсат этилди²⁰⁵. Бу қарорни совет ҳукуматининг инсон саломатлигига бўлган эътиборсизлиги ва масъулиятсизлик даражасини кўрсатувчи ҳолат деб қараш тўғри бўлади. Қарор 1943 йилда эълон қилинганлиги эътиборни қаратади.

Бу даврда (1941 йил иккинчи ярми ва 1942 йилга нисбатан) мамлакат иқтисодиёти кадрларга фавқулотта эҳтиёж сезмасди. Шунингдек, сил (туберклёз) билан касалланган инсон иш жараёнида аввало ўзининг ва ён атрофдагилар саломатлигига хавф туғдиришини ҳам инобатга олиш лозим эди.

Фронтдаги ҳарбий ҳолатнинг ўзгариши меҳнат қонунчилигига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. 1942 йилда фронтда ҳолатнинг ём-

²⁰³ ЎзР МДА, Р 837-фонд. 32-рўйхат, 3747-йигмажилд, 217-варақ.

²⁰⁴ ЎзР МДА, Р 837-фонд. 32-рўйхат, 3740-йигмажилд, 111-варақ.

²⁰⁵ ЎзР МДА, Р 837-фонд. 32-рўйхат. 3751-йигмажилд. 41-варақ.

онлашуви билан аҳолини ҳарбий корхоналар ва қишлоқ хўжалигига кадрларни жалб этиш бўйича кескин чоралар қўлланилди. 1942 йил 13 февралдаги СССР Олий Кенгаши Президиумининг қарори асосида давлат корхона ва муассасалари-дан ишламайдиган 16 – 55 ёшли эркак ва 16 – 45 ёшли шаҳар аҳоли ҳарбий қурилиш ва қурол-яроғ ишлаб чиқаришга жалб этилди²⁰⁶.

Шунингдек, 1942 йил 13 апрелдаги СССР Олий Кенгаш Президиумининг қарори асосида 6-10 синф ўқувчилари, техникум ва ОЎЮлари талабалари ҳам қишлоқ хўжалигини қизғин пайтларида меҳнатга сафарбар қилинишига ҳуқуқий руҳсат этилди²⁰⁷.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат кунларига қўшимчалар белгиланди. 1942 йил 13 апрелдаги СССР ХКК ва ВКП(б) МК нинг қарорлари билан колхозчилар учун мажбурий иш кунлари (1939 йилга нисбатан) оширилиб, қуйидаги ҳолатга келтирилди: ноқоратупроқ ҳудудлари учун 100 иш куни, Волгабўйи ва Сибирнинг ғаллачилик районлари учун 120 иш куни, пахтачилик районлари (Ўрта Осиё ва Кавказ) учун 150 иш кунигача этиб белгиланди²⁰⁸. Шунингдек, ушбу қарорда колхозчиларни меҳнатга мажбурлов чоралари қонунийлаштирилиб, ишларни хоҳламаганлар жиддий жазоланиши белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги ишларидан бўйин товлаганлар суд қарори билан 6 ой мажбурий ахлоқ тузатиш ишларига мажбур қилиниб, уларнинг ойлик маошидан 25% колхоз ҳисобига ушланиб қолинган.

²⁰⁶ Ради жизни на земле. Великая Отечественная война 1941-1945 гг. в документах и свидетельствах. Сост. Мазур В. и др. – Екатеринбург: Уральский рабочий, 1995. – С. 73.

²⁰⁷ Ради жизни на земле. Великая Отечественная война 1941-1945 гг. в документах и свидетельствах. Сост. Мазур В. и др. – Екатеринбург: Уральский рабочий, 1995. – С. 78.

²⁰⁸ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 252.

Агар ишдан бўйин товлаш муттасил давом этса, қонун бузувчи колхоздан чиқарилган ва томорка участкаси тортиб олинган²⁰⁹. Томорканинг олиб қўйилиши очлик билан баробар эди. Уруш йилларида колхозчиларга паспорт берилмасдан, улар ўз ҳоҳлаганича шаҳарга ишга боролмасдилар.

Ўрта ҳисобда, ўзбекистонлик колхозчи 1940 йилда 215 иш куни ишлаб берган бўлса, бу кўрсаткич 1943 йилда 280 иш кунини, 1944 йилда эса 311 иш кунини ташкил этди²¹⁰. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси меҳнат фаоллиги анча юқори бўлиб, қарорда белгиланган иш куни минимумлари одатда ихтиёрий кўпайтирилиб бажаришга эришилди. 1940 йилда ўзбекистонлик деҳқон ўртача йилига 217 кун меҳнат қилган бўлса, бу кўрсаткич 1941 йилда 233 ва 1942 йилда 263 иш кунини ташкил этди²¹¹. Шунингдек, Ўзбекистонда иш куни минимумларини бажармаётганлар фоизи нисбатан кўп бўлмаган. Собиқ иттифоқ бўйича иш куни нормасини бажармаётганлар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон бошқа республикалар билан солиштирилганда охириги ўринларни эгалларди. Жумладан, 1944 йилда иш куни минимумлари бажармаган колхозчилар Озар-байжонда 15,3% ни, Грузияда 19,1% ни, Қозоғистонда 12,4% ни ва Ўзбекистонда эса 8,9% ни ташкил этди²¹².

Иккинчи жаҳон уруши йилларида уруш олиб бораётган давлатларнинг деярли барчасида узайтирилган иш соатлари қўлла-

²⁰⁹ Ахсененко Г., Григорьев В., Пятницкий П. Колхозное право. — Москва: Юридическая литература, 1950. — С. 210.

²¹⁰ Ризвев Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане 1917-1965 гг. ... — С. 125.

²¹¹ Голованов А., Саидов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. — Самарканд: СямДУ, 2006. — С. 26.

²¹² Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. ... — С. 255.

нидди. Масалан, 1939 – 1945 йилларда АҚШ қайта ишлаш саноатидаги ишчилар иш вақти ўртача 20% кўпайди²¹³. Буюк Британия иқтисодиётида ҳам шундай ҳолат кузатилди. Британиялик эркак жинсига мансуб саноат ишчилари учун иш вақти ўртача 1938 йилда 47,7 соатдан 1943 йилда 52,9 соатгача кўпайди²¹⁴.

Баъзи тадқиқотлардан маълум бўлишича, иш вақтининг узайтирилиши бажарилган иш ҳажмининг кўпайишига энг самарасиз таъсир кўрсатган тадбир бўлиб чиқди. Кўпгина ҳолларда эса бу тадбир тескари натижа бериб, меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келди. Уруш йилларида Ўзбекистон ва умуман собиқ иттифокда иш вақтининг меҳнат унумдорлиги таъсири мавзусида алоҳида тадқиқот ўтказилмаган бўлса-да, лекин бошқа давлатларда олиб борилган тадқиқотлар негизида муаммонинг умумий манзарасини кўриш мумкин.

Шу ўринда 1940 йилда Англия тиббий-тадқиқот кенгашининг ҳисоботида (инглиз тилида – “Emergancy report” №1) иш вақтининг узайтирилиши меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этганлиги ҳақида хулоса қилинади. Ушбу ҳисоботда ҳафтасига 85 соат оғир меҳнат билан шуғулланган 56 та эркак ишчиларнинг иш вақти 57 соатгача тушурилгач ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори 22% ўсганлиги қайд этилди²¹⁵.

²¹³ Люмер Х. Военная экономика и кризис. Пер. с англ. – Москва: «Издательство иностранной литературы», 1955. – С. 54.

²¹⁴ The Cambridge Economic History of Modern Britain. Volume III: Structural Change and Growth, 1939-2000. Edited by R. Floud and P. Johnson. Cambridge University Press, 2007. – P. 6.

²¹⁵ Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. – Москва: «Государственное издательство политической литературы», 1946. – С. 111.

Фашистик Германия корхоналарида ҳам иш вақтининг узайтирилиши тескари натижалар берганлиги бир неча кузатувларда аниқ бўлди. Шу маънода 1944 йил 27 майдаги "Reich-arbeitsblatt" нашрининг 14/15 = сонида завод директорининг иш унумдорлиги масаласига бағишланган мақоласи чоп этилди. Мақолада фашистик Германияда 48 соатлик иш ҳафтасининг 62 соатга кўтарилишининг иш унумдорлигига таъсири бир корхона мисолида шахсий кузатувлар восидида солиштирилди: 48 соатлик иш ҳафтаси иш вақтининг 84% (таҳминан 40 соат) дан унумли фойдаланилган бўлса, 62 соатлик иш ҳафтасининг 70% игина (42 соат) унумли ҳисобланди.

Кўшимчасига 62 соатлик иш ҳафтасида ишлаб чиқарилган маҳсулот браки 8%ни ташкил этди. (48 соатлик иш ҳафтасида 3%). Демак, газетада мисол сифатида берилган корхонада иш ҳафтаси 12 соат узайтирилган бўлсада, унумли иш вақти атиги ҳафтасига 2 соат ўсган. Иш вақтининг узайтирилиши маҳсулот брак миқдорининг ва касалланган ишчилар сонининг ошишига олиб келди²¹⁶.

Масаланинг яна бир тарафини унутмаслигимиз лозим. Узайтирилган иш вақти, меҳнатнинг мураккаблашуви, уруш туфайли транспорт тизимининг етарли бўлмаган фаолияти, ишчилар томонидан сарфланадиган қувватнинг (колория) ёки "жоул" бирликларида ўлчанади) ошишига, уни тўлдириш учун эса озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг янада кўпайишига олиб келди. Бундай кўрсаткичлар аниқ ўлчаб чиқилмаган бўлсада, лекин шубҳасиз, уруш йилларидаги ўрта статистик ишчи урушгача бўлган ҳамкасбига қа-

²¹⁶ Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. — Москва: «Государственное издательство политической литературы», 1946. — С. 113-114.

рагнада озиқ-овқат (шунингдек, витамин ва минераллар) маҳсулотларига талаби юқорироқ бўлган.

Уруш йилларида республика аҳолиси кучи билан кўшлаб каллалар ва иншоотлар барпо этилди ҳамда йил давомида республикадаги мавсумий ишларга жалб қилинди. Урушнинг дастлабки икки йилида қишлоқ аҳолиси 20,7 млн. меҳнат куни ҳажмида фақатгина қурилишларга сафарбар этилиши²¹⁷, республикада аҳолини меҳнатга сафарбар этиш оммавий тус олганлигини кўрсатиб беради. Қишлоқ хўжалиги ишларига сафарбар этишда қоғозда бўлсада, аҳолини иқтисодий рағбатлантириш чоралари кўрилди ва шу мақсадда шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалик ишларидан келадиган даромадлари 1942 йилдан солиқлардан озод этилди²¹⁸. Лекин қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этиш ҳашар усулида ташкил этилиб, ҳашарчиларга умуман пул тўланмади.

Уруш йилларида асосий қурилиш ва ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ишлари ҳашар усулида ташкил этилди. Мавсумий йигим-терим ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига аҳолини ҳашарларга жалб қилинишини халқ хўжалигини кадрлар билан таъминлаш нуқтаи назаридан икки хил таъсир ўтказди. Бир томонлама, ҳашар объекти бўлган иш маълум даражада бажариб олинди. Иккинчи томондан эса ҳашарни ташкил этиш, транспорт харажатлари ва ишловчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш иқтисодий рентабеллиги ўйлаб чиқилмади.

²¹⁷ Ли Д. Укрепление сплоченности народа Узбекистана в период войны с Германским фашизмом: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Андижан, 1997. – С. 21.

²¹⁸ ЎзР МДА, Р 93-фонд. 15-руйхат, 769-йигмажид, 19-варақ.

Натижада минглаб турли касб вакиллари йиғим-терим даврида бир ҳашардан иккинчисига ташланарди. Ва бундай ҳашарларга республика миқёсида минглаб кишилар жалб этиларди. Масалан, 1942 йил биргина қанд лавлагисини йиғиб олиш ишларига Самарқанд вилоятида камида 30 минг, Фарғона вилоятида камида 17500 ва Тошкент вилоятида камида 70 минг ҳашарчи жалб қилинди²¹⁹.

Ҳашар ҳалқимиз учун нафақат ўзига хос иқтисодий-ижтимоий муносабат, шунингдек, турмуш тарзининг ажралмас қисмидир. Кўплаб тарихий бинолар, ариқлар ва саройлар ҳашар усулида қад кўтаргани сир эмас. Лекин баъзи ҳолатларда уруш йилларида колхозчиларнинг муттасил ҳашар ишларига жалб қилиниши уларни асосий ишдан чалғитишга, ортиқча чарчашига ва баъзи ҳолларда кераксиз ишларни бажаришга олиб келди. Бу ҳолатни “такасагиз” ўсимлиги йиғимида кўриб чиқсак. “Такасагиз” таркибида каучук бўлган ёввойи ўсимликдир. Уруш йилларида собиқ иттифоқига бу хом ашё импортининг камайиши боис, резина ишлаб чиқарувчи корхоналарда танқислик пайдо бўлди.

Мавлум вақт ўтгач таасагиз хусусиятлари илмий охиргача ўрганилмаганлиги боис уни йиғиш умуман норентабл бўлиб чиқди. Ҳамда 1942 йил Ўзбекистон ССР ХКС ва КП(б) МҚ нинг 1441-сонли қўшма қарори такасагиз тайёрлаш режаси бекор қилинди²²⁰. Демак, бу ўсимликларни йиғиштиришга жалб қилинганлар меҳнати ҳам самарасиз бўлди.

Миллионлаб уй бекалари, ўсмир ва қарияларни ишлаб чиқаришга жалб қилиниши кадрлар муаммосини тўла ҳал қилмасди.

²¹⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2289-йиғмажилд, 17-варақ.

²²⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2289-йиғмажилд, 107-варақ.

Меҳнат сафарбарлиги туфайли ҳарбий саноат корхоналари маълум даражада кадрлар сони билан таъминланган бўлсада, лекин бу “янги ишчилар”нинг иш малакаларини етарли деб аташ хато бўларди. Бирданига кечаги уй бекаси ёки ўқувчинини мураккаб дастгоҳда ишга қўйилиши ишчининг саломатлиги ва техниканинг кейинги фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

1941 – 1942 йилларда Ўзбекистон саноат тармоқларида банд жами ходимлар сони 142,6 мингдан 148,7 минггача ҳамда саноат ишчилари сони 102,5 мингдан 102,9 минггача кўпайди²²¹. Маълумотлардан республикада ишчилар сони кўшимча ортганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ишчилар сони муаммоси ҳал этилса-да, ишчилар малакаси муаммосини тўлиқ ҳал этиб бўлмади. Уруш туфайли завод ва фабрикаларга келган малакасиз ишчиларга касбни эгаллашга қандайдир ёрдам берилди. Лекин бу тадбирлар тўлиқ ўзини оқламади. Барибир аёллар ва ёшлар қисқа вақт ичида тажриба эгаллашга улгурмай, фронтга кетган малакали ишчилар даражасига чиқа олмадилар. Уруш йилларида собиқ иттифоқ саноат тармоқларида малакасиз ишчилар 65-70%ни ташкил этди²²². Бу ҳолат бевосита иш унумдорлиги ва бошқа натижаларга салбий таъсир ўтказди.

1941 йилда республикада ҳар бир саноат ишчисига йилига ўртача 24379 рубль маҳсулот тўғри келса, бу кўрсаткич 1942 йилда 16910 рублга тушиб қолди²²³. Бу ҳолат 1941 – 1942 йилларда Ўзбе-

²²¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318-йиғмажилд, 1706-варақ.

²²² Млякнива Н. Роль молодежи в решении военно-экономических и социальных задач в годы Великой Отечественной войны (по материалам СССР). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Москва, 2009. – С. 19.

²²³ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318-йиғмажилд, 18-варақ.

костон саноат ишчиларининг иш унумдорлиги пасайиши ишчилар сони кўпайиши билан ўрни тўлдирилмаганигини аниқларди.

Шунинг учун корхоналарга янги келган ишчиларини ўқитиш ёки малакасини ошириш учун қисқа муддатли курслар ташкил этилди. Қисқа муддатли курслар янги келган ишчилар малакаларини сафарбар этилганлар даражасига етказмасда, ҳар ҳолда етарли техникавий ва меҳнат кўникмаларини берди. Янги келган ишчилар малакасини доимий ошириш мақсадида корхоналарда қолган малакали ишчилар билан бирга устоз-шогирд тизими ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигида кадрлар сифатини маълум даражага ошириш мақсадида қисқа муддатли агрономлик ва механизаторлик бўйича курслар ташкил этилиб, уларда ўқув машғулотлари бошлаб юборилди. 1941 йилнинг августидан фаолият юритишни бошлаган МТС лар қошидаги икки ойлик тракторчилик ва механизаторлик курсларининг 13776 ўқувчисидан 82,4% ни аёллар ташкил этди²²⁴. Бундай курсларнинг очилиши муаммони тўла-тўқис ҳал эта олмади. Чунки курсларда машиналарни бошқариш бўйича бошланғич таълим бериларди.

Ушбу курсларда олинган билимлар етарли бўлмаса-да, аммо ушбу курслар қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлашда биринчи босқични ўтади. Қишлоқ хўжалиги таълимининг сифати қониқарсиз эди. Ўқув курсларида эътибор кадрлар сифатига эмас, уларнинг сонига қаратилди. Шунинг учун уруш йилларида касбни эгаллаган аёлларнинг кўпчилиги паст разрядли

²²⁴ Мурманцева В. Советские женщины в Великой Отечественной войне. — Москва: Мысль, 1974. — С. 39.

ишчилар ҳисобланган. 1941 йил мобайнида механизаторлар мактаблари ва МТСлар қошида таъкил этилган қисқа муддатли курсларни 18765 киши битириб, шулардан 12428 таси аёллар эди²²⁵.

Ўзбекистонда иқтисодий ишчи кучи билан таъминлаш муаммоси биринчи навбатда ички имкониятларни жалб қилиш орқали ҳал этилди. 1942 йил 13 февралдаги ЎзССР Олий Совети Президиумининг фармонида биноан давлат корхона ва муассасаларида ишламайдиган 16 ёшдан 45 ёшгача аёлларга меҳнат сафар-барлиги эълон қилинди. Уруш бошланиши билан газета ва журналлар аёлларни турли касбларга ўргатувчи курслар ва ишга таъкиф қилувчи эълонларга тўлиб кетди. Масалан, "Қизил Ўзбекистон" газетасининг 1942 йил 16 сентябрдаги сониди хотин-қизларни 2 ойлик электро-монтёрлар курсига таъкиф қилувчи эълон чиқди.

Кўрииб турганидек, хотин-қизларни "эркаклар" касбларга ўргатиш оммалашиб, уларни бевосита завод ва фабрикада ўқитиш ишлари олиб борилди. Касбга ўргатиш индивидуал гуруҳларда таъкил этилиб, фронтга жўнаётган эркак ишчилар тезликда аёлларга касбий маҳоратларини ўргатиб кетардилар. 1941 йил октябрь ойи ўрталарига келиб Тошкент корхоналари 11450 аёл ишчини тайёрлашга эришди. Биргина "Тошсельмаш" заводида 2624 ишчи тайёрланиб, улардан 52,6% и хотин-қизлар эди²²⁶.

Аёлларни иқтисодий соҳаларига оммавий кириб келиши уларнинг ишлаб чиқаришда миқдорий салмогини ўсиши томон ўзгарди. Аёллар учун ноанъанавий бўлган касбларда банд бўлган хо-

²²⁵ Ўзбекистон в годы ВОВ. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1981. – С. 161.

²²⁶ Перезенцева Т. Подготовка кадров для промышленности в годы войны // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 216.

тин-қизлар миқдори бутун СССР бўйлаб ўсиб борганигини куйидаги жадалда²²⁷ кўришимиз мумкин:

Аёлнинг ишловдаги шунчи касбларда ишлар улуши, (%) ҳисобида	1941 йил бошида	1942 йил охирида
Каштрислар машинистлари	27,0	44,0
Электрлайвандчилари	17,0	31,0
Темирчилар	11,0	50,0
Автомобил ҳайдагчилари	3,5	19,0

Аёлларнинг ишлаб чиқаришдаги роли фақатгина шу билан белгиланмайди. Малакали ишчилар орасида ҳам хотин – қизларнинг роли ортиб борди. Масалан, 1942 йил охирига келиб СССР даги жами шофёрларнинг 19,0%, электрлайвандчиларнинг 31,0% ёки темирчиларнинг 50,0%ни аёллар ташкил этарди. Ҳолбуки, урушга-ча бу касблар аёллар учун “ноанъанавий” ҳисобланарди.

Ҳатто, 13 – 14 ёшли қизлар ҳам заводларда 12 соатлаб оғир ишларда ишлашга мажбур эдилар. 1928 йилда туғилган ва уруш йилларида Топкенгга эвакуация қилинган “Красний Аксай” заводда ишлаган Хрущ Клавдия Иосифовна шундай эслайди: “Заводга борганимда кадрлар бўлими ойнасига бўйим етмай, оёғим тагига тош кўйиб гаплашганман. Ишга олишларини илтимос қилсам, замбил кўтаришга ишга олишган. Миня, бомба тайёрлашда шипка деган модда бўлади. Уларнинг яроқсиз бўлганларини оёқ билан эзиб, кейин ташир эдик. Жуда оғир бўларди. Кўрганлар шунақа оғ-

²²⁷ Мурманцева В. Советские женщины в Великой Отечественной войне. – Москва: Мьюль, 1974. – Б. 15.

ир нарсаларни кўтарсанг, туғолмай қоласан дейишарди. Худого шукур, уч ўғил кўрдим”²²⁸.

Ўзбекистон хотин-қизлари ҳам фронт орқасидаги ишлаб чиқаришда, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳада кадрларнинг асосини ташкил этганлар. Агар 1940 йилда саноатда банд бўлган ишчиларнинг 34%ни хотин-қизлар ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1942 йилга келиб ўсиб, 63,5%гача етди²²⁹.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги аёлларнинг меҳнати жуда салмоqli бўлди. Масалан, 1942 йилда Наманган вилоятида қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг 50% ни, Тошкент, Андижон ва Самарқанд вилоятларида эса 60% ни хотин-қизлар ташкил этарди²³⁰. Хотин-қизларнинг соғлиғи ва репродуктив саломатлигига зарарлиги инобатга олинмасдан, улар суғориш иншоотларини қуриш ва каналлар тозалаш ишларига ҳам кенг жалб қилиндилар. Аёллар замбил кўтариш, тупроқ ортиш, бетон ётқизиш ишларида ҳам эркаклар билан тенгма-тенг ишлашга ҳаракат қилдилар.

Масалан, Душанбе-Қоратоғ каналининг энг оғир доvon участкасида ишлаган сурхандарёлик Муродова, Тоғаева, Отабоева, Ҳасанова ва Сатторовалар қазииш бўйича кунлик нормани 400-500 фойзага бажардилар²³¹. 1943 йил мартада қурилиши бошланган Салор ГЭС қазувчиларининг 60 фойзи хотин-қизлар бўлиб, улар ҳаммаси

²²⁸ Бабаджанов Х. Три судьбы в одной войне (Роль устной истории при изучении Второй мировой войны) // Устная история в Узбекистане: Теория и практика (Сборник статей), I выпуск, 2011. – Б. 174. (Шахсий суҳбат).

²²⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустанлақчилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 442.

²³⁰ Тошқўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ-хотин қизлари уруш йилларида. ... – Б. 8.

²³¹ Қосимов Й. Улуг Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан. ... – Б. 90.

бўлиб 611 минг куб метр тупроғини қўл билан кавлаб, 4 млн куб метр бетон ётқиздилар²³².

Асосан аёллар, болалар ва қариялардан иборат қишлоқ аҳолиси ўзининг жисмоний ва маънавий имкониятлари чегарасида меҳнат қилдилар. Уруш йилларида деярли барча собиқ иттифоқ таркибидаги республикаларда қишлоқ хўжалиги ишларида аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ банд бўлдилар. Қуйидаги жадвал (7)²³³ буни кўрсатиб беради:

7 – жадвал

	1943 йил 1 январь		1944 йил 1 январь	
	эркеклар	аёллар	эркеклар	аёллар
Ўзбекистон	357,1	726,3	360,6	671,3
ЎзФСР	2 364,4	8 318,3	2 331,1	10 382,9
Азербайжон	153,9	308,5	145,6	294,4
Грузия	229,7	354,9	223,4	349,6
Арманистон	89,4	170,9	87,6	166,5
Туркманистон	83,8	116,5	55,2	110,9
Тожикистон	154,3	191,5	133,1	180,3
Қирғизистон	97,3	180,5	66,3	164,2
Қўнғизистон	244,6	663,3	216,3	623,6

Уруш йилларининг ўзига хос қарама-қарши томонларидан бири сифатида аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятининг ўсиши бўлди. Ўзбекистоннинг барча вилоят ва туманларида колхоз ишлаб чиқаришига аёллардан раҳбар ходимлар тайёрлаш мақсадида колхоз раиси, раис ўринбосари, бригадир, хисобчи ва бошқа мутахасислар тайёрловчи қисқа муддатли курслар очилди.

²³² Содиқов О., Қодиров Е., Хвобибуллина Е. Ўзбекистон комсомолининг Улуг Ватан уруши йилларида саноатни юксалтиришга қўшган ҳиссаси. – Тошкент: Вилим, 1975. – Б. 11.

²³³ Мурманцева В. Советские женщины в Великой Отечественной войне. ... – С. 32.

Масалан, 1942 йилда Андижон вилоятида 2000 дан ортиқ ташкилотчи хотин-қизлар колхоз раиси, бригадир қилиб сайланди. Биргина Жалолқудук туманида 43 колхозчи аёллар колхоз раиси, раис ўринбосари вазифасига тайинланди. Шу йилнинг ўзида Қашқадарё вилояти колхозларида 1400 колхозчи хотин-қизлар пахтачилик, галлачилик бўйича зано бошлиқлари лавозимларига кўтаришди. Биргина Чироқчи туманида 45 аёл колхоз аёл раиси ўринбосари ва 72 аёл ҳосилот кенгашининг раиси қилиб сайланди²³⁴.

Умумий ҳисобда, 1941 – 1943 йилларда Ўзбекистон компартияси МК номенклатурасига рўйхатига кирувчи раҳбарлар орасида аёллар улуши 7,9% дан 13,4% га ўсди²³⁵. Жамиятда аёлларнинг иктымий мавқеининг ўсишини фақатгина ижобий жараён сифатида қарашимиз нотўғри бўларди. Қашшоқлик, оғир меҳнат ва оиладаги қийинчиликлар уруш даврида меҳнат қилган аёлларнинг диний ҳамроҳи бўлди.

Бу масалаги уруш йилларида миллионлаб ўз тенгдошлари билан тенгма-тенг меҳнат қилган ҳамда хотираларини ёзиб борган Свердловск (ҳозирги Екатеринбург (Россия Федерацияси))лик талаба Т.В. Минина (Токмачева)нинг кундалигидаги маълумотлар асосида кўриб ўтсак. Кундаликда 1942 – 1944 йилларда Т.В. Минина (Токмачева)нинг колхозга сафарбар этилганлиги, ҳамда бу ердаги меҳнат ва турмуш қийинчиликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Кундаликка битилган 1942 йил ёзувларида қизнинг эрталабдан то кечгача мураккаб меҳнати ва турмуш қийинчиликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Кундаликнинг 1944 йил февралдаги таърифида юқоридаги

²³⁴ Тошқужасва Н. Ўзбекистон қишлоқ-хотин қизлари уруш йилларида. ... – Б. 51.

²³⁵ Мурманцева В. Советские женщины в Великой Отечественной войне. ... – С. 91.

этиб ўтилган жисмоний ва руҳий толиқиш белгилари ҳақида гап кетади: "... 1944 йил февраль. ... Мен жуда толиқдим. Зинапоядан кўтарилишга ҳам куч йўқ, куни билан зўрға ўтин арраладим. Очлик ва чарчаш ҳисси умуман тарк этмишти. Бозордан 100 рублга 600 грамм нон сотиб олдим. Нонни кўриб дунчалик таъсирланиб йиғладимки, ҳатто уни ея олмадим. Тўхтамай йиғляпман. Тепамга келиб қизлар ҳам йиғляпти. Улар ҳам мендек оч ..." ²³⁶

Шарқ менталитети хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, масаланинг яна бир томонини кўриб чиқишга тўғри келади. Бу хусусият касбий курсларни тугатган аёллар ва шу касбда ишлашни давом эттирувчилар сони ўртасида кескин мутаносибликни пайдо бўлишида асосий омил бўлди.

1941 – 1945 йилларда ҳали ўзбек аёллари менталитети ва оиладаги муҳит турли техник касбларда ишлашга тўсиқ кўярди. Қисқача айтганда, тракторчи, пайвандчи ёки ҳайдовчи курсларини битирган аёллар ҳар доим ҳам ишлаб чиқаришда амалий фаолият юритмас эдилар. 1940 – 1942 йиллар оралиғида тракторчилик мактабларида Ўзбекистон бўйича 14 минг аёллар тайёрлаган бўлса-да, 1943 йил биринчи ярмида уларнинг атиги 3 минга яқини тракторчи бўлиб ишлади ²³⁷.

Иккинчи жаҳон уруши тажрибаси шуни кўрсатадики, аёллар билан юқори меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун биринчидан, уларнинг психологиясини инобатга олиш ва иккинчидан, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш керак эди. Уруш йилларида аёл-

²³⁶ Ради жизни на земле. Великая Отечественная война 1941-1945 гг. в документах и свидетельствах. Сост. Мазур В. и др. – Екатеринбург: Уральский рабочий, 1995. – С. 134.
²³⁷ УЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3774- йилмажл.д. 2170б-варақ.

ларнинг ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги ишларига кенг жалб қилиниши уларнинг жисмоний, руҳий ҳолатига салбий таъсир этди. Кўпгина ҳолларда аёлларнинг бундай даражада ва мураккаб шароитларда узоқ муддат меҳнат қилиши руҳий зўриқиш ва толиқиш ҳолатларини келтириб чиқарди.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этувчи деярли барча мамлакатларда ҳам аёллар иқтисодий-ижтимоий аҳамияти ошиб борганлиги кузатилди. Уруш йилларида собиқ иттифоқдаги аёллар ижтимоий-иқтисодий ролини бошқа давлатлар билан солиштирганда, шу даврда дунёнинг энг йирик иқтисодиёти ҳисобланган АҚШни мисол сифатида кўриб чиқиш керак бўлади. 1940 – 1944 йилларда АҚШда ишлаб чиқаришга жалб этилган аёллар тахминан 12 млн.дан 18,6 млн.гача, яъни 1/3 га кўпайди²³⁸. АҚШ саноат тармоқларидан авиасозликда аёллар меҳнати улуши ўсиши кескин бўлди. Урушгача йилларда АҚШ авиация саноатида ишчи аёллар улуши 1%ни ташкил этса, бу кўрсаткич 1944 йилда 1/3 га етди²³⁹.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Буюк Британияда ҳам аёллар меҳнатидан кенг фойдаланилди. Буюк Британия АҚШ ва Совет иттифоқига нисбатан аҳолиси камроқ ҳамда ҳарбий ҳаракатлар туфайли Британия империяси таркибига кирувчи мустамлакалардаги меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш имкониятига эга эмас эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошларида Буюк Британия саноатида 4 млн. аёллар меҳнат қиларди. Буюк Британияда аёллар иқтисодиёт-

²³⁸ Люмер Х. Военная экономика и кризис. Пер. с англ. – Москва: «Издательство иностранной литературы», 1955. – С. 76.

²³⁹ Мурманцева В. Советские женщины в Великой Отечественной войне. – Москва: Мысль, 1974. – С. 18.

ининг турли соҳаларида, айниқса, авиасозлик ва қишлоқ хўжалиги-
да кенг фойдаланилди. Бошиқа маълумотларга қараганда, 1939 –
1943 йиллар оралиғида Буюк Британия ишлаб чиқаришга жалб
қилинган аёллар сони 5.094.000 дан 7,253,000 га кўпайди. Яъни,
1943 йилда меҳнатга яроқли 90% инглиз аёллари иш билан
таъминланган эди²⁴⁰.

Капиталистик давлатларда, шу жумладан, Буюк Британияда
собиқ иттифоқида бўлгани каби аёллар жисмоний имкониятларига
мос келмайдиган, носоғлом ва мураккаб меҳнат шaroитларида иш-
лашга мажбур бўлдилар. Буюк Британияда ишчи аёллар ўртача
ҳафтасига 60 соат мураккаб шaroитларда меҳнат қилишарди. Уруш
йилларида Буюк Британияда ишчи аёлларни меҳнат ресурслари
етишмайдиган ҳудудларга кўчириш амалиёти ҳам мавжуд эди²⁴¹.
Фашистик Германияда эса аёлларга бўлган муносабат иккиламчи
эди. Бир томонлама немис аёллари оқлавий тинчлик асоси ва ас-
карлар онаси (шунингдек, бўлажак аскарлар) сифатида ҳурмат қи-
линарди. Иккинчи томондан, ирқий жиҳатдан камситилган миллат
вакиллари (яхудий ва б.) ва оккупация ҳудуларидан ҳайдаб келин-
ган аёллар ўта камситилар, уларга ғайриинсоний муносабатда бўли-
нар эди. Аёлларга бундай муносабатнинг мисоли сифатида 1943
йил октябрда СС раҳбари Генрих Гиммлернинг тутқунликдаги аёл-
лар тақдири ҳақида сўзларидан билиб олишимиз мумкин эди:
“Таңқларга қарши ўралар қазिशга жалб этилган 10000 рус аёллари

²⁴⁰ Stewart R. At work. - (At home in World War Two). – London: Evans Brothers Limited, 2004. – P. 17.

²⁴¹ Stewart R. At work. - (At home in World War Two). – London: Evans Brothers Limited, 2004. – P. 17.

тириклиги, мени бу ўралар қазилиши нуқтаи назаридангина қизиқтиради”²⁴².

1942 йилдан бошлаб Германия учун фронтдаги ҳарбий вазият кийинлашди. Фронтда ҳалок бўлганлар ўрнини тўлдириш учун Германия иқтисодиётидан миллионлаб ишчилар урушга сафарбар этилди. Шу туфайли ўртада ҳосил бўлган кадрлар “вакуум”и аёллар ҳисобига ҳам тўлдирилди. Юқорида таъкидланганидек, Германияда ишлаётган немис аёллари анча кенг ижтимоий таъминотта эга эди. Иш берувчиларга немис аёлларидан кўра, ҳуқуқсиз чет эл асирларини ишга олиш авзалроқ эди. Бу авзаллик асир аёллар ҳуқуқсизлиги, уларни турли мураккаб ишларга жалб этилиши билан изохланар эди.

Германияда асира аёллар меҳнатидан иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларда фойдаланиларди. Шунингдек, кўплаб асиралар немис хўжаликлари ва хонадонларига хизматкорлар сифатида жалб этилди. Айниқса, ўрта ҳол oilаларда бундай меҳнат кучига талаб катта эди. 1942 йил 10 сентябрьда Германия меҳнат вазири Заукелнинг қарорига биноан Шарқдаги оккупация ҳудудларидан аёлларни мажбуран ҳайдаб кетишга ружсат берилди²⁴³.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида аёллар қайси давлатда ва тузумда меҳнат қилмасин, уларнинг тақдири ва турмуш тарзи қайсидир маънода бир-бирига ўхшаш. Уруш йиллари аёллар фронтга кетган оталари, эрлари ва фарзандлари ўрнига кунига 10-12 соатлаб

²⁴² Эванс Р. Третий рейх. Дни войны. 1939-1945. Пер. с англ. – Москва: Астрель, 2011. – С. 373.

²⁴³ Эванс Р. Третий рейх. Дни войны. 1939-1945. Пер. с англ. – Москва: Астрель, 2011. – С. 395.

оғир меҳнат қилиб, шундан сўнг кўшимча ишлар (одатда, хамшира ёки ошпаз сифатида)га жалб қилинганлиги одатий ҳолатга айланди.

Халқ хўжалигини кадрлар билан таъминлашнинг яна бир муҳим манбаси ёшлар эди. Уруш йилларида кўплаб ёшлар саноат корхоналари, транспорт ва бошқа соҳаларга келиб ўз оталари ва акаларининг ўрнини босдилар. Маълумотларга кўра, уруш йилларида республикадаги фабрика-завод, совхоз ишчиларни ва колхозчиларнинг қарийб 70 фоизини ёшлар ташкил этарди²⁴⁴.

Уруш бошланишидан кейинги 17 ой давомида Ўзбекистон ёшларидан (14-17 ёшлар назарда тутилмоқда) ҳисобидан 23300 ишчи тайёрланди²⁴⁵. Маълумотларга кўра, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонги фабрика, завод, совхоз ишчилари ва колхозчиларнинг тахминан 70 фоизини ёшлар ташкил этарди²⁴⁶.

Ўзбекистонда юқори синф ўқувчилари (7 – 10-синф), техникум ва институтлар талаба ёшлари ёзги таътиллар даврида ва бошқа бўш вақтларида саноат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинди. Жумладан, Ўзбекистон ХКС нинг 1941 йил 18 июлдаги қарори билан 7 – 10 - синфлар ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилишга руҳсат берилди²⁴⁷. Шундай ҳолатни саноатда ҳам кузатиш мумкин эди. Масалан, Тошкент шаҳри ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари 1943 йилда 2 ой муддатга № 702

²⁴⁴ Содиков О., Қодиров Р., Хабибуллина Е. Ўзбекистон комсомолининг Улуг Ватан уруши йилларида саноатни юксалтиришга қўшган ҳисоваси. – Тошкент: “Билим” жамияти, 1975. – Б. 4.

²⁴⁵ Голованов А.А., Саядов Н.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. Самарканд «СимДУ», 2006. – С. 13.

²⁴⁶ Содиков О., Қодиров Р., Хабибуллина Е. Ўзбекистон комсомолининг Улуг Ватан уруши йилларида саноатни юксалтиришга қўшган ҳисоваси. Т.: “Билим” жамияти, 1975. – Б. 4.

²⁴⁷ ЎЗР МДА, р 837-фонд, 32-руйхат, 2578-йигма жилд. 45-вараг.

ва № 708 заводларига ишга жалб қилиндилар²⁴⁸. Ўзбекистонда завод ва далаларга жалб қилинган ёшлар иш вақти 6 – 8 соат қилиб белгиланди.

Ўзбекистон ўқувчилари турли маҳсулотлар: темир-терсак, рангли металлар, доривор ўсимликлар, кийим-кечаклар тўплаш ва қишлоқ хўжалигида турли хил ёрдамчи ишларга жалб қилиндилар. Масалан, 1941 йилда Ўзбекистоннинг Бухоро вилояти Яккабоғ тумани Қўжабулоқ совхозидаги мактаб ўқувчилари 450 кг. металл тўплаб давлатга топширдилар²⁴⁹.

Ёшларни ва айниқса мактаб ўқувчиларини меҳнатга жалб қилишнинг ўзига хос салбий томонлари ҳам бор эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ўқувчиларининг кенг миқёсда турли хўжалик ишларга жалб этилиши ўқиш сифати ва самарадорлигига салбий таъсир этди. 1942 – 1943 ўқув йилининг биринчи ярмида Ўзбекистон таълим тизимида самарадорлиги пасая бошлади. Ўқувчиларнинг мактабга қатнаш давомати ва баъзи фанларнинг ўзлаштирилиши ёмонлашувига олиб келди.

Масалан, Тошкент шаҳрининг бир туманида жойлашган мактабларда ўқувчиларнинг фанлардан умумий ўзлаштириши кўрсаткичи 78% ташкил этди. Ушбу туман мактабларида 1942 – 1943 ўқув йилининг II чорагида 14796 бола ўқиган бўлиб, улардан 2835 бола турли фанлардан “ёмон” ва “жуда ёмон” баҳо олган²⁵⁰.

Ёшлар орасида яқшанбаликлардан тушган маблағларни мудофаа фондига ўтказиш кенг тарқалди. 1941 йил 7 сентябрда бўлиб

²⁴⁸ ЎзР МДА, р 837-фонд, 32-руйхат, 3740-йигма жилд, 123-варақ.

²⁴⁹ Қизил Ўзбекистон. 1941 йил, 7 декабрь.

²⁵⁰ Қизил Ўзбекистон. 1942 йил, 25 январь.

Ўтган якшанбаликда 850000 ёшлар иштирок этиб, тушган маблағлардан муҳофаа фондига 3 млн рублдан кўпроқ маблағ ажратилди²⁵¹.

Ёшларни малакали мутахассис қилиб тайёрлаш вазифасини асосан фабрика- завод таълими (ФЗО), хунармандчилик ва темирўл мактаблари ҳал этди. Ўзбекистон ҳудудида 1943 йил бошида 1940 йилга нисбатан ФЗО мактаблари сони 3 марта, уларда ўқувчилар сони 6,5 мартаба кўпайди²⁵². Фақатгина 1942 йил охирига келиб республикада 31 та ФЗО мактаблари очилди. Шу даврга келиб Ўзбекистонда жами 14 та хунармандчилик ва 45 та ФЗО мактаблари фаолият юритди²⁵³.

ФЗО мактабларини фаолияти ташкил этишда турли камчилик ҳолатлари бўлиб турган. ФЗО мактабларига 15-18 ёшлардаги ўқувчилар олиниб, ўқиш муддати 3-6 ойни ташкил этган. Таълим жараёнининг назарий асосларига бундай мактабларда деярли эътибор берилмади. Жумладан, Тошкентдаги 702, 84, 708, 735-сонли заводлар текстил комбинатига бириктирилган ўсмирларга касбий таълим учун ҳеч қандай шароитлар яратилмаганди. Кўпгина хунармандчилик ва ФЗО мактаблари ўқувчилари озиқ-овқат ва турар жой билан таъмин этилмади²⁵⁴. Ушбу таълим муассасаларини бино, ўқув қуроллари, ўқувчиларни эса кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа таъминлаш жараёни анча мураккаб кечди.

²⁵¹ Ўзбекистан в годы ВОВ. Том I. Т.: "Фан", 1981 – С. 105.

²⁵² Ўзбекистан в годы ВОВ. Том II. Т.: "Фан", 1983. – С. 61.

²⁵³ Голованов А. Сядов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. Самарканд «СамДУ», 2006. – С. 13.

²⁵⁴ УзР МДА. Р-837-фонд, 32-руйхат, 3740-йилга жилд, 39-варағ.

Уруш йилларида ёшлардан қишлоқ хўжалиги ишларида ҳам кенг жалб қилинди. 1942 йил 13 апрелдаги СССР ХКК ва ВКП(б) МҚ қарорига кўра, биринчи марта 12-16 ёшдаги ўсмирлар учун 50 иш кунидан кам бўлмаган мажбурий меҳнат жорий қилинди²⁵⁵. Амалда қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган уй бекалари, ўқувчилар, қариялар ҳам деярли бир ҳил ҳажмда меҳнат қилишга мажбур бўлдилар.

Ўзбекистонда юқори синф ўқувчилари (7-10 синф), техникум ва институтлар талаба ёшлари ёзги таътиллار даврида ва бошқа бўш вақтларида саноат ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинди. Жумладан, Ўзбекистон ХКС нинг 1941 йил 18 июлдаги қарори билан 7-10 синфлар ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилишга рухсат берилди²⁵⁶. Қарор тезликда ҳаётга тадбиқ этила бошланди. Масалан, Ўзбекистон ССР ХКК нинг 1941 йил 21 июлдаги қарори билан Фарғона ва Наманган вилоятларида 7 – 10 синфлар ўқувчиларидан меҳнат бригадалари тузишга киришилди²⁵⁷. Қишлоқ хўжалик ишларига шаҳар ўқувчилари ҳам кенг жалб қилинган. Тошкент мактаблари ўқувчилари колхозларнинг 3 минг тоннадан ортиқ пахтасини териб бердилар²⁵⁸.

Ўқувчилар қишлоқ хўжалиги ишларига кенг жалб қилинганидан, ҳатто мактаблар ўртасида социалистик мусобақалар эълон қилинди. Мусобақа ғолиби бўлган мактаб республикада қишлоқ хў-

²⁵⁵ Хрестоматия по истории России. – Москва: Проспект, 2004. – С. 482.

²⁵⁶ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 2578-Йигма жилд, 45-варақ.

²⁵⁷ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 2678-Йигма жилд, 161-варақ.

²⁵⁸ Қизил Ўзбекистон. 1941, 7 декабрь.

жалиги ишларида энг илғор бўлиши талаб қилинган. Ғолиб мактаб 30 минг рубль билан мукофотланган²⁵⁹.

Юқоридан маълум бўлишича, уруш аёллар ва ёшлар саноат ва қишлоқ хўжалигида асосий кадрлар манбаси бўлиб хизмат қилди. Қуйидаги жадвал (б)²⁶⁰ да уруш йилларида уларнинг меҳнат ҳиссасининг ошишини кузатиш мумкин:

б – жадвал

1 январь ҳолатига кўра фронт орти ҳудудлари меҳнат ресурслари миқдори (минг киши ҳисобида)

Йиллар	Меҳнатга тўлиқ яроқлилар			12-16 ёшлилар	қариялар	жами	1941 йилга нисбатан, (% га)
	эркак	аёл	умуман				
1941	8657,3	9531,9	18189,2	3818,0	2360,0	24367,2	100,0
1942	5890,8	9532,4	15423,2	3779,4	2369,0	21571,6	88,5
1943	3605,0	9590,7	13195,7	4035,0	2378,8	19609,5	80,5
1944	2340,8	9094,0	11434,8	3820,9	2387,9	17643,6	72,4
1945	2769,7	8661,2	11430,9	3524,5	2390,9	17345,9	71,2

Жадвалдан маълум бўлишича, 1941 – 1945 йилларда фронт орти ҳудудларида меҳнатга яроқли аҳоли 28% га қисқарди Шулардан қариялар ва ўсмирларнинг улуши деярли ўзгармаган ҳолда эркаклар улуши 68,1 фоизга камайди.

Уруш даврида ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилган тадбирлар (ишчи вақтининг узайтирилиши, кўшимча тўловсиз ишлар ва ҳақозо) қисқа ёки ўрта муддатли натижа бериши мумкин эди. Узоқ вақт иш вақтининг узайтирилиши акс натижа бериб, меҳнат унумдорлигини камайтирди. Иқтисодийни ҳарбий изга ўтқа-

²⁵⁹ УЎР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 3756-Йиғмажилд, 231-варак.

²⁶⁰ Арутюнян Ю. Советское крестьянство в годы Великой Отечественной войны. – Москва: Наука, 1970. – С. 75.

зишдаги қўйидаги ҳолатларни меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар сифатида кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, малакали ишчиларнинг фронтга жўнатилиши билан уларнинг ўрнини тўлдирган аёллар ва ўсмирлар бирданига малакага эга бўлишмаган. Уларнинг малакаси маълум даражага келиши учун вақт талаб этди. Бошқа томондан, аёллар ва ўсмирлар малакасини ошириш учун турли курслар ташкил этилиб, бу ҳам ортиқча маблағ масаласи билан боғлиқ эди.

Иккинчидан, уруш шароитида юзага келган иқтисодий ва таъминот муаммолари натижасида саноат корхоналари янги дастгоҳ ва техникалар билан деярли таъминланмай қўйди. Шунингдек, ишлаб чиқаришда паст сифатли ва ўриндош маҳсулотлардан фойдаланиш ҳам техника ҳамда ишчилар меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этди.

Учинчидан, инсон ресурсларидан маълум нормалардан ортиқ фойдаланиш натижасидан уларнинг ҳаддан ташқари жисмоний ва руҳий толиқиши кузатилди.

Масалан, уруш бошланиши билан қишлоқ хўжалиги техникасининг фронтга сафарбар қилиниши ёки бошқа мақсадларга олиниши аграр ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасининг заифлашувига олиб келди. Тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бериш амалда тўхтатилди. Қишлоқ хўжалиги техникаси эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминланиши кескин камайди. Натижада МТС, колхозлар, савхозларнинг техника ва транспорти қисқариб борди. 1941 йилда 1940 йилга нисбатан Ўзбекистонда тракторлар сони 425 тага, 1942 йилда

эса 900 тага қисқарди. Юк машиналари эса 1941 йилда 3800 тага, 1942 йилда 5268 тага қисқарди²⁶¹. Бу ҳолат меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келди.

Юқорида берилган масалалар меҳнат меҳнат унумдорлиги ва ишнинг сифатига бевосита салбий таъсир кўрсатди. Масалан, 1942 йилда Ўзбекистонда ғалла экинларига ажратилган ер майдонлари 2208,5 минг гектарни ташкил этди²⁶². Юқоридаги сабабларга кўра, уларни йиғиб олишда асосан қўл меҳнатидан фойдаланилди. Колхозчининг ўроқ билан ғалла йиғиш кунлик нормаси 0,25-0,30 гектарни ташкил этган²⁶³. Ушбу икки маълумотни таҳлил қилганимизда 1942 йилдаги ғалла ҳосилини ўриб олиш учун 8 834 000-7 361 666,6 иш кунлиги нормани бажариш талаб этиларди.

Қишлоқ хўжалиги техникаси ва иш ҳайвонларидан фойдаланишнинг камайиши ишнинг сифатининг ёмонлашувини олиб келди. Масалан, 1943 йилда Наманган вилояти ўтказилган текширув натижасида пахта учун қўл билан қилинган чопиқ талабга жавоб бермаслиги аниқланди²⁶⁴. Бундай ҳолатларнинг кенг тарқалиши қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни камайишига сабаб бўлди.

Ҳатто деҳқонларнинг меҳнат фаоллиги ва назоратнинг кучайтирилиши ҳам техника танқислиги ўрнини тўлиқ босолмади. Техниканинг эскирганлиги, ёқилги-мойлаш ва ~~эхтиёт~~ қисмларининг муттасил етишмаслиги трактор ва комбайнлар ишига салбий таъсир этди. Масалан, Ўзбекистонда 15-от кучилик трактор 1941 йилда 430

²⁶¹ Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 55.

²⁶² ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 3318-йигма жилд, 16-варақ.

²⁶³ ЎзР МДА, 3747-йигма жилд, 152-варақ.

²⁶⁴ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3753-йигма жилд, 22-варақ.

гектар ерга ишлов берган бўлса, бу кўрсаткич 1942 йилда 236 гектарни тапқил этди²⁶⁵. Қўрилган барча чора-гадбирларга қарамасдан ишчи кучи ва техника билан боғлиқ барча камчиликларни ҳал этиб бўлмади.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, халқ хўжалигининг умумий трансформацияси, аҳолини фронтга жалб қилиниши ва бошқа сабабларга кўра республика иқтисодиётида кескин кадрларга талаб кучайди. Республика иқтисодиётини кадрлар билан таъминлашда аёллар ва ёшлар жалб этилди.

Иккинчидан, халқ хўжалигида фаолият олиб боровчи кадрлар меҳнат қилиш ҳажми оширилди. Шунингдек, ишчиларнинг моддий таъминоти кескин ёмонлашди.

²⁶⁵ Узбекистан в годы ВОВ. Т. I. ... — С. 161.

3 – БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ НИНГ УРУШ ДАВРИДАГИ ҲОЛАТИ

3.1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида уруш туфайли юзага келган муаммолар

Фашистик Германия СССР ҳудудига бостириб киришидан аввал ўз қўшинларини озиқ-овқат билан таъминлаш ва оккупацион ҳудудларда аграр сиёсатга доир аниқ режаларни ишлаб чиқди. Режаларда қишлоқ хўжалигининг фашистик Германия манфаатларига буткул бўйсундирилиши ва таланиши вазифаси қўйилди. Хужжатларда ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларда “биринчи галдаги вазифа Германия қўшинларини имкон қадар тўлиқ озиқ-овқат билан таъминлаш” кераклиги таъкидланди²⁶⁶. Фашистик Германиянинг режалари амалга оширилиши Европада озиқ-овқат захираларини камаймаслиги ва армиянинг таъминотига ажратилган маблағларни камайтирарди. Бошқа томондан ҳаракатдаги армияга Европадан озиқ-овқат келтириш масаласини енгиллаштирарди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий ва иқтисодий оғир вазият қишлоқ хўжалигини ҳам маълум даражада трансформация этишни талаб этди. Аммо қишлоқ хўжалигини саноат каби трансформация этиш жараёни бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқлар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатлари, яъни табиий шароит туфайли экин турларини бирданига уруш талабларига мос равишда ўзгартириб бўлмаслик билан изоҳланади.

²⁶⁶ Преступные цели фашистской Германии в войне против Советского Союза. – Москва: Восницадат, 1987. – С. 37.

Маълумки, урушнинг бошланиши билан собиқ иттифок ғарбидаги ҳудудлар босиб олинди. Ушбу ҳудудлар маълум қишлоқ хўжалик экинларини етказиб беришга ихтисослашган асосий ҳудудлар эди. Оккупация қилинган ҳудудларда собиқ иттифокдаги жами экин майдонларининг 47%и, шу жумладан, буғдой экиладиган майдонларнинг 38%и қолиб кетди²⁶⁷. Ушбу қишлоқ хўжалигидаги йўқотишларнинг оғирлигини маълум даражада Ўзбекистон қаби фронт орти ҳудудлари қоплаши керак эди. Шунинг билан бирга Ўзбекистон ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаши ва фронтни зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (аросан, пахта ва ипак) таъминлаши зарур эди.

1941 йил 17 ноябрда қабул қилинган ВКП(б) МК ва СССР ХКСнинг қўшма қарорида собиқ иттифок миқёсида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига олдиға қўйиладиган асосий вазифалар белгиланиб берилди. Қарорда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан фронтни таъминлашда дон, техника экинлари ва сабзавотлар ҳосилини кўпайтиришда Урал, Сибир, Ўрта Осиё ва Қозғистоннинг алоҳида аҳамияти белгиланиб берилди²⁶⁸.

Қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш жуда мураккаб эди. Бир томондан, қишлоқ хўжалигига тегишли техника ва ишчи кучи бошқа халқ хўжалик тармоқларига ва фронтга жалб қилиниши оқибатида вазият мураккаблаштирди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маълум даражада “иккинчи даражали” тармоқ деб қара-

²⁶⁷ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. – Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. – С. 22-23.

²⁶⁸ История Великой Отечественной войны Советского Союза 1941-1945 гг. – Москва: Воениздат, 1961. – С. 168.

лиши натижасида соҳага ажратилинадиган умумий маблағ миқдори камайди.

Собиқ иттифоқ бюджетидан қишлоқ хўжалигига урулдан аввалги 1940 йилда 2,3 млрд. рубль, 1942 йилда 0,2 млрд. рубль, 1943 йилда 0,6 млрд. рубль ва 1944 йилда 0,7 млрд. рубль капитал маблағлари ажратилди²⁶⁹. Моддий ва техник таъминотнинг ёмонлашуви қишлоқ хўжалигининг ўсиши ва умумий ҳолатига салбий таъсир ўтказди.

Юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистонда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигининг кескин камайишига олиб келди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кескин вазият юзага келди. Бундай шароитда Ўзбекистонда асосий техник ва сабзаот-полиз экинлари ялпи ҳосили тушиб кетиши муаммосини икки йўл билан ҳал этса бўларди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳосили кўтариш учун экстенсив йўлдан бориб, экин майдоналарини кенгайтириш ёки интенсив усулни қўллаб ҳосилдорликни ошириш керак эди. Мавжуд вазиятда экстенсив усулдан фойдаланиш учун имкониятлар кенгрок эди. Чунки СССР шарқий ҳудудлари (Ўрта Осиё, Қозоғистон, Сибир) да янги ерларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар бор эди.

Иккинчи йўлга келсак, интенсив усулда мавжуд ер майдонларида ҳосилдорликни кўтариш учун иш кучи, техника, кимёвий ўғитлар, маблағ, сифатли уруғлар етишмас ва бу йўлни қўллаш узок вақтни талаб этарди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини кўтаришда экстенсив йўлдан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Монография

²⁶⁹ Народное хозяйство СССР 1922-1972 гг. Юбилейный статистический ежегодник. — Москва: Статистика, 1972. — С. 145.

мавзуси даврий чегарисидан чиқиб шуни айтиш мумкинки, иккинчи жаҳон урушидан кейинга йилларда ҳам собиқ иттифоқ қишлоқ хўжалигини кенгайтиришда экстенсив йўл ҳукмрон бўлиб келди. Буни қишлоқ хўжалигининг моддий ва техник қолоқлиги билан изохлаш мумкин.

Ўзбекистонда ирригация қувватларини ошириш ва шу асосда экин майдонларини кенгайтиришни таъминлаш муҳим вазифасига айланди. Ирригация иншоотларини қуришда техника, ишчи кучи ва қурилиш-муҳандислик материаллари кескин етишмасди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошқа даврларга нисбатан ирригация қурилиши фаоллашган бўлса-да, бу ишларга маблағ ажратилиши қамайди (1941 йилда 86127 рублдан 1942 йилда 64280 рублгача)²⁷⁰. Шунинг учун одатда бундай қурилишлар ҳашар усулида ташкил этиларди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда йирик суғориш иншоотлари Шимолий Тошкент (Тошкент вилояти), Чуст ва Юқори Учқўрғон (Наманган вилояти), Сўх-Шоҳимардон (Фарғона вилояти), Назархон-Тозаёрмиш, Нукусобод, Шўро, Шуманой (Қорақалпоғистон), Душанбек-Қоратоғ (Сурхондарё вилояти) каби каналлар; Рудаксой (Бухоро вилояти), Косонсой (Наманган вилояти) сув омборлари, умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган Фарход ГЭС қурилиши, эскидан фойдаланиб келинаётган Хазарбоғ, Овгир, Хайробод, Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Охунбобоев номли каналлар қайта

²⁷⁰ Ўзбекистан в годы ВОВ. Т. I. – Ташкент: Фан, 1971. – С. 186.

таъмирланди²⁷¹. Бундай қурилишлар қийин шароитларда, содда меҳнат шароитларида аҳоли меҳнат кучи билан амалга оширилди. Масалан, 15 минг гектар ерни суғориш имконини берган Шимолий Тошкент каналининг қурилиши айнан қишнинг совуқ пайтида, яъни 1942 йил 17 февралда бошланди²⁷². 1942 йилда Тошкент вилоятининг Мирзачўл ва Сирдарё туманларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида 20 минг гектар ерни ўзлаштириш бошланди²⁷³.

Ўзбекистон ирригация қурилишида ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Янги ерлар ўзлаштирилаётган бир пайтда, фойдаланиб келинаётган ерлар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқа бошлади. Янги ўзлаштирилган ҳудудларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши ва давлат томонидан ажратилинадиган маблағнинг камайиши натижасида ерларининг мелиоратив ҳолат ёмонлашиб кетди.

Мавжуд ирригация тизимини таъмирлаш ишларига республика бюджетидан маблағ ажратилиши йил сайин камайиб бориб, бу мақсадларга 1941 йилда 49,9 млн. рубль ва кейинги 1942 йилда эса 43,9 млн. рубль сарфланди²⁷⁴. Қўриқ ерларни охиригача ўзлаштирамаслик, мутахассис ва ишчи кучининг етишмаслиги ҳамда “ўзлаштирилган гектар”лар ортидан қувиш Ўзбекистон ер ва сув ресурсларидан самарасиз фойдаланишга сабаб бўлди. Натижада оғир меҳ-

²⁷¹ Насриддинов К. Ўзбекистонда 1941-1945 уруш йиллари даврида ирригация ва мелиорация ишлари // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаю (Илмий-вазарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 174.

²⁷² Қизил Ўзбекистон. 1942, 18 февраль.

²⁷³ ЎЗР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 3265 йиғмажилд, 316-варақ.

²⁷⁴ ЎЗР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3318-йиғма жилд, 16-варақ.

нат ва кўглаб маблағ сарфланиши оқибатида кўлга киритилган ютуқлардан тўлиқ фойдаланиш имкони бўлмади.

Ирригация қурилишидаги бундай мантиқсиз муаммонинг келиб чиқиш сабабларини Қорақалпоғистон мисолида кўриб чиқиш мумкин. Уруш йилларида ҚҚАССРда ўнлаб ирригация иншоотлари қуриш ишлари олиб борилаётган бир пайтда, иккинчи томондан, мавжуд суғориш тармоқларига эътибор сусайиб борди. Суғориш тизимида банд бўлиб турган насос, чигир ва иш ҳайвонлари ишдан олиниб, бошқа мақсадларга йўналтирилди.

Масалан, фақат 1942 йилда 4 минг чигирлар ишдан тўхтатилди²⁷⁵. Натижада ирригация ҳолати ёмонлашди ва ерларнинг бир қисми қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетди. 1938 – 1944 йилларда ҚҚАССРда ирригация иншоотларини тозалаш ва ремонт қилишда 1938 йилда – 8166,9 минг, 1939 йилда – 6661,3 минг, 1941 йилда – 6442,2 минг, 1942 йилда – 6173,2 минг, 1943 йилда – 6133 минг ва 1944 йилда – 3647,5 минг кубометр ҳажмида ер ишлари бажарилди²⁷⁶. Кўриниб турганидек, 1938 йилдан 1944 йилгача ирригация иншоотларини тозалаш ва ремонт қилиш ҳажми муттасил камайди. 1944 йилда 1938 йилга нисбатан бажарилган иш ҳажми деярли 2,3 баробар камайди.

Уруш йилларида фақат Қорақалпоғистонда эмас, балки Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида ерларнинг мелiorатив ҳолати ёмонлашди. Оқибатда 1941 – 1945 йилларда Ўзбекистонда 320 минг

²⁷⁵ Қосимов Й. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 78.

²⁷⁶ Қосимов Й. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 78.

гектар ер кишлок хўжалиги оборотидан чиқди²⁷⁷. Айниқса, 1942 – 1943 йилларда бу салбий жараён кучайди. Бу ҳолатни юзага келиш сабабларидан яна бири соҳага давлат томонидан капитал маблағларни ажратишни аниқ режалаштирилмаганлиги бўлди. Ўзбекистонда суғориш тизими нисбатан яхши ташкил этилган Фарғона вилоятида ҳам вазият оғир эди. Шунинг учун, 1944 – 1945 йилларда вилоятдаги суғорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида фақатгина биринчи босқичдаги ишлар учун 11088 сўмлик смета тасдиқланди²⁷⁸.

Урушгача йилларда республика кишлок хўжалигининг техника билан таъминлиниши қониқарсиз аҳволда эди. Уруш йилларида Ўзбекистон кишлок хўжалигининг техника билан таъминоти муаммоси кескин ёмонлашди. Шу даврда эҳтиёт қисмларининг етишмаслиги ва техник сервис сифатининг пастлиги туфайли кишлок хўжалик техникаси ҳолати қониқарсиз даражага келди. Масалан, 1943 йилда баҳорги чопиқ ишларига тайёр бўлмаган тракторлар сони Самарқанд вилоятида 29,1% ни, Бухоро вилоятида 39,8%ни ва Қашқадарё вилоятида 28,7%ни ташкил этди²⁷⁹.

1943 йил биринчи ярмида республика МТСларининг эҳтиёт қисмларга бўлган талаби тахминан 12 млн. рубль бўлишига қарамай, уларга жорий даврда 2338,0 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди²⁸⁰.

²⁷⁷ Насридданов К. Ўзбекистонда 1941-1945 уруш йиллари даврида ирригация ва мелиорация ишлари ... – Б. 178.

²⁷⁸ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 4163 Ингмажвалд, 1-варақ.

²⁷⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3774 Ингмажвалд, 217-варақ.

²⁸⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3774 Ингмажвалд, 217-варақ.

Уруш йиллари бузилиб, эскираб борган сари яроқсиз ҳолатга келаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг ўрни асосан уй ҳайвонларидан фойдаланиш эвазига қопланиб борилди. Мавжуд вазиятда бошқа муқобил вариантлар ҳам йўқ эди. 1944 йилнинг 1 январига қадар республика колхоз ва совхозларида меҳнатга яроқли уй ҳайвонларидан отларни 369100, туяларни 38019 ва эшакларни 1190720 тага етказиш режалаштирилди²⁸¹.

Республика қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш даражаси секин-аста ўрта асрлар даражасига яқинлашиб борди. Қишлоқ хўжалигида уй ҳайвонлари кенг фойдаланиш меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини пасайтирди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланаб келинган уй ҳайвонлари республика бўйича ем-хашак сарфини кўпайтириб, гўшт ва сут чорвачилиги билан озукавий емлар учун рақобат қилди.

Уруш йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи қорхоналар, уларни хом ашё билан таъминловчиларининг техник қолоқлиги ҳам иш унумдорлиги ҳамда режаларни бажарилиш вақтини узайишига сабаб бўлар эди. 1942 йили қанд лавлагиси йиғими даврида ҳосилни заводларга ташишда жами 60 та юк машинаси²⁸² ва қанд лавлагчи экилувчи 8600 арава ишга солинди²⁸³. Уруш йилларида қанд лавлагчи ҳосилига ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилганлигида ҳам юқоридаги маълумотлардан юк ташиш воситаси ҳамон арава эканлигини аён бўлади.

²⁸¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3740 йиғмажилд, 47-варақ.

²⁸² ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2289- йиғмажилд, 18-варақ.

²⁸³ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2289- йиғмажилд, 170б-варақ.

Мавжуд ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида қонунчилик соҳасига ҳам ўзгартиришларини киргитилици. 1942 йил 2 мартдаги СССР ХКС қарори билан колхозларга қўшни колхозларнинг фойдаланилмаётган ерларидан фойдаланишга рухсат берилди²⁸⁴. Бу ҳуқуқнинг жорий этилиши яроқли ерлардан максимал фойдаланишга имкон яратди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида оккупация туфайли маълум экин турларини етиштириш кескин камайиб кетди, Ҳарбий ҳаракатлар натижасида ушбу ҳудудларнинг босиб олинishi баязи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин камайтирди. Масалан, урушгача собиқ иттифоқ миқёсида етиштириладиган қанд лавлагининг 87% Украина ССР хиссасига тўғри келар эди²⁸⁵.

Фашистик Германия томонидан Украинанинг тўлиқ босиб олинishi ва РСФСР да қанд лавлагиси ҳосилини 4 баробар қисқариши шакар билан таъминот масаласини қийинлаштирди. Шакар озиқ-овқат саноати учун жуда зарур маҳсулот ҳисобланади. Шунинг учун йўқотилган қанд лавлагиси майдонларини шарқий ҳудудлар, жумладан, Ўзбекистонда тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

Республика деҳқонлари қанд лавлаги етиштиришни жадал ўзлаштиришга катта эътибор бердилар. Ўзбекистон ҳудудида қанд лавлагисининг экилиши асосан бошқа экинлар майдонларини қисқартириш эвазига амалга оширилди. 1941 йил СССР ХКС ва ВКП(б) МҚнинг қўшма қарори асосида 1942 йилда Ўзбекистонда

²⁸⁴ Джалылов И. Возникновение и развитие советского земельного права в Узбекистане. — Ташкент: Фан, 1970. — С. 197.

²⁸⁵ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. ... — С. 96.

қанд лавлагиси учун 70 минг гектар ер ажратиш учун 52400 гектар беда ва 22600 гектар пахта майдоналари қисқартирилди²⁸⁶.

1943 йилда қишлоқ меҳнаткашлари давлатга 1565 минг центнер қанд лавлаги топширдилар²⁸⁷. 1942 йил қанд лавлагиси ҳосилдорлиги 162 ц/га ва 1944 йилда эса 260 ц/га бўлди²⁸⁸. Республика бутун мамлакатда етиштириладиган қанд лавлагининг чорак қисмини ишлаб чиқара бошлади. Бу эса, фақат республикадаги қанд ишлаб чиқариш заводларинингина эмас, балки бошқа республикаларни ҳам қанд лавлагиси билан таъминлаш имконини берди.

1944 йилда қанд лавласи экиладиган ҳудудлар озод этилиши билан Ўзбекистонга ушбу экинга ажратилган ерлар камайтирилди. 1944 йилда Ўзбекистон таркибидаги тўрт вилоятда қанд лавлагисига қуйидаги ер майдонлари ажратилган эди: Тошкент 5900 га, Фарғона 14300 га, Самарқанд 18800 га ва Қашқадарё 1000 га²⁸⁹.

Ўзбекистондаги қанд заводлари маҳсулотлари маҳаллий аҳолига деярли сотилмади. Одатда, республика аҳолиси шакар эмас, қайта ишланмаган қанд лавлагиси билан таъминланди. Республикада йиғиштириб олинган қанд лавлагининг барчаси ҳам заводларда қайта ишланмасдан, қанд лавлагисининг маълум миқдори қайта ишланмаган ҳолатда аҳоли истеъмоли учун ажратилди. Масалан, 1943 йилнинг ўзида 20700 т. қанд лавлагиси республика ташкилотлари, Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро вилояти аҳолиси ўрта-

²⁸⁶ ҲЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2787 йиғмажидд, 265-варақ.

²⁸⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. ... - Б. 447.

²⁸⁸ Тилеукулов С. Социалистическое преобразование орошаемого земледелия Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1981. - С. 143.

²⁸⁹ ҲЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 4163 йиғмажидд, 122-варақ.

сида тақсимланди²⁹⁰. Шунингдек, 1943 йил ҳосили ҳисобидан Тошкент шаҳридаги жамоат ошхоналари таъмиюти учун кунига 30 вагон лавлагиси юборилганлиги маълум²⁹¹.

1943 йилдан СССР нинг ғарбий ҳудудлари озод қилиниши бошланди. Озод этилган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги вайрон этилган эди. Ўзбекистон ушбу ҳудудлардаги иқтисодий инфратузилмани, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини тиклашда ёрдам кўрсатди. Масалан, 1943 йилда Россиянинг Краснодар ўлкасида қорақўлчиликни тиклаш мақсадида Ўзбекистон 150 бош зотли қорақўл қўйлари юборилди²⁹².

1943 йил 17 сентябрдан 17 октябргача эса Ўзбекистондан Украинанинг озод этилган ҳудудларига 3636,7 центнер дон, 1075 бош йирик қорамол, 7989 бош қўй ва эчкилар, 295 центнер сабза-вотлар, 1975 центнер қуритилган мевалар, 34,5 центнер гўшт ва ёғ ҳамда 1018,5 центнер бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди²⁹³. Умумий ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистондан Украинага жами 200 минг бош чорва юборилди²⁹⁴. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, шу йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги чорвачиликка эмас, асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган эди.

Уруш даврида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига юкланган вазифалар, соҳа олдида турган муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги ва эътиборсизлик натижасида қишлоқ хўжалигини деярли вайрон қил-

²⁹⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3753 йилмажмӯи, 66-парақ.

²⁹¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3753 йилмажмӯи, 66-парақ.

²⁹² ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 3740-йилмажмӯи, 183-парақ.

²⁹³ Советский тыл в Великой Отечественной войне. Кн. I. / Институт истории СССР АН СССР. Под ред. П.Н. Поспелова. - Москва: Мысль, 1974. - С. 90.

²⁹⁴ История советского крестьянства. Т.3. Крестьянство накануне и в годы Великой Отечественной войны. 1938-1945. - Москва: Наука, 1987. - С. 329.

ди. Қишлоқ хўжалиги асосий муаммоларининг (кадрлар муаммосини, минерал ўғитлар ва техниканинг етишмаслиги) ҳеч бирини тўлиқ ҳал эта олмади. Колхозлар ва совхозлар бутун эътиборини қишлоқ хўжалик режаларини бажаришга қаратиб, маълум даражада давлат режаларини бажардилар. Аммо 1941 – 1942 йиллардаги давлат режалари аввалги заҳиралар эвазига бажарилди. 1943 йилдан бошлаб эса қишлоқ хўжалигида инқироз тўлиқ босқичга кирди. Бирин-кетин қишлоқ хўжалиги режалари бажарилмай бошлади. Айниқса, марказнинг алоҳида эътиборида турган пахта ялпи ҳосили кескин камайди.

Урушнинг дастлабки йилларида ғалла ва сабзавот экиладиган майдонларнинг кенгайиши, уларнинг ҳосилини ортиши асосан пахта майдонларининг қисқартириши туфайли юз берган эди. 1942 йил 8 июндаги СССР ХКС ва ВКП(б) МҚнинг қароридаги шартлар маълум даражада колхоз ва совхозларнинг пахта етиштиришга бўлган иқтисодий қизиқишини пасайтирди. Ушбу қарорда пахта ҳосилига бугдой сотиш нормаси 50%га камайтирилиб, давлат томонидан ҳар тонна америка нави пахтасига 125 кг ва миср нави пахтасига 200 кг бугдой сотилиши белгиланди²⁹⁵.

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва ер тақсимидаги ўзгаришлар молиявий тақсимо масаласига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. 1941 йилда республикада техник экинларга ажратилинадиган кредит 5250 минг рублга камайтирилиб, томорқа хўжаликларини ташкил этиш харажатларини (минерал ўғитлар сотиб

²⁹⁵ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3143 йиғмажилд, 73-варақ.

олиш, мелиорация, бошқа ташкилий масалалари) кредитлаш 4350 минг сўмга кўпайтирилди²⁹⁶.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг уруш талаблари асосида ташкиллаштиришда урушнинг дастлабки ойларидан хўжаликларга соҳа бўйича керакли маълумотлар берувчи турли рисоалар чоп этилиши муҳим аҳмиятга эга бўлди. Масалан, 1941 йил 2-ярмида Ўзбекистонда чоп этилиши белгиланган адабиётлар рўйхатига “Колхоз ва совхозларда мева-сабзавотларни сақлаш”, “Савдо тизимида тез бузилувчи маҳсулотлар талофотини камайтириш чоралари”, “Қишлоқ хўжалиги ва саноат чиқиндилари – Ўзбекистон халқ хом ашёси учун муҳим манба” каби мавзудаги рисоалар киритилди²⁹⁷.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик тизимининг ўзгаришига қарамасдан, пахта республика қишлоқ хўжалик экинлари орасида устун мавқеда бўлиб қолаверди. Шунга қарамасдан, пахта етиштириш ҳажми йил сайин қисқариб борди. Ўзбекистон пахтакорлари давлатга 1941 йилда 1646018 тонна, 1942 йилда 870534 тонна, 1943 йилда эса 495 минг тонна пахта топширдилар²⁹⁸. Шундай қилиб, 1941 – 1943 йилларда пахта ялпи ҳосили 3,5 баробар, ҳосилдорлик эса 2,5 баробар камайиб кетди.

Юқорида келтирилган камчиликлар туфайли Ўзбекистон 1942 ва 1943 йилларда пахта тайёрлаш давлат планини бажармади. 1942 йилга пахта плани республика бўйича 67,2% ва баъзи ҳудудлар бўйича: Тошкент вилоятида 50,3%, Андижон вилоятида 53,5%,

²⁹⁶ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2578 Ингмажалд, 113-варақ.

²⁹⁷ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2589 Ингмажалд, 310об-варақ.

²⁹⁸ Ризаев Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане 1917-1965 гг. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – С. 129.

Бухоро вилоятида 54,3% га бажарилди²⁹⁹. Республика пахтачилиги оғир аҳволга тушиб қолди. Собиқ иттифокнинг асосий пахта базаси ҳисобланган Ўзбекистонда бундай аҳволнинг кузатилиши марказнинг режаларига кирмасди.

Республикада ялпи ҳосил камайишни фақатгина ғўза экиладиган майдонлар қисқариши билан тушунтириш тўғри эмас. Чунки бу йилларда республика бўйича ғўза майдон унча кўп эмас, 927,6 минг гектардан 912,1 минг гектарга камайган эди³⁰⁰. Яъни ғўза майдонларини қисқариши тахминан 15 минг гектарни ташкил этиб, бу майдон республика миқёсида пахта ялпи ҳосилининг 1941 – 1942 йиллар оралиғидан бунчалик кескин тушиб кетишига етарли таъсир қила олмасди.

Республикада ғўза майдонлари қисқариши ҳолатини пахта ялпи ҳосили миқдорига бирламчи таъсир бўйича аҳамиятли фактор деб қараш, тўғри эмас. 1941 – 1943 йилларда Ўзбекистонда давлат пахта режаси бажарилмаганлигининг асосий сабаби сифатида ҳосилдорлик даражасининг кескин тушиб кетиши бўлди. 1941 йилда республикада пахта ҳосилдорлиги гектаридан 18,1 центнер бўлса, 1942 йилда бу кўрсаткич 11,6 центнерни ташкил этди³⁰¹.

Ўзбекистон саноати урушгача бўлган йилларда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мослашган эди. 1941 йил иккинчи ярми ва 1942 йилда қишлоқ хўжалигида ўзгаришлар (асосан, республикада пахта ялпи ҳосилининг камайиши) маълум маънода аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда иж-

²⁹⁹ Пулатов И. Улуг Ватан уруши галабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари... – Б. 25.

³⁰⁰ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318 йигмажилд, 16-варақ.

³⁰¹ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318 йигмажилд, 1506-варақ.

обий ҳодиса бўлса-да, қайти ишловчи саноат ҳажмига салбий таъсир этди.

Жумладан, 1942 йил биринчи чорак режасини республика пахта заводлари 48,2%га бажарди. Шу давр оралиғида ёғ-мой корхоналари давлат режасини 16725 тоннага бажара олмади³⁰². Иккинчи томондан, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар янги корхоналарнинг қурилишига олиб келди. Масалан, уруш йилларида Қўқон, Зирабулоқ, Красногвардейск, Янгийўлда 4 та шакар заводи қурилди³⁰³.

1944 йил 6 мартдаги ВКП(б) МҚнинг қарорида Ўзбекистон раҳбарияти охириги икки йилда пахтачилик билан жиддий шуғулланмай қўйишда айбланди³⁰⁴. Мазкур қарорга биноан республикада пахтачиликни тиклашга қаратилган кенг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уларга кўра, урушнинг дастлабки йилларида ғалла экинларига ажратилган ерларга қайтадан пахта экиш бошланди. Масалан, Ўзбекистон ССР ХКК нинг 488-сонли қарори билан Самарқанд вилоятида шоян, буғдой ва сабзаёт учун мўлжалланган 1500 гектар ерга пахта экиладиган бўлди³⁰⁵. 1944 йилги пахта давлат режаси ортиги билан бажарилди. Мазкур қарор урушдан кейинги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги структурасини эски ҳолатга қайтишини кўрсатиб берди.

Уруш йилларида қишлоқ хўжалигининг муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тармоқларидан бири чорвачилик ҳолати ҳам кескин ёмонлашди. Ўзбекистон чорвачилиги XX асрнинг 30-йиллари

³⁰² ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3270-йигмажид, 414-варақ.

³⁰³ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2289-йигмажид, 18-варақ.

³⁰⁴ Ризаев Г. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг.). - Ташкент: Узбекистан, 1967. - С. 14.

³⁰⁵ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3756-йигмажид, 98-варақ.

да жамоалаштириш ва кулоқлаштириш туфайли анча зарар кўрган эди. Уруш бошланиши туфайли аҳвол янада қийинлашди. Юзага келган мураккаб шароитларга қарамайдан, 1941 йилда Ўзбе-кистонда давлатга гўшт топшириш режаси 108,3% га бажарилди³⁰⁶.

Ўзбекистон чорвачилиги армияни гўшт билан таъминлашда барча имкониятларни ишга солди. Ем-ҳашак ва озуканинг етарли эмаслиги ҳолатида чорва моллари вазнда ортда қолиб кетдилар. 1942 йилда республика бўйича гўштга топширилган 45% чорва моллари етарли вазнга эга эмас эди³⁰⁷. Бу ҳолатдан яна икки муаммо келиб чиқарди. Яъни, етарли вазнга эга бўлмаган чорва молли гўшти сифати қониқарсиз эди. Иккинчидан, давлат гўшт режасини (тонна ҳисобида) бажариш учун 80 минг чорва моллини қўшимча топширишга тўғри келди. Вазият оғирлигидан гўштга бузоқли сигирлар ҳам топшириб юборилди³⁰⁸.

Шундай бўлсада, собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида фақатгина Ўзбекистонда 1940 йилга нисбатан 1942 йилда гўшт ишлаб чиқаришда ўсишга (81 минг тоннадан 97 минг тоннагача) эришилди³⁰⁹. Ўзбекистонда гўшт ишлаб чиқаришнинг ўсиши чорванинг оммавий сўйиб юборилиши билан изоҳланади. Натияжада уруш йилларида республикада чорва моллари сони кескин қисқариб кетди. Масалан, 1941 – 1943 йилларда Фарғона вило-

³⁰⁶ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3012-Йиғма жалд, 5-варақ.

³⁰⁷ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3753 йиғмажалд, 153-варақ.

³⁰⁸ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3753 йиғмажалд, 153-варақ.

³⁰⁹ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. ... – С. 113.

ятида қўй ва эчкилар 18,5%га, йирик қорамоллар сони эса 10,8%га қисқарди³¹⁰.

Шу билан 1941 – 1943 йилларда республикадан давлатга гўшт топшириш режасини бажариш учун йўқ имконият ва захираларни сарфлаб бўлди. 1944 йилда республика чорвачилиги тўлиқ инқироз ҳолатида эди. 1944 йилнинг 1-чорагида давлатга мажбурий гўшт топшириш режаси Тошкент вилоятида 9,5%, Сурхондарё вилоятида 12,7%, Наманган вилоятида 16,1%, Фарғона вилоятида эса 18,6%га бажарилди. Наманган, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ҳамда ҚҚАССРда Қизил Армия фондига гўшт топшириш умуман барбод бўлди³¹¹.

Республика чорвачилигидаги муаммолар туфайли ҳар йили ўн минглаб чорва моллари ҳалок бўларди. 1942 йилда Ўзбекистон қоракўлчилигида фавқулодда вазият юзага келди. Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг чорвачилик совхозларида ем-ҳақпақ етишмаслиги оқибатида кўплаб қўйлар нобуд бўлди. Масалан, Бухоро вилоятининг қоракўлчилик совхозларида қўйларнинг нобуд бўлиши ўртача 10-15 фоздан ошиб кетди. Жумладан, “Томди” ва “Жангельди” совхозларида 500 тадан, “Чорвадор” ва “Муборақ” совхозларининг ҳар бирида 2000 мингдан ортиқ чорва нобуд бўлди³¹².

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида барча муаммоларни ҳал этиб бўлмади. Муаммолардан бири кадрлар масаласи ҳам тўлиқ ҳал этилмади. Қишлоқ хўжалик ишла-

³¹⁰ Голованов А. Саидов И. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарқанд: СамГУ, 2006. – С.33.

³¹¹ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 4163 йигмажыл, 17-варақ.

³¹² ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3753-йигмажыл, 210-варақ.

рига қисман шаҳар аҳолиси ва ҳашарчиларни жалб қилиниши муаммониш энгилашувига жиддий таъсир этмади. Уруш йилларида қишлоқ аҳолиси асосини яёллар, қариялар ва болалар ташкил этди. Айнан уларнинг меҳнати туфайли янги каналлар қазилди, фронт ва фронт орти озик-овқат, саноат эса ҳам ашё билан муттасил таъминланди.

Қишлоқ хўжалик соҳасининг иқтисодий ҳолати ёмонлашуви колхозчилар моддий аҳолига таъсир кўрсатди. Қишлоқ аҳолиси давлат таъминотига олинмади. Карточкалар бўйича озик-овқат бериш фақат қишлоқ интелегенцияси (медицина ходимлари, ўқитувчилар, агроном, зоотехник ва бошқалар) ва уруш ногиронлари учун мўлжалланганди.

Колхоздан бериладиган маҳсулотлар ва томорқа колхозчининг асосий даромад манбаи бўлди. Колхозларда ҳамон иш кунига қолдик принципи асосида ҳақ тўланди. Колхозларнинг барча етиштирган маҳсулотлари мажбурий режа топшириғи, техникадан фойдаланганлик ва солиқ сифатида давлат иштиёрига ўтказилди. Шундан сўнг колхоз даромад қилсагина, қолган маҳсулотларни деҳқонлар ўртасида тақсимланди. Одатда колхоз давлатдан қарз бўлиб қоларди. Шунинг учун деҳқоннинг ягона умиди томорқадан эди.

Колхозчилар меҳнати учун нақд пул деярли тўланмади. Бундан истисно баъзи қишлоқ хўжалик ишчилари эди. СССР Совхозлар Халқ Комиссарлиги тизимида ишловчилар уруш йилларида ўртача куйидагича ойлик маош олганлар: тракторчилар – 200 рублдан 270 рублгача, комбайнчилар – 280 дан 356 рублгача, ҳайдовчи-

лар – 320 рублдан 330 рублгача³¹³. Мазкур ойлик маошлар микдор бозордаги реал нархларга умуман мос келмасди.

Уруш йиллари мобайнида республика деҳқонлари давлатга 4 млн. 148 минг т. пахта, 82 млн. пуд ғалла, 54067 т. пилла, 195 минг т. шоли, 57 минг 444 т. мева, 36 минг т. қуритилган мева, 159 минг 300 т. гўшт, 22 минг 300 т. жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб бердилар³¹⁴.

Уруш йиллари деҳқонларнинг маъсулияти ва фидокорона меҳнатига қарамасдан, уларга нисбатан тоталитар тузумнинг ишончсизлик сиёсати ҳамон давом этаётган эди. Совет давлати колхоз қурилишининг бутун тарихи давомида колхоз ва совхозлар мулкни қўриқлашга алоҳида эътибор берди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳам бундан истисно бўлмади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳар қандай камчилик ва суистеъмомчилик учун жиноий жавобгарлик жорий этилди.

Масалан, 1942 йил 24 октябрда Ўзбекистон ХКСнинг 1421-сонли қарори билан Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси баъзи моддалари тўлдирилди. Унга кўра, қанд лавлагисига ҳар қандай зарар етказиш, қанд лавлагиси бўйича давлат режасини бажаришга қарши тўсқинлик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат барча молмулк мусодара қилинган ҳолда, ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган бўлди³¹⁵.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет даври тарихшунослигида колхоз тизимининг иқтисодий устунлиги тўғрисидаги фикрлар

³¹³ Война и общество. 1941-1945. Книга 2. – Москва: Наука, 2004.. – С. 63.

³¹⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. ... – Б. 450.

³¹⁵ ЎЗР МДА. Р 837-фонд. 32-руйхат. 2289 йигмажид. 20-варақ.

кўшлаб учрайди. Бу ҳақда 1945 – 1991 йилларда қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Хатто, уларда уруш йилларида қишлоқ хўжалигида ўсиш бўлганлиги таъкидлананади. Аммо олиб борилган жиддий тадқиқотлар бундай фикрларда ҳеч қандай асос йўқлигини кўрсатди. Юқорида берилган фикрлар ва фактлар уруш йилларида қишлоқ хўжалигида ҳеч қандай ўсиш бўлмаганлиги ва умуман бўлиши мумкин эмаслигини исботлаб берди.

Уруш йилларида қишлоқ хўжалигидаги муаммолар йил сайин йиғилиб бориб, вазият ёмонлашиб борди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги урушнинг дастлабки йилларида ички захиралар эвазига фронт ва аҳолининг юқори талаблари қондириб турди. Бу ҳолат узок давом этиши мумкин эмас эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш даражаси, унинг тикланиш имконитларидан ортиб кетди. 1943 йилдан бошлаб республика қишлоқ хўжалигининг қониқарсиз ҳолатини кўрсатиб берувчи турли белгилар кўрина бошлади.

Бу белгилар сифатсиз бажарилган иш, кескин ҳосилдорликнинг пасайиши ва режаларнинг барбод бўлишида кўрима бошлади. Масалан, 1943 йилда республика бўйича кейинги йил учун картошка уруғини тайёрлаш 33,2%га, Бухоро вилоятида эса 0,1%га бажарилди. Текширувлар натижасида мавжуд уруғликлар сифатсизлиги ва далалар кейинги йил учун деярли тайёрмаслиги аниқланди³¹⁶. Бундай ҳолатлар йилдан-йилга қишлоқ хўжалигидаги аҳволнинг ёмонлашётганлигини аниқлатар эди.

³¹⁶ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3753 йилгажялд, 169-варақ.

Уруш колхоз тизимидаги ишлаб чиқариш муносабатлари но-
эффективлигини яна бир бор кўрсатиб берди. Ҳатто, 30 -- 40- йил-
ларда СССР қишлоқ хўжалиги асосий кўрсаткичлар (ялпи ҳосил,
ҳосилдорлик, иш унумдорлиги, чорва сони ва бошқалар) бўйича
Биринчи жаҳон урушигача бўлган Россия Империяси даражасигача
етмади. Колхозлар қанча маҳсулотлар бера олишидан қатъи назар,
давлат улардан ўзи учун керак нарсанинг ҳаммасини тортиб олар-
ди. Фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудларда
колхоз ва совхозларни сақлаб қолинди. Сабаби фашистлар окку-
пацион ҳудудлар қишлоқ хўжалигини талашда колхоз ва совхоздан
мақбулроқ тизимни ўйлаб тополмадилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам қишлоқ хўжалигига ик-
кинчи даражали соҳа сифатида қаралди. Республика қишлоқ хўжа-
лигидаги мураккаб вазиятни қандайдир яхшилаш мақсадида 1944
йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 13700 минг рубль узоқ муд-
датли ишлаб чиқариш кредитлари ажратилди. Ушбу суммадан 4500
минг рубль чорвачиликка, 300 минг рубль экин майдонларини қай-
та тиклашга, 1000 минг рубль минерал ўғитлар сотиб олишга, 700
минг рубль томорқа хўжаликларига ҳамда шулардан ортган сумма
ижтимоий мақсадларга йўналтирилди³¹⁷.

Лекин бу суммалар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги жуда
огир вазиятни тўғрилаш учун етарли бўлмади. Қишлоқ хўжалиги-
дан ҳаддан ташқари ресурсларнинг тортиб олинishi ва уларни қай-
та тиклашга эътиборнинг сустлиги 1944 йил охири ва 1945 йил

³¹⁷ ЎзР МДА, Р 837-фонд. 32-руйхат. 4163 йиғмажалд. 326-варақ.

бошларида республика қишлоқ хўжалигини чуқур инқироз ҳолатида тушуриб қўйди.

Қишлоқ хўжалигини уруш мақсадларидан келиб чиқиб трансформация қилиш жараёни мураккаблик билан ўтди. Армия ва аҳолини озик-овқат, саноатни хом ашё билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалигининг барча ресурслари жалб қилинди. Айниқса, Ўзбекистон каби фронторти ҳудудларига максимал вазифалар юклатилди. Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида дон экинлари улуши ошиб, қанд лавлагиси экила бошланди. Шу билан армия, республиканинг маҳаллий ва эвакуация қилинган аҳолиси озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Уруш туфайли иқтисодиёт тармоқлари ичида энг кўп вайрон бўлгани қишлоқ хўжалиги бўлди. Ҳарбий ҳаракатлар туфайли миллионлаб унумдор ерларнинг камайиши, қишлоқ хўжалик техникаси ва от-уловнинг урушга сафарбар этилиши, чорва молларининг оммавий сўйилиши ва бошқа ҳолатлар қишлоқ хўжалиги ҳолатига ўта салбий таъсир кўрсатди. Урушдан кейин саноат, транспорт ва хўжалик тармоқларини 2 – 3 йилда тиклаш мумкин, ammo қишлоқ хўжалигининг ўзига ҳослиги туфайли, бу соҳа каинда 5 – 6 йил, чорвачилик эса урушгача бўлган ҳолатига 8 – 9 йил ичида тикланган.

Шундай қилиб, юқоридагилардан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги техника ва кадрлар етишмовчилиги шароитида ҳам озод этилган ҳудудларга ёрдам берди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асо-

сий бўғини сифатида яққинчи жаҳон урушидаги ғалабага ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Иккинчидан, собиқ иттифоқ ғарбий ҳудудларининг эгалланиши туфайли Ўзбекистонга ғалла, шакар ва бошқа маҳсулотлар келтирилиши тўхтатилди. Юзага келган танқислик асосан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ички резервларидан тўлдирилди. Масалан, республикада қанд лавлагиси қайта экилиши бошланди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги фронтни озиқ-овқат, ҳарбий саноатни эса хом ашё билан таъминлашга мослаштирилди. Қишлоқ хўжалигининг техник ва моддий таъминоти ёмонлашди. Натижада қишлоқ хўжалигида инқирозли вазиятлар пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалик экинларининг майдонлари қисқариб, ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик пасайиб кетди

3.2. Ўзбекистон аҳолисининг қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминот ва тақсимот муаммолари

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки ойларида фашистик Германия қўшинлари томонидан собиқ иттифоқ ғарбий ҳудудларининг босиб олинishi қишлоқ хўжалиги аҳолига салбий таъсир этиб, озиқ-овқат таъминотини издан чиқарди. Оккупация қилинган ҳудудларда собиқ иттифоқдаги жами экин майдонларининг 47%, шу жумладан, бугдой экиладиган майдонларнинг 38%и қолиб кетди³¹⁸. Шунингдек, фашистар босиб олган ҳудудлар салмоқли моддий-техника базасига эга эди. 1940 йил маълумотларига кўра,

³¹⁸ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. – Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. – С. 22-23.

оккупация ҳудудларида 190 минг трактор (СССР даги жами тракторларнинг 28%и), 63,5 минг комбайн (жами комбайнларнинг 35%и), 16,1 минг юк автомобиллари (жами юк машиналари паркиннинг 7%и) ва 12 млн. от (жами отларнинг 57%и) мавжуд бўлган.³¹⁹

Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги асосан пахта етиштиришга ихтисослашган бўлиб, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари собиқ иттифокнинг бошқа ҳудудларидан келтириларди. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда Ўзбекистон аҳолиси истеъмолидаги асосий дон маҳсулотлари РСФСР ва Украинадан келтирилган. Уруш бошлангач, республикага бошқа ҳудудлардан дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари келтириши тўхтатилди.

Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ички имкониятларни топиш ва уларни тезликда ишга солиш зарур эди. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган режаларга кўра, 1942 йилдан Ўзбекистон ўзини тўлиқ ғалла билан таъминлаши керак эди. Бу дегани, республикада ғалла ялпи ҳосилини 5-6 миллион центнердан 12 – 15 миллион центнерга кўтариш шарт эди.³²⁰

Шунингдек, Ўзбекистон аҳолисининг эвакуация қилинганлар ҳисобига ортиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни оширди. Ўзбекистонга аҳолининг тез суръатларда кўчирилиши озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти масаласини янада мураккаблаштирди. Масалан, 1941 йил 10 ноябрдаги тўлиқ бўлмаган маълумотлар-

³¹⁹ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 155.

³²⁰ Ризаев Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане 1917-1965 гг. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – С. 127.

га кўра, Ўзбекистонга кўчиб келганлар сони 300 мингдан ошиб кетди³²¹. Эвакуация режаларига кўра, 1941 йил 15 декабрда республикага 525000 нафар киши кўчиб келиши режалаштирилган бўлса-да, амалда республикага эвакуация қилинган ва жойлаштирилганлар аҳоли сони 665419 нафарни ташкил этди³²².

Маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, 1941 йилда Ўзбекистоннинг 6,5 миллионлик аҳолиси 5 ой ичида эвакуация қилинганлар ҳисобига тахминан 10%га кўпайди. Республика аҳоли сонининг қисқа муддатда ўзгариши таъминот режаларини қайта кўриб чиқиши ва мавжуд заҳиралар миқдорини кўпайтиришни талаб этди.

Уруш йилларида Ўзбекистон ихтиёридаги ғалла заҳирадари аҳолини нон билан таъминлан учун бир неча кунгагина етган. Масалан, 1942 йил 1 май ҳолатига кўра, Ўзбекистонда (Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятини ҳисобга олмаса) 10000 тоннагина ғалла заҳираси мавжуд эди. Шу даврда Ўзбекистон аҳолисининг ғаллага бўлган саккиз кунлик эҳтиёжи 16000 тоннани ташкил этарди³²³. Ўзбекистонда фавқулодда ҳолатлар учун ғалла заҳиралари яратилмаган бўлиб, ғалла таъминотидаги ҳар қандай узилишлар нон танқислигини келтириб чиқариши мумкин эди. 1942 йил январда Ўзбекистонга бугдой ташиб келишни тезлаштириш мақсадида республиканинг тўрт вакили бошқа иттифоқдош республикаларга хизмат сафари билан юборилди³²⁴.

³²¹ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 2787-йигмажид, 213-варақ.

³²² Азизов Х. Ўзбекистонликлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида. – Тошкент: «ТДЮИ» нашриёти, 2006. – Б. 39-40.

³²³ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 3143-йигмажид, 61-варақ.

³²⁴ ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-руйхат, 3260-йигмажид, 178-варақ.

Бундан ташқари Ўзбекистонга танқис ғаллани тезроқ республикага ташиб келтиришда бошқа тадбирлардан фойдаланилди. Бу тадбирларга республика маълум маблағ сарфласада, асосийси иш тезлашувини кузатилди. Масалан, 1942 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон ССР Савдо ХКнинг 435 ва 436-сонли буйруқларида, Қозоғистоннинг ички ҳудудларида Тошкент шаҳрига мўлжалланган ғалла ташкил этиш ишларига 500 кг. ёрмалар, 100 кг Усимлик ёғи ва 2 тонна сабзавотлар ажратилиши кўрсатилди³²⁵.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини уруш шароитларига мослаштириши ва ғалла майдонларининг кенгайтирилиши шароитида ҳам урушнинг дастлабки даврларида республиканинг ўзини-ўзи ғалла билан мустақил таъминлашни уддалай олмади. Чунки саноатдан фарқли равишда қишлоқ хўжалигини маълум мақсадда қайта ташкил этиш маълум вақтни талаб этади. Айниқса, 1941 ва 1942 йиллар республика ғаллачилиги учун мураккаб бўлди. Ғаллачиликда махсус техника ва мутахассислар етишмас ҳамда бу соҳада аждодлар тажрибаси анча унутилган эди.

Шу йилларда Ўзбекистон ғаллачилиги аҳолини тўлик дон билан таъминлашга қодир эмас эди. Бу масалани Андижон вилояти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, 1941 йилнинг 15 августидан 1942 йил 1 январгача вилоят аҳолисининг ғаллага талаби 33724 тоннани, олинган ғалла ҳосили эса 7642,8 тоннани ташкил этди ва вилоят аҳолисининг талабини 22,6 фоизгагина таъмин этди³²⁶.

³²⁵ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-руйхат, 301 йнгмажид, 7-8-варақ.

³²⁶ Пулатов И. Улут Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – Б. 13.

Умумий ҳолатда, 1941 йил Ўзбекистон ғаллачилик учун кам ҳосил йил бўлганиги ҳам нисбатга олиш лозим. 1941 йиловда республика савхозларида ғалла экинлари ҳосилдорлиги амалда режага нисбатан икки баробар паст бўлди³²⁷. 1941 йил иккинчи ярмида белгиланган тадбирлар Ўзбекистон ўз аҳолисини мустақил ғалла билан таъминлашда етарли бўлиб чиқмади. 1942 йил 29 июлдаги СССР ХКС ва ВКП(б) МҚнинг 1282-сонли қарори асосида 1943 йилда Ўзбекистон бўйича ғалла майдонлари 1942 йилга нисбатан яна 500 минг гектарга кенгайтирилди³²⁸.

Уруш йилларида турли табиат ҳодисалари ва зараркунандалар ҳам ғаллачилик ҳолатига салбий таъсир этди. 1945 йилнинг ўзида Ўзбекистон бўйича 595,0 минг гектар майдонда ғалла экинларини совуқ урди, шулардан 359,8 минг гектарида экин 100% нобуд бўлди³²⁹.

Ғалла зараркунанда ҳашоратлари ҳам маълум даражада ҳосилнинг нобуд бўлиши маълум салбий таъсир кўрсатди. Республика майдонларида энг кенг тарқалган ғалла зараркунандаси – хасва канаси эди. Бу зараркунанда рус тилида “клоп-черепацка” ёки латинча “Scutelleridae” деб номланиб, ғалла экинларидан буғдой, жавдар ва арпага зарар етказди. Хасва канаси билан зарарланган буғдой ёки арпа унidan нон ёпиш ва бошқа истеъмол мақсадларида фойдаланиб бўлмайди³³⁰.

1942 йилда хасва канаси тарқалиши туфайли республиканинг бир неча вилоят ва туманларида ғалла қайтадан экилди. Жумладан,

³²⁷ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2787 йилгажид, 190-варақ.

³²⁸ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3143 йилгажид, 110-варақ.

³²⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 4647 йилгажид, 173-варақ.

³³⁰ www.floranimal.ru/families/2912.html

шу йили зарарланган майдонларда қайта экиш ишларини бажариш учун Бухоро вилоятининг Китоб туманига – 60 тонна, Сурхондарё вилоятига – 10 тонна, Самарқанд вилоятига – 40 тонна, Тошкент вилоятига – 10 тонна қўшимча уруғлик ғалла ажратилди³³¹. Ҳар бир килограмм дон ҳисоб-китобли бўлган бўлган вақтда республика майдонларидаги ғаллани заракунандалардан асраш жиддий муаммога айланди.

Республикада зарукунандаларга қарши кимёвий заҳарлар етишмаслиги паронтида муаммони ҳал этишнинг осон йўли топилди. Хонаки товуклар ҳасва канаси кушандаси эканлиги аниқланиб, ғалла далаларига қўйиб юборилган миллионга яқин товуклар зарукунандаларни йўқ қилди.

Ўзбекистон аҳолининг дон маҳсулотларига талабини қондириши учун экстенсив хўжалик юритиш усулларини танлади. Республика бўйича ғаллага ажратилган ер майдонлари кўпайтирилди. Масалан, Андижон вилоятида ғаллага ажратилинадиган ерлар 1941 йилда 2375 гектардан 1942 йилда 38146 гектаргача кўпайтирилди³³². Ғалла ва сабзаёт-полиз экинлари майдонлари ҳам кенгайтирилиб, пахта учун ажратиладиган ерлар камайтирилди. 1942 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 571-сонли қарори билан республика қолхозларига озиқ-овқат экинларини экиш учун қўшимча 147,9 минг гектар (шулардан, 122,6 минг гектар ғалла ва дуккакли-

³³¹ ЎЗР МДА, Р-91-фонд, 8-рўйхат, 301-йиғимловилд, 28-варақ.

³³² Пулатов И. Улуг Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – Б. 131.

лаларга, 14,8 минг гектар шолига, 9,1 минг гектар зиғирга) ажратилди³³³.

Уруш йилларида пахта ялпи ҳосилини камайишни аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни язшилади, деган фикрига келиш нотўғри бўлади. Чунки пахта чигитини қайта ишлаганда ўсимлик ёғи ҳосил бўлади. Пахта ялпи ҳосилини камайиши эса республикада ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажмини камайишига олиб келди. 1941 йилда республикада 123,4 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилган эди. 1942 йил эса ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 85 минг тоннага тушди³³⁴.

Маълумки, ёғ килокалория бирлигида ҳисобланганда оксил ва углеводлар нисбатан тўйимлилигини ҳам инobatга олиш лозим. Шунингдек, қайта ишланган пахта чигитидан чорва моллари учун тўйимли озуқа олиш мумкин бўлиб, пахта ялпи ҳосилининг камайиши маълум маънода чорвачиликни озуқа билан таъминлашда салбий таъсир этди.

Шу усуллар билан Ўзбекистон аҳолиси уруш йиллари танқис бўлган нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан қониқарли даражада таъминланди. 1942 йилда 1941 йилга нисбатан умумий ғалла ҳосили 60%га кўпайди³³⁵. 1940 – 1943 йиллар оралигида Ўзбекистонда ғалла ялпи ҳосили 53 миллион пуддан 104 миллион пуд-га кўпайди. Республикада ғалла асосан Самарқанд, Қашқадарё

³³³ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3270 йилгажамид, 106-варақ.

³³⁴ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йилгажамид, 15-варақ.

³³⁵ Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 56.

ва Тошкент вилоятларида экилди ва ғаллачиликда бўғдой (52,3%) ва арпа экиш стакчи ўрин эгаллади³³⁶.

Урушнинг дастлабки йилидан Ўзбекистонда ғалла майдонларини кенгайтириш учун бир неча муаммоларни ҳал этиш керак эди. Улардан биринчиси, уруғлик муаммоси эди. Агар республика иқлими ва тупроқ шароитларига мос равишда ғалла нави танланмаса ёки уруғлик сифатсиз бўлса, ғаллачиликни ривожлантиришга йўнатирилган барча тадбирлар натижасиз бўлиши мумкин эди. Шу мақсадда 1943 йилда республика колхозларига ғалла ёки дуккаклиларга айирбошлаш шarti билан уруғлик учун 200 минг центнер яхшиланган бўғдой ажратилди³³⁷.

Хукумат режаларида белгиланганидек, 1942 йилдан Ўзбекистон ўзини мустақил ғалла билан таъминлай олмади. Кўрилган чоратадбирлар етарли бўлмай, ғаллачиликдаги барча муаммоларни ҳал этиш учун имкониятлар етмади. Республикага ҳамон бошқа ҳудудлардан ғалла ва ун келтирилди. Ўзбекистонга ғалла келтиришда узилишлар содир бўлиши, аҳолини нон билан таъминлашда муаммоларга сабаб бўлди. Масалан, 1942 йил апрель ойи учун Ўзбекистонга келтирилиши зарур бўлган ғалла режаси 113000 тонна этиб белгиланди. Режа 53%га бажарилиб, республикага 60000 тоннагина ғалла келтирилди³³⁸. Натижада Ўзбекистон ихтиёрида мавжуд сўнгги ғалла захиралар сарфланди.

1941 йилга нисбатан 1942 йилда Ўзбекистонда ғалла экишларига ажратилган майдонлар 1559,2 минг гектардан 2050,5 минг

³³⁶ Тилеукулов С. Социалистическое преобразование орошаемого земледелия Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1981. - С. 142.

³³⁷ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2289 йилмажмуд, 238-варақ.

³³⁸ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3143-йилмажмуд, 70-варақ.

гектарга оширилсада³³⁹, ялпи ғалла ҳосили кўпайтирилган майдонларга непропорционал равишда 100057,7 млн. пуддан 12583 млн. пудга кўпайди³⁴⁰. Юқоридаги икки маълумотнини таҳлил этсак, 1941 – 1942 йилларда Ўзбекистонда ғалла майдонлари 31,5%га, ғалла ялпи ҳосил эса 25,1%га кўпайгани маълум бўлади. Бундай фоидалар номуносиблигининг асосий сабабини ғалла ҳосилдорлигини тушишида кўриш мумкин. Яъни, 1941 – 1942 йилларда Ўзбекистонда ғалла ҳосилдорлиги 6,5 центнер/гектардан 6,2 центнер/гектарга тушиб, 1942 йил режадаги ўсиш даражасига (8,6 центнер/гектар) умуман эришилмади³⁴¹.

Уруш йилларида Ўзбекистонда ғалла майдонларини кенгайтириш 1943 йилгача давом этиб, 1943 йилда ўзининг максимал кўрсаткичига кўтарилиди. Яъни 1943 йил режаси бўйича Ўзбекистонда ғалла экинлари майдонлари 2200,0 миң гектар этиб тасдиқланди³⁴².

Ўзбекистонда озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда ишчи ва хизматчилар ҳам иштирок этдилар. Озиқ-овқат маҳсулотларига танқислик қисман енгиллаштирилиш мақсадида корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиб, ўз ошхоналарини мустақил равишда сабзавот-полиэ, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан тийминлашга ҳаракат қилдилар. Ишчи ва ходимлар озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини тўлдириш мақсадида индивидуал томорқа хўжаликлари юритдилар.

³³⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318 йилмажмуд, 16-варақ.

³⁴⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318 йилмажмуд, 16-варақ.

³⁴¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3318 йилмажмуд, 1506-варақ.

³⁴² ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3740 йилмажмуд, 1-варақ.

1942 йил 7 апрелдаги СССР ХКК ва ВКП (б) МҚнинг “Томорқа хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига кўра, корхона, ташкилотлар ва алоҳида шахеларга шаҳардаги бўш ёки колхозлар ҳудудидан ер ажратиб бериш бошланди. Шунингдек, қарорда жамоя ёки индивидуал томорқа хўжалик юритувчилар мажбурий равишда ҳосилнинг маълум қисмини давлатга топшириши шарт қилиб қўйилди³⁴³.

Республикада фаолият юритаётган ҳар бир халқ комиссарликлари қопида ҳам имкониятлардан келиб чиқиб алоҳида чорвачилик, балиқчилик ва полизчилик хўжаликлари ташкил этилди. Масалан, 1942 йилда Ўзбекистон Савдо Халқ Комиссарлиги тизи-мидаги муассасалар режа бўйича 20000 бош қўй-эчки, 4000 бош йирик шохли қорамол, 20000 чўчка, 90000 парранда боқиб бериш-лари; 85 тонна балиқ тутишлари; 5400 тонна сабзавот ва полиз экинлари, 4000 тонна карточка тайёрлашлари ҳамда 5400 гектар ердаги ҳашакни ўриб беришлари лозим эди³⁴⁴.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда томорқа хўжаликларининг аҳамияти инобатга олиниб, бу соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. 1942 йил 12 майда ЎзССР ХКС ва ВКП(б) “Темирйўлларда томорқа ва чорвачилик хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида”ги қарори асосида темирйўллардан 70 км. дан узоқ бўлмаган жойларда томорқа хўжаликлари ташкил этиш белгиланди³⁴⁵.

³⁴³ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3143-йигма жилд, 30-варақ.

³⁴⁴ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-руйхат, 301 йигмажилд, 156-варақ.

³⁴⁵ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3297-йигма жилд, 87-варақ.

1943 йил 2 апрелдаги СССР ХКСнинг 433-сонли қарори билан ФЗО, хунармандчилик ва темирйўл мактаблари қошида ҳам томорқа хўжаликлари ташкил этилди. Ҳар бир хўжаликка 3-5 доимий штат бирлигида доимий ишчилар бириктирилиб, қолган қишлоқ хўжалик ишларини ўқувчиларнинг ўзлари бўш вақтларида бажардилар³⁴⁶.

1945 йил 16 мартдаги Ўз ССР ХКС ва ВКП(б) қарорларига кўра, томорқачиликни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб берилди. Қарорда республикадаги бошқарув органларига йирик шаҳарлар атрофида икки кун муддат ичида қишлоқ хўжалигига яроқли, бўш ерларини тониш ва уларда томорқа хўжаликларини ташкил этиш вазифаси юкланди. Шунингдек, қарорда корхона ва ташкилотлар, турар жойлар атрофидаги бўш ерларда ҳам томорқа хўжаликларини ташкил этишга рухсат этилди³⁴⁷.

Уруш йилларида томорқа хўжалиги маҳсулотлари кўпгина оилалар кунлик рационини сабзавотлар билан тўлдирди ва баъзилар учун тирикчиликнинг ягона воситаси бўлиб қолди. Шунинг учун томорқачилик билан шуғулланувчилар сони ва бу иш учун ажратилинадиган ерлар кўпайиб борди. Масалан, бутун собиқ иттифок бўйича томорқага эга ишчи ва хизматчилар сони 1941 йилда 4,5 млн. дан 1944 йилда 10,5 млн. кишига етди. Шу йиллар оралигида улар томонидан фойдаланилган ерлар 298,1 минг гектардан 716,8 минг гектаргача кўпайди³⁴⁸. Айниқса, томорқа қишлоқ аҳолиси учун му-

³⁴⁶ ЎЗР МДА. Р 837-фонд. 32-руйхат. 3143 йилмажмуд. 77об-варақ.

³⁴⁷ Джалалов И. Возникновение и развитие советского земельного права в Узбекистане. — Ташкент: Фан, 1970. — С. 202.

³⁴⁸ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. ... — С. 109.

ҳим аҳамият касб этди. Уруш йиллари колхозчилар карточка тизимига ўтказилимаган бўлиб, томорқа уларнинг ягона тирикчилик манбаи бўлди.

Уруш йилларида томорқа хўжаликлари ташкил этилишнинг барча ижобий томонларини инobatга олган ҳолда, томорқа хўжаликлари ҳар доим ҳам тўғри ташкил этилмай, иқтисодий фойдасидан кўра зарари кўп бўлганини ҳам таъкидлаш зарур. Масалан, 1942 йилда Ўзбекистон Текстиль ХК корхоналари қошидаги томорқа хўжаликлари норентабл фаолияти туфайли 26 млн. рубль зарар кўрилди³⁴⁹.

Бу каби салбий ҳолат корхоналар қошида ташкил этилган чорвачилик фермалари фаолияти ҳам кузатилди. Қорамолларни семиртириш вазифаси бу соҳага умуман ихтисослашмаган ташкилотларга юкланди. Масалан, 1941 йил 18 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 829-сонли қарори асосида чорва моллари шартнома асосида боқиш ва семиртириш учун ташкилотларга берилди³⁵⁰.

Жумадан, Фарғона вилоятидаги ташкилотларга 2300 бош йирик қорамол бириктирилди. Қорамол бириктирилган ташкилотлар рўйхатида Қувасой цемент заводи, олтингугурт кони кабилар бор эди. Пахта тозалаш ёки ёғ-мой заводалри қошида қорамол боқишни назарий ташкил этса бўлади. Лекин қандай қилиб нефть ёки олтингугурт конида қорамол семиртириш мумкинлиги, ҳатто чорвачилик мутахассисларини ҳам ўйлантириб қўйса керак³⁵¹.

³⁴⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3740 йиғмажилд, 33-варақ.

³⁵⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2578 йиғмажилд, 85-варақ.

³⁵¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2578 йиғмажилд, 98-варақ.

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўлайтиришда республикадаги барча имкониятлардан максимал фойдаланишга ҳаркат қилинди. 1942 йил 23 апрелдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг қарори билан шולי экувчи колхозлар ва очик сув хавфзаларига эга корхоналарда ўрдак етиштирувчи фермалар ташкил этилди³⁵².

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, колхоз ва томорқа хўжаликлариди тайёрланган деярли ҳар бир маҳсулотнинг давлатга топшириш режаси бўлган. Масалан, 1942 йилининг 1 чорагида Ўзбекистон колхозчилари давлатга 4 млн. 320 минг дон тухум топширишлари керак эди. Ўзбекистон колхозчилари топширган тухумнинг асосий қисми Москва ва Ленинград шаҳарлари таъминотига мўлжалланган эди³⁵³.

Йиғим-терим даврида озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисми турли йўллар билан дехқондан тортиб олинарди. Йил давомида дехқон тирикчилиги ўтиши қийин бўларди. Уруш йилларида Ўзбекистонда аҳоли очликдан ўлганлиги қайд этилмаган бўлса-да, фактларни таҳлил қилганда республика қишлоқ аҳолиси шу ҳолатга яқин бўлганини билиб лонш мумкин эмас. Уруш йилларида одамлар аянчли аҳволни кўрсатувчи яна бир факт: 1942 йилда республиканинг боғдорчилик-узумчилик совхозларида ҳосил пишиб етилгунга қадар, аҳоли томонидан йиғиб олинган эди³⁵⁴.

1941 – 1943 йилларда озиқ-овқат екинлари учун ерларни ажратилиши муаммони тўлиқ ҳал этмади. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон аҳолиси кунлик рациони асосини ташкил этувчи

³⁵² ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3270 йиғмажилд, 237-варақ.

³⁵³ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3265 йиғмажилд, 296-варақ.

³⁵⁴ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3740 йиғмажилд, 154-варақ.

картошка ялпи ҳосилдорлиги 1941 йилда 142 минг тонна бўлса, 1942 йилда 100 минг тоннани, 1043 йилда 99 минг тоннани ва 1944 йилда эса умуман 64 минг тоннани ташкил этди³⁵⁵. Бунинг асосий сабаби полиз экинларига унумдорлиги паст ерлар ажратиши ва уларга керакли ишлов берилмади.

Бир томонлама ғалла ва сабзавот майдонларнинг кенгайиши қишлоқ хўжалик экинларига ажратилган ер майдони нисбатини сезиларли равишда ўзгартирди. Уруш йилларида дон экинлари салмоғи ортиб, пахта экилиши камайди. Шунингдек, 1941 – 1942 йилларда республика умумий ер фонди балансида сабзавот-полиз экинлари майдони 4,9% дан 8,3%гача, беда экиладиган майдонлар 16,5%дан 19,6%гача кўпайди³⁵⁶. Пахта яккахожимлигининг чекланиши озиқ-овқат ресурсларини зарур миқдорда кўпайтиришга имконият берди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида республика ғалла-корлари мамлакатга 82 млн. гуд ғалла, 213 минг центнер шоли етказиб бердилар³⁵⁷.

1942 йилда сабзавот экинлари майдонлари ва ялпи ҳосилнинг кўпайиши билан уларга пропорционал равишда кўшимча давлатта маҳсулот топшириш нормалари ҳам кўпайди. 1942 йил 9 мартдаги СССР ХКС ва ВКП(б)нинг кўшма қарори билан 1942 йил ҳосилдан колхозлар давлатта мажбурий топшириладиган сабзавот нормалари қуйидаги миқдорда кўпайтирилди: карам 5400 тонна, сабзи

³⁵⁵ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. ... – С. 98.

³⁵⁶ Қизил Ўзбекистон. 1942, 7 февраль.

³⁵⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 447.

1500 тонна, шолгом 1800 тонна, қизил лавлаги 1000 тонна ва помидор 10000 тонна³⁵⁸.

Демак, республикада сабзавот экинлари ялпи ҳосмининг ортиши билан шунга пропорционал аҳолининг сабзавот экинларига талаби қондирилди деган маънони аниқлатмас эди. Худди шундай, 1942 йилда республика бўйича колхозларнинг давлатга мажбурий гуруч топирини режаси 33578 тоннага оширилди³⁵⁹. 1942 йил 31 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1219/120 с-сонли қарори асосида республикада етиштирилган картошка ва бошқа сабзавот экинлари билан биринчи навбатда Қизил Армия ва НКВД кўпинлар таъминланиши белгилаб берилди³⁶⁰.

Ўзбекистонда сабзавот экинлари тақсимотига эътибор қаратадиган бўлсак, турли фонд, йиғим ва мажбурий режалардан ортиган маҳсулот республика эҳтиёжига сарфланган. Республика аҳолиси истеъмолга ажратилган картошка ва сабзавотлар тахминан тенг миқдорда бозор ва бозордан ташқари фонларга ҳамда турли захира-ларга ажратилган. Масалан, 1942 йилда Ўзбекистон ССР Савдо ХК ихтиёридаги 444100 тонна картошкадан, 18030 тоннаси бозордан ташқари истеъмолга, 18620 тонна бозор фондига, 2000 тоннаси эса СССР ХКС давлат захирасига ва 5450 тонна Ўзбекистон ССР ХКС резервига ажратилди³⁶¹.

Турли солиқ ва йиғимлардан ташқари аҳолидан турли фондлар орқали озиқ-овқат маҳсулотларини жалб қилиш тадбирлари ўтказилди. 1942 йил 23 ноябрда Қизил армия гушт фонди тузилиб,

³⁵⁸ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3143 йиғмажилд, 7-8-варақлар.

³⁵⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3143 йиғмажилд, 72-варақ.

³⁶⁰ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-руйхат, 316 йиғмажилд, 103-варақ.

³⁶¹ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-руйхат, 316 йиғмажилд, 103-варақ.

Ўзбекистон учун унинг миқдори 7000 тоннани ташкил этди³⁶². Шунингдек, шундай фондлардан яна бири Қизил Армия нон фондидир. Нон фондига ғалла, арпа ёки дуккакли етиштирувчи хўжаликлар ўз ҳосилини маълум қисминни мажбурий ўтказиб бордилар. Ғўшт фонди ҳам худди шу асосда тузилди. Фронтни қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тузилган фондлар армия таъминотини бирмунча яхшиласада, аҳоли таъминотига салбий таъсир кўрсатди.

Қизил армия ғўшт фондидан ташқари, қизил армия ғалла фонди ҳам мавжуд эди. Ушбу фондга маҳсулот топшириш нормалари республика алоҳида вилоятлари ва туманларидаги ғалла ҳосилдорликка асосан аниқланарди. Жумладан, 1944 йил ҳосилидан Қизил армия фондига топшириладиган ғалла миқдори республика алоҳида туманларида гектаридан 10 дан 20 кг. гача белгиланди³⁶³.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ҳудудида 14 та миллий-ҳарбий бирикмалар тузилди. Миллий ҳарбий бирикмалар моддий таъминоти доимо республика эътиборида бўлди. Ушбу мақсадда, 1942 йилнинг II чорагида Ўзбекистон томонидан 15 тонна ўсимлик ёғи, 10 тонна шакар, 0,5 тонна чой, 10 тонна туз ва 6 тонна хўжалик совуни ажратилди³⁶⁴. Бундан ташқари, Ўзбекистон оталиққа олган ҳарбий бўлинмалар ва кемаларга совғалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатиш ташкил этилди. Жумладан, 1942 йил

³⁶² ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3253-йиғмажилд, 34-варақ.

³⁶³ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4163-йиғмажилд, 135-варақ.

³⁶⁴ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 301-йиғмажилд, 142-варақ.

22 апрелида Ўзбекистон оталигида бўлган “Марат” ҳарбий кема-сининг шахсий таркибига 1 минг посылка-совга тайёрланди³⁶⁵.

Асосий фондлардан ташқари Ўзбекистонда маълум бир юбилей муносабати билан вақтинчалик фондлар ҳам ташкил этилди. Қизил армия тузилганлигининг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган фондга Фарғона вилоятининг ўзидан 600 та қўй, 112 та қорамол, 1152 товуқ ва ўрдак, 40 тонна қуритилган мева, 17 тонна гуруч, 1224 кг ёнғоқ ва бодом, 1272 кг анор. 11000 литр вино, 17 тонна мева ва сабзавотлар, 500 минг сўм ва 1 вагон шахсий посылкалар совга сифатида тоғширилди³⁶⁶.

Барча кўрилган чора-тадбирларга қарамай, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ҳам, собиқ иттифоқи ҳам ўзини тўлиқ галла ва бопқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмади. Санаятдан фарqli равишда кишлоқ хўжалиги уруш талабларига тўлиқ мослаштириш имкони бўлмади. Натижада Собиқ иттифоқ баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини чет мамлакатлардан импорт қилишга ҳам мажбур бўлди. 1941 – 1944 йилларда собиқ иттифоққа АҚШ, Англия ва Канададан лендлиз бўйича 2545 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилди³⁶⁷.

Шунингдек, йилнинг йигим-терим бўлмаган даврларида республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи бирмунча оғирлашарди. Айниқса, йилнинг апрелдан июнгача бўлган даври энг мураккаб давр ҳисобланарди. Шу даврда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга республика барча имкониятлари сафарбар-

³⁶⁵ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-руйхат, 301 - йилмажид, 34-варақ.

³⁶⁶ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3522- йилмажид, 29-варақ.

³⁶⁷ Черняевский У. Война и продовольствие. – Москва: «Наука», 1967. – С. 20.

этилиб, турли ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланилди. 1943 йил март, апрель, май ойларида маҳаллий аҳоли учун ноанъанавий бўлган 600 тонна қорақўл қўзилари гўшти ва 250 тонна тошбақа гўшти истеъмол учун тайёрланди³⁶⁸.

Уруш йилларида нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти масаласи билан бирга тақсимот масаласини ҳам унутмаслик керак эди. Ҳозирги давр бозор иқтисодиёти ва иқтисодий ривожланиш шароитида “озиқ-овқат тақсимоти” ва “карточка тизими” каби тушунчалар фақат тарихий лугат ва китоблардан жой олди. Аммо яқин тарихимиз – собиқ иттифок даврида озиқ-овқат, кийим-кечак ва саноат маҳсулотларининг етишмовчилиги одатий ҳолга айланган эди.

1941 йил 22 июнда урушнинг бошланиши собиқ иттифокнинг савдо, таъминот-тақсимот тизимида фавқулодда вазиятни юзага келтирди. Дўкон ва бозорлардаги совун, гугурт, туз, шакар ва бошқа маҳсулотлар аҳоли томонидан тезликда сотиб олинди ва захира қилинди. Ушбу вазиятда аҳолининг асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари билан қониқарли даражада таъминлаш ва савдо-таъминот тизимида тартиб ўрнатиш учун давлат томонидан карточка-тақсимот тизими жорий этилди.

Эркин бозор иқтисодиётига асосланган давлатларга нисбатан собиқ иттифокда карточка тизимини жорий этиш жараёни нисбатан осонроқ кечди. Собиқ иттифокда марказлашган иқтисодий тизим мавжуд эди ва давлат ғалла етиштиришда монополист ишлаб чиқарувчи эди. Шунингдек, XX асрнинг 20-30 йилларида собиқ иттифокда

³⁶⁸ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3751- йилмажл.д, 15-варақ.

карточкаларни жорий этиш бўйича тажриба тўпланган эди. Умуман олганда, уруш бўлмаган вақтларда ҳам карточкалар ва турли марказий тақсимот механизмлари собиқ иттифоқ савдо тизимининг ажралмас қисми ҳисобланган.

Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда нонга алоҳида урғу берилди. Шунинг учун уруш йилларида аҳолини нон билан таъминлаш бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан қуйидаги ўзига хосликларга эга эди:

Биринчидан, карточка тизими бўйича нон таъминоти ва тақсимооти мамлакатнинг барча ҳудудларида жорий этилди. Гўшт, балиқ, шакар, макарон каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан эса марказлашган таъминот бирча шаҳарларда ҳам ташкил этилмади.

Иккинчидан, нон (бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан) кундалик эҳтиёж маҳсулоти ҳисобланади. Шунинг учун нон кунлик нормада, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари эса ойлик норма тарзида белгиланган ва сотилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида озиқ-овқат маҳсулотларига карточка тизимининг жорий этиш жараёнини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи даврни 1941 – 1942 йиллар ташкил этади. Бу даврда собиқ иттифоқ бўйича карточка тизими жорий этилди ва фаолияти бошланди. Иккинчи босқичда карточка тизими фаолияти юзасидан тажриба қайта таҳлил этилди ва такомиллаштирилди.

Урушнинг дастлабки вақтларида карточка тизимини жорий этиш юзасидан бир неча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. 1941 йил 18 июлдаги СССР ХКК нинг қарори билан дастлаб Москва, Ленинград шаҳарларида ва уларга яқин бир неча шаҳарчаларда озиқ-

овқат (нон, кондитер маҳсулотлари, гўшт, балиқ, ёғлар) ва истеъмол (пахта ва ипак матолар, оёқ кийим, кийим-кечак, хўжалик совуни) молларини қарточка асосида тақсимланиши белгиланди³⁶⁹. 1941 йилнинг июль-ноябрь ойларида собиқ иттифоқнинг бошқа худудларида ҳам қарточка тизими жорий қилинди. 1941 йилнинг 1 сентябригача 197 аҳоли пунктларида, шу йилнинг 1 ноябрга қадар 38 шаҳарда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари қарточкалар бўйича тақсимланадиган бўлди³⁷⁰.

Қарточка тизими асосан шаҳарларда жорий этилди ва аҳолининг маълум касбга, малакага, ёшга ва ижтимоий гуруҳга мансублигига қараб нон нормалари белгиланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида собиқ иттифоқда қарточка бўйича олинадиган товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари нормаларини белгилаш ўзига хос ижтимоий феномен эди.

Маълум аҳоли гуруҳига қарточкалар бўйича нон нормаларни белгилашда совет давлатида мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳолатлар ҳам таъсир этди. Қарточка тизимида нормалар миқдорининг белгиланиши уруш даври совет жамиятининг ўзига хос табақаланишини намоён этди. Собиқ Совет иттифоқида хос тоталитар иқтисодий тизимда маълум ижтимоий гуруҳ ёки касб эгаларининг “давлатга яқинлиги” қарточка нормаларининг белгиланишига бевосита таъсир кўрсатди.

³⁶⁹ Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам. – Москва: Политгиздат, 1957. Т. 2. – С. 705.

³⁷⁰ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 192.

Карточка тизими жорий этилган шаҳарлар аҳолиси нон таъминоти ҳажми бўйича тўрт гуруҳга ажратилди:

1 гуруҳ – ишчилар, инженер-техник ходимлар ва уларга тенглаштирилганлар (транспорт ва алоқа, медицина, санъат, фан, таълим тизими ходимлари ҳамда донорлар);

2 гуруҳ – хизматчилар ва уларга тенглаштирилганлар;

3 гуруҳ – боқувчисини йўқотганлар;

4 гуруҳ – 12 ёшгача бўлган болалар.

Шунингдек, гуруҳлар ичида (фақат биринчи ва иккинчи гуруҳ учун ҳос) категорияларга бўлиниш жорий этилди. Мудофаа, нефть-кимё, машинасозлик, қора ва рангли металлургия, транспорт, мудофаа қурилиши ва қончилик саноати ишчилари биринчи категорияни ташкил этганлар. Биринчи категорияга кирмаган халқ хўжалиги соҳалари ишчилари ва бошқа шаҳар аҳолиси иккинчи категория истеъмолчиларини ташкил этди. Урушнинг дастлабки вақтларида аҳолининг нон ва кондитер маҳсулотлари нормалари куйидагича белгиланди (нон ҳар бир кишига кундалик, шакар ва кондитер маҳсулотлари ҳар бир кишига ойлик норма ҳисобида)³⁷¹:

	Нон		Кондитер маҳсулотлари ва шакар	
	1-категория	2-категория	1-категория	2-категория
Ишчилар	800 гр.	800 гр.	800 гр.	600 гр.
Хизматчилар	500 гр.	400 гр.	600 гр.	600 гр.
Боқувчисини йўқотганлар	400 гр.	400 гр.	400 гр.	400 гр.
12 ёшгача бўлган болалар	400 гр.	400 гр.	600 гр.	400 гр.

Булардан ташқари, ҳар бир халқ хўжалиги соҳаси ишчилари учун карточка нормаларини белгилашда ички табақаланиш тизими-

³⁷¹ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 393.

ларидан фойдаланилди. Ушбу ҳолатни темирйўл тизими ходимлари нон таъминоти мисолида кўриб чиқсак. 1943 йил октябрдаги СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 557-сонли буйруғига кўра темирйўлчилар, муҳандис-техник ходимлар ва темирйўл мактаблари ўқувчилари ва шу соҳага тегишли бошқа аҳоли гуруҳлари учун карточка нормалари белгиланди.

Унга кўра карточка нон нормасини белгилашда темирйўлчилар ва муҳандис-техник ходимларнинг малакаси, улар ишлайдиган станция аҳамияти ва жойлашган ўрни инобатга олинди. Асосий станцияларда ишловчи темирйўлчилар учун кунлик 650 грамм; Беларуссия ва Украинанинг озод қилинган ҳудудлари ва 3-категориягача бўлган станцияларда фаолияти юритувчи темирйўлчилар учун кунлик 600 грамм нон нормаси белгиланди³⁷². Уруш йилларида Ўрта Осиёда етакчи ҳисобланган Тошкент темирйўли СССРнинг асосий темирйўллари рўйхатига киритилган эди³⁷³.

Шунингдек, темирйўл транспортига тегишли ташкилот, муассаса ва корхоналари ходимларига кунлик 450 грамм, темирйўл мактаблари ўқувчиларига ва темирйўлчилар фарзандлари учун кунлик 300 грамм нон нормаси белгилаб берилди³⁷⁴. Юқоридаги-лардан кўриниб турганидек, уруш йилларида карточка тизими, унинг гуруҳлар ва категорияларга бўлиниши тизими анча мураккаб таъкил этилди.

Нон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар билан таъминот масалаларида баъзи имтиёзли гуруҳлар ҳам бўлган. Фан ва

³⁷² ЎзР МДА, 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йигма жилд, 19-ыарақ.

³⁷³ ЎзР МДА, 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йигма жилд, 24-ыарақ.

³⁷⁴ ЎзР МДА, 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йигма жилд, 20-ыарақ.

маданият ходимлари, ўқитувчи ва тиббиёт хизматчилари нон ва бошқа маҳсулотлар билан таъминотиغا алоҳида аҳамият ва имтиёзлар берилди. 1942 йил 2 июлдаги СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 170-сонли буйруғи бўйича зиёлиларга қўшимча кунлик 200 грамм нон нормаси белгиланди. Шунингдек, зиёлиларга махсус хизмат кўрсатувчи ёпиқ дўкон ва ошхоналар ташкил этилди³⁷⁵. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 322-сонли буйруғи билан Тошкент шаҳридаги “Националь” ресторани фан, адабиёт ва маданият ходимларига бириктирилди³⁷⁶.

Уруш йилларида карточка нон нормалари доимий бўлмаган. Қурғоқчилик, ғалла ҳосилдорлиги ва захираларининг ўзгариши билан карточка бўйича сотиладиган нон нормаларига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, 1943 йил Волгабўйи худудларидаги қурғоқчилик туфайли, 1943 йил 15 ноябрдаги СССР ХКСнинг қарори билан кунлик карточка нон нормалари турли гуруҳ ва категориялар бўйича 100 граммдан 200 граммгача камайтирилди³⁷⁷.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти яхшиланиб борган сари аҳолининг янги қатламларини ҳам ишчи ва хизматчиларга тенглаштирилган даражада озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бошланди. 1943 йил 5 мартдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 205-сонли қарори асосида ОЎЮ талабалари 1941 йил 19 октябрдаги СССР ХКСнинг 2148-сонли қароридаги саноат ишчилари,

³⁷⁵ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3260- йиғмақилд, 108-варақ.

³⁷⁶ ЎзР МДА, 91-фонд, 8-руйхат, 301-йиғма қилд, 43-варақ.

³⁷⁷ ЎзР МДА, 91-фонд, 8-руйхат, 310- йиғмақилд, 15-варақ.

транспорт ва алоқа ходимлари нормаларига тенглаштирилган озиқ-овқат нормалари билан таъминланиши белгиланиб берилди³⁷⁸.

Уруш йилларида нон нормаларини белгилаш ишчиларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш ёки уларни жазолашнинг ўзига хос механизмига ҳам айланди. 1942 йил 10 ноябрдаги Ўзбекистон ССР ХКС нинг 1477-сонли қарори билан меҳнат интизомини бузган ва суд қарори билан ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган ишчиларнинг кунлик нон нормалари 100 – 200 граммгача қисқартирилди. Шунингдек, корхона ва заводларда ишлаб чиқариш нормаларини ортиғи билан бажарган ишчиларга ёкилиги, саноат моллари ва баъзи озиқ-овқат махсулотларини биринчи бўлиб сотиб олиш имтиёзи берилди. Аммо имтиёз нон сотиб олишда қўлланилмади³⁷⁹.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, уруш йилларида қишлоқ аҳолиси давлат таъминотига олишмади. Карточкалар бўйича озиқ-овқат таъминоти ва тақсимоти фақат қишлоқ интелегенцияси (медицина ходимлари, ўқитувчилар, агроном, зоотехник ва бошқалар) ва қишлоқ жойларда яшовчи уруш ногиронлари учун белгиланди. Ушбу ҳолатлар 1942 йил 19 декабрдаги СССР ХКК-нинг 24307 р-сонли ва 1942 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон ССР ХККнинг 1614 - сонли қарорларида аниқ белгиланиб берилди. Қарорларда, қишлоқ жойларида яшовчи, аммо қишлоқ хўжалиғи ишлари билан бағд бўлмаган ишчи ва хизматчилар, ҳамда эвакуация қилинган аҳолигина карточкалар бўйича давлат нон таъминотига киритилдилар³⁸⁰.

³⁷⁸ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3751 йилмажхлд, 124-варақ.

³⁷⁹ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3747- йилмажхлд, 125-варақ.

³⁸⁰ ЎЗР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 4089- йилмажхлд, 49-варақ.

1942 йил 13 ноябрда СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 380-сонли буйруғига кўра аввалги карточка тизимини тартибга солувчи бир неча буйруқ ва фармойишлар бекор қилинди³⁸¹, ҳамда уларнинг ўрнига 1943 йил 1 январидан собиқ иттифоқнинг барча ҳудудларида ягона шаклдаги карточкалар жорий этилди. Шунингдек, буйруқ савдо комиссарлигига карточка эгаларини маълум дўконларга бириктириш ҳуқуқини берди. Ушбу буйруқнинг қабул қилиниши билан карточка тизимининг фаолияти анча тартибга солинди. Қоғозга босиб чиқарилган товар ва озиқ-овқат талонларини ҳам алоҳида сотиб шарт эди. Масалан, 1944 йил 24 мартда тасдиқланган карточка(талон) формалари куйидаги нархларда сотилиши белгилаб берилди: нон учун талонлар (15 кунлик) 10 тийин; туз, гугурт, совун, чой, керосин учун талонлар 5 тийин ва бошқа товарларга бир марталик талонлар 2 тийин бўлган³⁸².

Иккинчи жаҳон уруши йилларида иқтисодиёти кескин ривожланган АҚШ да ҳам баъзи озиқ-овқат ва саноат товарларининг истеъмоли чекланди. Лекин уруш йилларидаги собиқ иттифоқ ва Фарб давлатларидаги таъминот тизимидаги нормаларни бир-бири таққосланганда, бу икки тизимда яшаган аҳоли турмуш даражасидаги

³⁸¹ СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 1941 йил 16 июлдаги 275-сонли буйруғи, 1941 йил 22 августдаги 312-сонли буйруғи, 1941 йил 3 сентябрдаги 326-сонли буйруғи, 1941 йил 10 сентябрдаги 335-сонли буйруғи, 1941 йил 22 сентябрдаги 340-сонли буйруғи, 1941 йил 27 сентябрдаги 347-сонли буйруғи, 1941 йил 29 сентябрдаги 349-сонли буйруғи, 1941 йил 30 сентябрдаги 354-сонли буйруғи, 1941 йил 9 октябрдаги 360-сонли буйруғи, 1941 йил 22 октябрдаги 20/Н-сонли буйруғи, 1941 йил 22 октябрдаги 21/Н-сонли буйруғи, 1941 йил 26 октябрдаги 22/Н-сонли буйруғининг 1,2,6,7-бандлари ҳамда унинг 1,2,3-бандларига аловалар, 1941 йил 2 ноябрдаги 24/Н-сонли буйруғи, 1942 йил 24 январь 11-сонли буйруғи, 1942 йил 24 апрелдаги 79-сонли буйруғи; СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 1941 йил 17 июлдаги 0142-сонли, 1941 йил 30 августдаги 0166-сонли, 1942 йил 13 мартдаги 015-сонли, 1942 йил 2 апрель 1-637-сонли ва 1942 йил 9 июлдаги 0107-сонли фармойиш катлари.

³⁸² ЎзР МДА. Р 91-фонд, 8-руйхат, 310 - йиғмажилд, 63-варақ.

фарқлар яққол намоён бўлади. Масалан, уруш йилларида Англия ресторанига миқозга уч таомдан ортиқ буюртма олиш тақиқланди³⁸³. Собиқ иттифокда урушдан олдинги ва кейинги чамаси йигирма йиллар тинч даврда ҳам совет фуқаросининг ресторанига бориши ҳамда учта таомга буюртма бериши ҳоллари жуда кам учраган.

Кўп ҳолларда чекловлар нормаси ҳар бир давлатдаги ишлаб чиқариш салоҳияти, ҳарбий харажатлар миқдори ва ҳоказоларга боғлиқ эди. Бундай харид миқдори чекловлари ҳатто АҚШда ҳам мавжуд эди. Лекин бу харид нормалари жуда юқори эди. Масалан, гўшт нормалари жон бошига ҳафтасига деярли 1 кг. этиб белгиланди³⁸⁴. Бундай нормалардаги тақсимот муаммолари деярли оддий америкаликлар ҳаётига таъсир этмади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида карточка тизими жорий этилишини бир томонлама, ижобий ҳодиса сифатида қараш нотўғри бўлади. Тизим фаолиятида кўплаб камчилик ва қонунбузарликлар учраб турди. Шунингдек, карточкаларнинг жорий этилиши жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига маълум даражада зарарли таъсир ўтказганини ҳам унутмаслик лозим. Ушбу муаммоларни умурий ҳолатда қуйидагилар деб белгилаш мумкин:

Биринчидан, карточка тизимининг жорий этилиши савдосотик муносабатларида нақд пулнинг қадрини ҳамда ишчиларнинг ўз меҳнатида моддий манфаатдорлик ҳиссини камайишига олиб келди. Ишчилар бажариладиган меҳнат ҳажми ва ишлаб чиқарадиган

³⁸³ Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. — Москва: «Государственное издательство политической литературы», 1946. — С. 161.

³⁸⁴ Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. — Москва: «Государственное издательство политической литературы», 1946. — С. 153.

махсулот сифатидан қатъий назар аниқ белгиланган нормалар бўйича маҳсулот олардилар.

Иккинчидан, карточка тизими бўйича маҳсулотларнинг тақсимланиши маҳсулотлар турлари ҳамда сифатига салбий таъсир этди. Чунки маҳсулот қандай сифатда бўлмасин марказий тақсимланар ва харидорларда уни танлашга имконият йўқ эди.

Учинчидан, карточка тизими фаолиятини амалга оширувчи бюрократик бошқарув тизими юзага келди. Уруш йилларида карточка тизими фаолиятини ташкил этувчи органлар аппарати 25 миңг кишини ташкил этди³⁸⁵. Албатта, бу бошқарув аппарати бирданига шаклланмади. СССР Савдо халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги бўлимларида карточкаларни тақсимлаш функцияси бор эди. Шунингдек, махсус бюролар тузилиб, уларга карточкаларни корхона, ташкилотлар ва аҳолига тарқатиш ҳамда карточка тақсимотини назорат қилиш ҳуқуқи берилди. Баъзи ҳолларда, карточка тақсимотида иштирок этувчи бошқарув органлари фаолиятида қонунбузарликлар учраб турарди.

Шунингдек, Ўззаготзерно базалари ва вилоят конторларида 1943 йил 1 март ҳолатига кўра 49 инспектор бор эди. Инспекторлар нон савдоси билан шуғулланувчи савдо ва хўжалик ташкилотлари ҳужжатларини текшириб, текширувларда айби топилганлар иши терговга берилиши керак эди³⁸⁶.

1942 йилдан корхона ва муассасаларда чакана савдо, овқатланиш тизими ва маҳсулотлари тақсимлаш тизими ОРС (рус тилида

³⁸⁵ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 398.

³⁸⁶ ЎзР МДА, Р 837-фонд. 32-руйхат, 4089-йигмажид. 28-варак.

“Отдел рабочего снабжения”)лар, яъни ишчи таъминот бўлимлари-га ўтказилди. Маълум даражада ушбу бўлимлар тақсимот тизимини фаолияти марказлаштирди. ОРСларга корхона директорлари ўриндошлари бошчилик қилди. ОРСлар учун алоҳида аппарат шакллантирилди. Бу эса корхона директорларига саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашда суниистъмолликларга кенг йўл очди.

1944 йилда СССР ХК Давлат савдо инспекцияси томонидан иттифоқ ва республика қарамоғидаги текстиль корхоналари таъминот бўлимлари текшириб чиқилди. Текширувлар натижасида, бир қатор корхоналарда нархларни сунъий оширилиши, тароздан алдаш, санитария ва гигиена талабларининг қўпол равишда бузилиши ҳамда карточка бўйича берилиши лозим маҳсулотларга раҳбарият томонидан банкетлар уюштирилганлиги қайд этилди. Энг қизиғи, шу ҳолатга айбдорларнинг қўлиги хайфсан ва оз миқдорда жаримага тортилдилар³⁸⁷.

Шунингдек, ОРСлар бошқарув аппаратини шакллантириш ор-тиқча бюрократия пайдо бўлиши ва аппарат штатларини шакллантиришда қўшимча ойлик ажратишини талаб этди. Масалан, бирги-на 1943 йилда Ўзбекистондаги енгил саноат корхоналари ОРСлари штати ойлик маоши 9495 рубни ташкил этди³⁸⁸.

Карточка тизими бўйича тақсимотни ташкил этишда бюрократик аппаратнинг пайдо бўлиши нафақат собиқ иттифоқда, балки иқтисодиёти анча марказлашган фашистик Германия иқтисодиёти учун ҳам хос эди. Жумладан, “Berliner Borsen Zeitung” нашрининг 1942 йил 3 май сониди, Берлин-Крейцберг туманида 7 минг кар-

³⁸⁷ ҲЗР МДА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йигмажл. 80об-варақ.

³⁸⁸ ҲЗР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3750 йигмажл. 101-варақ.

точка тизимидан таъминланадиган аҳоли яшайдиган ҳудуд ҳақида маълумот берилади. Ушбу ҳудуд аҳолисини таъминлаш учун 600 штат бирлигига эга қарточка бюроси тузилиди³⁸⁹. Юқоридаги мисол кўриб чиққанымиздек, уруш шароитида ҳам иқтисодиётни марказдан бошқаруви ҳар доим ҳам иқтисодий ўзини оқламаган.

Тизим фаолиятидаги энг катта муаммо, қарточка бўйича нон тақсимотида турли қонунбузарлик ва чайқовчилик ҳолатларининг мавжудлиги эди. Давлат текширув органлари қарточка тизими фаолиятини текширишга алоҳида эътибор қаратдилар. Текширувларнинг асосий мақсади биринчидан, қарточка тизими фаолиятини қонун ҳужжатларига мослигини текшириш бўлса, иккинчидан, янги қарор ва буйруқлар асосида нон таъминоти нормаларини қисқартириш эди. Жумладан, 1942 йил 1 декабрдан 1943 йил 1 мартгача Ўзбекистонда қарточка тизими фаолияти масалалари бўйича 336 марта турли текширувлар ўтказилди. Натижада уч ой давом этган текширувлар давомида республика аҳолисининг умумий нон таъминоти 4124 тоннага қисқартирилди³⁹⁰.

Ҳар қандай жараён қонун асосида фаолият юритгани тўғри. Аммо бу каби текширувлар нон таъминоти ва тақсимоти билан боғлиқ қонунбузарликларга чек қўймади. Текширувларда аҳолининг нон таъминоти нормалари қисқартирилган бўлсада, қонунбузарликни сабабчи шахслар камдан-кам ҳолларда жавобгарликка тортилди. Юқорида маълумот берилган текширув натижада 70 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган бўлса-да, улардан атиги 3 тасини

³⁸⁹ Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. — Москва: «Государственное издательство политической литературы», 1946. — С. 19.

³⁹⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 4089-йилмажид, 28-варақ.

суд кўриб чиқди³⁹¹. Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органларининг ўғрилиқ каби жиноятларга эътиборсизлиги шароитида ушбу жиноят содир этилиши ҳолатлари кўпайиб борди. Биргина 1942 йилда республика савдо тизимида 5000 га яқин ўғрилиқ қайд этилиб, улардан 10 минг сўм зарар кўрилди³⁹².

Давлат марказий нон тақсимоти фаолигида турли қонунбузарлик ҳолатларнинг пайдо бўлишини карточка бўйича берилаётган нон нормаларининг етарли эмаслиги ёки уни сотиб олишга имкониятнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Айниқса, белгиланган нон ва бошқа озиқ-овқат нормалари оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи ишчиларнинг физиологик эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмасди. Уруш йилларида қандайдир сабабларга кўра карточка ололмаслик ёки уни ўғирлатиб қўйиш ўлим билан баробар эди.

Давлат томонидан аниқ белгиланган нарх ва нормаларда нон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини сотиб олиш имконияти карточка тизимининг асосий ижобий томонларидан бири ҳисобланади. Уруш йилларида давлат бюджетининг дефицити ва уруш харажатларини халқ елкасига юклашга интилиш пул эмиссияси (инфляция)ни оширилишига олиб келди. Қоғоз пуллар чегарасиз босиб чиқариш натижасида нархлар ошиб, пулнинг харид қобилияти пасайди. Ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи камайди ва деҳқонлар қўлида кўпгаб нақд пул тўпланди.

Нақд пул эмиссияси ҳарбий харажатларни қоплашнинг яширин усули ҳисобланади. Чунки у аҳолига солинган фавқулотда солиқлар каби бирданига қаршиликка учрамайди. Пул эмиссияси бир

³⁹¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4089- йилга яқин, 28-варақ.

³⁹² ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3740- йилга яқин, 112об-варақ.

томондан халқнинг моддий шароитига, иккинчидан савдо-сотиқ тизимини салбий таъсир этди. Натъжада пулга ишонч даражаси тушиб кетиб, чакана савдо ҳажми камайди. Пулнинг қадриёнланиши бозорларда товарларнинг камайиши ва савдонинг кўпгина ҳолларда бартер даражасига тушиб қолишига олиб келди.

Пул қадрининг тушиши, нархларнинг кескин кўтарилиши ишчи ва ходимлар харид қобилиятини деярли йўққа чиқарди. Уларнинг моддий шароити оғирлашди. Буни аниқ мисолда кўриб чиқсак, 1942 йил январида Ўзбекистон ССР Гўшт ва Сут Халқ Комиссарлигида икки бўлимга бошлиқ этиб тайинланган ётакчи иқтисодчи ойлик маоши 1250 рублни ташкил этган³⁹³. 1942 йил январидagi нархларда бу маошга харид шаҳардаги колхоз бозорида амалга оширса, унга 1,25 литр сут ёки 1,2 кг. картошка сотиб олиши мумкин эди³⁹⁴. Карточкадан сотиб олиш мумкин маҳсулотлар нархлари деярли ўзгармаган (спиртли ичимликлар ва туздан ташқари). Шунинг учун уруш йилларида нақд пулдан нисбатан карточкалар аҳамияти юқорироқ бўлган.

Ушбу мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг асосий қисми карточкада белгиланган нормалардан ташқари эркин савдодан деярли ҳеч нарса харид қилишга имконияти етмас эди. Аммо аҳолининг маълум қатламлари карточкадаги маҳсулотларни сотиб олишга ҳам шароити бўлмасди. Ёш ишчи ва ходимларнинг ойлик маошлари карточкадаги маҳсулотларни сотиб олиш учун 2-3 ҳафтага етарди.

³⁹³ ЎзР МДА, Р-839-фонд, 32-руйхат, 3265-йигма жилд, 61-варақ.

³⁹⁴ Ҳисоб-китоблар қуйидаги бўйича амалга оширилди: Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. ... - С. 197.

Архив хужжатларининг маълумот беришича, кўплаб корхоналарда озиқ-овқат маҳсулотлари ноқонуний қайта тақсимланди. Шунингдек, аҳолининг алоҳида гуруҳларни нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ёнги тизим вужудга келди.

1944 йилдан ноқонуний савдога қарши курашиш мақсадида карточкаларсиз, аммо бир неча баробар қимматроқ нархларда савдо қилувчи “тижорат (расмий номи “коммерческий”) савдо тизими” пайдо бўлди. Тижорат савдо тизимининг ташкил этилиши билан жамиятдаги нақд пул массасининг бир қисми давлат молия тизимига жалб қилинди. Тижорат дўконлари ҳамма учун бўлмасада (аҳолининг кўпчилиги қисми бунга қурби етмаган), юқори ойлик маош олувчи ишчи ва хизматчилар учун карточка нормалардан ташқари кўшимча маҳсулотлар шу жумладан, нон ҳам сотиб олишга имконият яратилди.

Карточка бўйича ва тижорат савдо тизимида маҳсулотлар нархи ўртасидаги фарқ сезиларли бўлган. Масалан, 1945 йилда охирида II сорт бўғдой унидан тайёрланган ноннинг карточка бўйича нархи 1,7 рубль ва тижорат дўконларида эса 30 рубль бўлган³⁹⁵ (ўртадаги нархлар фарқи деярли 27 баробар). Шунинг учун чакана савдо айланмасида тижорат савдо тизимининг улуши катта бўлмай, 1945 йилда 9,6% ни ташкил этди³⁹⁶.

1943 – 1944 йилларда республика аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Марказий тақсимот ва жамоат овқатланиш тизими янги маҳсулотлар билан бойици

³⁹⁵ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. ... – С. 194.

³⁹⁶ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – М.: Наука, 1970. – С. 399.

ҳамда жамоат овқатланиш тизими сифат ва сон нуқтаи назаридан бойиди. Масалан, умумий овқатланиш шохобчаларидан тапқари йирик шаҳарларда парҳез ошхоналари ҳам ташкил этилди. 1943 йилда Тошкент шаҳрининг ўзида 600 киши парҳез ошхоналарига бириктирилган эди³⁹⁷.

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бirlиши	Болалар ўқувчи ва суғунак аста гуруҳлар	Кундузги болалар	Сут ошхоналари	Болалар озиқ-овқат стациялари	Туғруқхоналар	Болалар боғчаси	
							суғунак	Кундузги 10 соатлик
Гўшт-балиқ	гр.	1200	750	-	500	2500	1500	1200
Ёғлар	гр.	600	500	60	150	1100	500	500
Ерми ва меъдани маҳсулотлари	гр.	1200	1000	750	500	2250	1200	1200
Шakar	гр.	900	900	600	150	1000	500	500
Сут	литр	12	10	9	6	15	10	6
Сметана	гр.	300	150	-	150	300	150	150
Творог	гр.	600	300	-	300	300	600	300
Пиллоқ	гр.	150	150	-	-	-	150	150
Тўхум	дона	10	8	-	-	30	15	10
Савзавот ва картошка	кг.	7,3	7,0	-	6,0	15,0	7,8	7,5
Туз	гр.	300	300	-	300	900	400	400
Кофе	гр.	60	60	-	60	60	60	60
Чой	гр.	15	15	-	15	30	15	15
Нон (қушик)	гр.	300	250	-	-	500	300	300
Бугдой ва картошка чин	гр.	300	300	150	150	300	300	300
Хўшхўш ошунин	гр.	400	200	-	-	400	400	200

Шунингдек, 1944 йилда СССР ХКСнинг 1571-сонли қарори Асосида аёллар ва болаларнинг таъминоти даражаси бирмунча яхшиланди. Ушбу қарор асосида СССР Савдо ХКнинг 566-сонли буйруғида болалар ва туғруқхонадаги аёллар учун куйидаги озиқ-овқат нормалари белгиланди (бир ой ҳисобида)³⁹⁸:

³⁹⁷ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3740 йиғмажид, 179-варақ.

³⁹⁸ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-руйхат, 310 йиғмажид, 97-варақ.

Шунингдек, буйруқда болалар учун мўлжалланган шакар ва ҳайвон ёғларини бошқа маҳсулотлар билан алмаштириб бўлмаслиги ва гўшт нормаларининг энг кўпи билан 10%ни туқум порошоги билан алмаштириш мумкинлиги белгиланди³⁹⁹. Баъзи маҳсулотларга ойлик нормалар жуда кам белгилансада (эътибор берилса, ойлик туз нормаси творог ва сметана нормаларига нисбатан яқин), болаларга берилиши керак бўлган маҳсулотлар рўйхатида сметана, творог, кофе ва пишлоқнинг пайдо бўлишининг ўзи вазиятнинг секин-аста яхшиланиб бораётганлигидан дарак беради.

Шу билан бирга давлат томонидан белгиланган сут-гўшт маҳсулотлари нормалари билан тўлиқ истеъмолчиларни таъминлашда муаммолар мавжудлигини ҳам таъкидлаш зарур. Чунки шу йилларда республика чорвачилигида юзага келган инқирозли вазият, сут ва гўшт маҳсулотлари нормалари тўлиқ ҳажмида етказиб беришга имкон бермасди.

Жумладан, Ўзбекистон пойтахтини сут билан таъминловчи Тошкент вилояти колхозлари сут топшириш режаларини бажара олмасди. 1944 йилдан аҳоли (асосан, болалар ва ҳомилдор аёллар) учун сут маҳсулотлари билан таъминлаш нормалари бирмунча оширилишига қарамай, бу нормаларни таъминлашнинг амалда имконияти ҳар доим ҳам бўлмаган. 1945 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрининг сутга бўлган талаби 1,5 тонна ташкил этган ҳолда, бу талаб 0,5 тоннага қондирилди⁴⁰⁰.

1945 йил июнь ойининг 20 кунини ҳолатига кўра, Тошкент вилояти Чинобод сельсовети ҳудудида жойлашган "Пўлат-Қадам"

³⁹⁹ ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 310-Илгмажид, 95-варақ.

⁴⁰⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4647-Илгмажид, 189-варақ.

колхозининг ойлик сут топшириш режаси 1851 литр бўлган ҳолда, амалда 45 литр сут топширилди. “Гулистон” колхозининг режаси 1858 литр бўлиб, режа умуман бажарилмаганиги қайд этилди. Режа бўйича сут топширмаслик ҳолати Топшкенг вилоятининг яна бир неча колхоз ва савхозларида аниқланди⁴⁰¹.

Уруш йилларида аҳоли таъминотидаги энг тақчил маҳсулотлардан бири гўшт ва гўшт маҳсулотлари эди. Гўшт ва уни қайта ишлашдан тайёрланган маҳсулотларнинг аксарият қисми фронтга юбориларди. Шунинг учун бу маҳсулотларинг жуда оз қисми аҳоли истеъмоли учун ажратиларди. Чакана савдода гўшт маҳсулотларига белгиланган нархлар шунчалик юқори эдики, кўпчиликни уларни сотиб олишга қурби етмасди. Давлат гўштга юқори оборот солиғи белгилаб, сунъий равишда тақчил маҳсулот истеъмолини чеклади.

1942 йил 4 июлдаги СССР Молия ХКнинг 405-сонли вақтинчалик кўрсатмасига кўра сояли колбасага 50%, оксилли котлетларга 67% чакана савдо оборот солиғи белгиланди⁴⁰². 1942 йил 20 июндаги СССР Молия ХК 375-сонли ва СССР Сут ва Гўшт саноати ХКнинг 405-сонли буйруқлари асосида мол гўштига чакана савдо оборот солиғи ставкаси 70%, қўй ва чўчка гўштига 67%, от ва туя гўштига 10% этиб белгиланди. Қуён ва қоракўл кўзилари гўшти учун чакана савдо оборот солиғи жорий этилмади⁴⁰³.

Фронт таъминоти билан боғлиқ маҳсулотлар ва ҳарбийларга хизмат кўрсатувчи муассасалар оборот солиғидан озод этилди. Масалан, армия учун тайёрланган барча турдаги нон ва нон маҳсулот-

⁴⁰¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 4647 йиғмажилд, 129-варақ.

⁴⁰² ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 658 йиғмажилд, 208-варақ.

⁴⁰³ ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 658 йиғмажилд, 83-варақ.

лари⁴⁰⁴, госпиталларга мўлжалланган озиқ-овқат савдоси оборот солигидан озод этилди⁴⁰⁵. Фронт учун мўлжалланган маҳсулотлар оборот солигига тортилмаса, баъзида иетинолар ҳам бўлиб турди. Масалан, Қизил Армия учун махсус тайёрланган “С витамини билан бойитилган ароқ”да ароқ учун оборот солиги олинмасда, витаминли қўшимча учун ҳар литр ароққа бир рубль солиқ солинди⁴⁰⁶.

Аҳолига карточкалар бўйича берилаётган маҳсулотлар сифатига алоҳида тўхталиб ўтсак. 1941 йил 15 апрелда СССР Савдо халқ Комиссарлигининг 172-сонли буйруғи билан “Озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли қабул қилиш ва сақлаш қоидалари” тасдиқланди. Ушбу қоидада нон (бугдой ёки жавдар) ва нон маҳсулотлари сирти йирик ёриқларсиз, текис бўлиши, ичи куйиб кетмаган ва етарли даражада пишган бўлиши; ноннинг сирти мағзидан ажралган бўлмаслиги, уваланиб кетмаслиги, қўшимча хид ва таъмга эга бўлмаслиги; намлик нормаси сақланиши каби стандартлар белгиланди.

Аммо уруш йилларида нон сифати масаласи жиддий муаммага айланди. Нон нимадан ва қандай тайёрланганли, қай ҳолатда сақланганлиги, техник ва санитар нормаларга амал қилганиши миллионлаб одамлар саломатлигининг кафолати бўлиши мумкин эди. Урушнинг дастлабки вақтларидан ушбу нормаларга ўзгартиришлар киритилди. Масалан, 1941 йил 13 сентябрдаги СССР ХКК қарори билан нон ёпишда фойдаланиладиган бугдой унияга 15 – 20% миқ-

⁴⁰⁴ ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 658 йиғмажид, 47-варақ.

⁴⁰⁵ ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 658 - йиғмажид, 19-варақ.

⁴⁰⁶ ЎзР МДА, Р 93-фонд, 15-руйхат, 658 - йиғмажид, 81-варақ.

дорда арпа унини аралаштиришга рухсат берилди⁴⁰⁷. Шунингдек, 1941 йил 26 декабрдаги СССР ХККнинг 1005/к-сонли буйруғида унга қўшимча кепак қўпишга рухсат этилди⁴⁰⁸. Бундан иқтисод усуллари ноннинг сифати ва тўйимлилигига даражасига салбий таъсир этди.

1941 йил август ойида нон ва макарон заводларининг текширувида ун, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сақланиши аянчли ҳолатга олиб келинганлиги маълум бўлди. Тошкент шаҳрини нон билан таъминловчи учта завод текшириб чиқилганда, уларнинг омборларида сақланаётган ун ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари билан зарарланганлиги маълум бўлди. Ҳатто, 6-сонли оби нон заводи элаklarининг ун паразитлари билан зарарланиши ҳолати учинчи даражага етгани аниқланди⁴⁰⁹.

Шунингдек, ушбу текширувда ун омборлари ҳолати, ачиткилар ва ун сақланишига доир техник ва санитар нормаларга суиътибор борилаётганлиги маълум бўлди. Омборларда ун қоғамларининг ерда сақланганлиги ва натижада нон тайёрлаш учун мўлжалланган уннинг замбуруғлар билан зарарланиши; омборлар поллари кўздан кечирилганда эса уларда кемирувчилар қолдирган тешиклар топилди⁴¹⁰.

Нон ишлаб чиқариш жараёнида мутассил техник ва санитар-гигиеник нормаларнинг бузилиши нон сифатининг ёмонлашуви, уннинг йўқотилиши ва зарарланишига сабаб бўлди. Ҳашаротлар, замбуруғлар ва кемирувчилар қолдиқлари билан зарарланган ундан

⁴⁰⁷ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3143-йигмажид, 124-варақ.

⁴⁰⁸ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 3143-йигмажид, 1-варақ.

⁴⁰⁹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2653-йигмажид, 104-варақ.

⁴¹⁰ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2653-йигмажид, 104-варақ.

тайёрланган нон инсон саломатлигига жиддий хавф эди. Нон заводлари ва омборхоналарда кўплаб муаммолар бўлишига қарамай, Тошкент ва Самарқанд вилоятига текширилган заводларнинг ҳеч бирида нон токсикологик ва биологик анализдан ўтказилмаганди⁴¹¹. Маълумки, сифатсиз тайёрланган нон маҳсулотлари инсонга биологик (масалан, замбуруғлар билан) ва токсик (масалан, алкоид моддалар билан) захарланиши мумкин. Текширувлар шундан далолат берадики, урушнинг кейинги йилларида ҳам Ўзбекистонда нон сифатини яхшилаш бўйича жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлмади.

Жумладан, 1943 йил июнь ойида Тошкент шаҳрини нон билан таъминловчи тўрт завод ва ўнга дўконда текширувлар ўтказилди. Текширув натижасида нон тайёрланиши, ташилиши ва сифати ҳолати юзасидан кўплаб нуқсон ва камчиликлар аниқланди. Жумладан, заводларда ноннинг сақланишига доир техник ва санитар нормаларга амал қилмаслик ҳолатлари аниқланди. Масалан, Тошкент шаҳрида аҳолисини нон билан таъминловчи 1-сонли заводда нон сақланиши ва совутилиши учун махсус хоналар ташкил этилмагани ва тайёр нонлар полда сақланганлиги маълум бўлди⁴¹².

Уруш йилларида карточка бўйича белгиланган нон нормалари аҳолига тўлиқ равишда берилмаган ҳолатлар ҳам учраган. Бу ҳақда ўрганилган архив ҳужжатлари ва адабиётларда маълумотлар учра- масада, нон таъминотига тегишли бошқа ҳужжатлардан ушбу ма- салага аниқлик киритиш мумкин. Жумладан, маълум шаҳарни нон билан таъминловчи заводларида кунлик ишлаб чиқариш режалари

⁴¹¹ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 2653- йилмажид, 105-варақ.

⁴¹² ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 4089- йилмажид, 64-варақ.

тузилган. Режада завод таъминотидаги савдо нуқталарига бириктирилган карточкаларнинг нон нормалари ҳисобга олинган. Аммо нон заводлари ишлаб чиқариш режалари ҳар доим ҳам 100 фоизга бажарилмаган. Текширувлар ўтказилганда, 1943 йил июнь ойининг 18 кунда Тошкент шаҳрини нон билан таъминловчи тўрт заводнинг ўзи савдо ташкилотларига режадан 135 тонна кам нон етказиб бергани маълум бўлди⁴¹³. Нон билан аҳолини таъминлашнинг бошқа манбаси бўлмаган ҳолда, амалда дўконлар нон нормаларини қисқартиришга мажбур бўлди.

Иккинчидан, карточка нормаларининг камайишига нон тақсимот жараёнининг нотўғри ташкил этилганлиги ҳам сабаб бўлган. Масалан, савдо бошқармалари томонидан нон нотўғри тақсимланиши натижасида баъзи дўконларга талабдан кўпроқ, баъзиларига эса белгилангандан камроқ нон жўнатилган. СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 380-сонли буйруғига кўра, карточка эгалари маълум дўконларга бириктирилган ва бошқа дўкондан нон олишга ҳаққи йўқ эди. Демак, режадан кам таъминланган дўконларга бириктирилганлар ҳам карточка нормаларидан камроқ нон сотиб олишга мажбур бўлганлар..

Карточкаларда белгиланган маҳсулотни сотиб олиш ҳам бир катта муаммо эди. Бунинг сабаби, етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида боғловчи бўгин бўлган савдо дўконлари истеъмол режасида кўрсатилган маҳсулотлар билан етарли даражада таъминланмас эди. Карточка билан тақсимотни амалга оширишда энг катта муаммо ҳам шу эди. Шу билан карточка нормаларини белгиловчи

⁴¹³ ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-руйхат, 4089- йилмажид, 64-варақ.

қарорлар ижроси йўққа чиқарди. Биргина 1942 йилда республика савдо тизими сотув режасига киритилган 35 вагон тухум билан таъминланмади⁴¹⁴. Истеъмолчиларда тухумлар қарточка нормаларида кўрсатилган бўлсада, амалда бу нормалар қоғозда қолиб кетганлигини англатади.

Уруш йилларида дўконлар олдида одатда эрталаб соат тўртдан, совуқ ва тунда аёллар ва болалардан иборат узундан-узун навбат занжири пайдо бўларди. Шаҳарларда нон таъминоти вақтинчалик бузилган ҳолатлар ҳам содир бўлиб, бу аҳоли учун ҳақиқий фожеа эди. Масалан, 1943 йил декабрь ойида Самарқанд шаҳрида 5 кунгача нон таъминотидан узилди. Текширувлардан аниқланишича, нон таъминоти бузилишининг асосий сабабчиси транспорт ва уларга ёқилгининг мавжуд эмаслиги бўлиб чиқди⁴¹⁵.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва тақсимлашнинг ўзига хос тизим сифатида шаклланди. Тизимнинг бошида дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари бўлса, унинг сўнгги занжирини истеъмолчилар ташкил этган. Нон тақсимот ва таъминот тизимининг бўгинлари бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, маълум бўгин функцияси бузилиши (масалан, транспорт ва ёқилги йўқлиги) тизим фаолиятининг бутунлай бузилишига олиб келган.

